



1027258  
291

ШОХ ВА ШОИР  
Захифиддин  
Муҳаммад Ўодиғ



98-3707gl



«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА  
КОНЦЕРНИНИНГ БОШ ТАҲРИИЯТИ  
ТОШКЕНТ — 1996



ШОХ ВА ШОИР  
Захиифиддин  
Муҳаммад Ўодъ

## *Назм дурдоналари*

## «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИНИНГ БОШ ТАҲРИРИЯТИ

Нашрга тайёрловчи — Ҳасанхўжа Муҳаммадхўжа ўгли.

Масъул мухаррир — Нажмиддин Комилов.

Бобур, Заҳирилдин Муҳаммад.

Ўз2

27258

10

291

1998 O'zb. Rez. DK

3107

© «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни  
нинг Бош таҳририяти Тошкент, 1996

10

«Бори элга яхшилиғ қылғилки, мундин яхши йўқ.  
Ким дегайлар даҳр аро қолди фалондин яхшилиғ».

**ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР.**

«Бобур дилбар шахс. Уйғониш даврининг  
типик ҳукмдори, мард ва тадбиркор одам  
бўлган. У санъатни, адабиётни севарди,  
ҳаётдан ҳузур қилишини яхши кўради».

**ЖАВОҲАРЛАЪЛ НЕРУ.**

«Биз Бобур мирзони улкан давлат арбоби  
сифатидагина эмас, қомусий аллома, мумтоз  
шоир сифатида ҳам чексиз қадрлаймиз. Бобур  
ўзбек халқининг буюк фарзанди, миллӣ ғуру-  
ридир. Ул зоти шариғнинг юртимизда нишон-  
ланаётган 510 йиллик тўйи шу юқсан эҳтиром-  
дан яна бир далолатдир».

**ИСЛОМ КАРИМОВ.**

«Буюк бобокалонимиз Бобурнинг 510 йил-  
лик таваллуд тўйи юқсан мақомда нишонла-  
нишига ишончим комил. Сиз жаноби олий-  
ларининг (Ислом Каримов — Ҳ. М.) бу бора-  
да улкан саъй-ҳаракат кўрсатаётганингиз эса  
бизни чексиз қувонтирмоқда».

**БЕГИМ СОҚИБА ЛАЙЛО УММОХОНИ.**

Хиндиистондаги Мўғуллар сулоласи жа-  
миятининг раисаси

## С ЎЗБОШИ

### ЗАХИРИДДИН МУҲАММАД УМАРШАЙХ МИРЗО ЎҒЛИ БОБУР

Ўзбек халқининг бой илмий-адабий меросини жаҳон халклари мулкига кўтаришида Ал-Хоразмий, Ал-Беруний, Ал-Фаробий, Ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Мавлоно Лутфий, Алишер Навоий каби ўнлаб улуғ алломалар қаторида Захириддин Муҳаммад Умаршайх мирзо ўғли Бобурнинг номи муносаб ўринни эгаллайди. Унинг ёрқин шахсий ва ижодий фаолияти, давлат, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги катта мавқеи авлодлар томонидан зўр ҳурмат-эҳтиром билан хотирланиб келинмоқда.

Бобур ва унинг кўп киррали фаолияти ҳакида Муҳаммад Солих, Хондамир, Гулбаданбегим каби замондош ва авлодлари дастлабки маълумотларни ёзиб колдиришган.

Унинг асарларини нашр этиш, ўрганиш борасида Шарқу Фарбнинг қатор олимлари салмоқли ишларни юзага келтирдилар. Айникса, Вильям Эрскин, Р. М. Колденот, Аннетта Бевериж, Хенри Бевериж, Крутейл, Э. Ҳолден, Н. И. Ильминский, А. Самойлович, В. В. Бартольд, Я. Фуломов, Х. Ёкубов, В. Заҳидов, Х. Сулаймон, С. Азимжонова, А. Қаюмов, И. В. Стеблева, С. Жамолов, С. Ҳасанов, Н. Отажонов ва бошқа қатор олимларнинг хизматларини алоҳида кайд этиб ўтиш ўринили.

Бўлажак истеъдодли давлат арбоби, иктидорли шоир ва адаб Захириддин Муҳаммад Бобур 1483 йилнинг 14 февралида Андижонда, Фарғона вилоятининг ҳукмдори Умаршайх мирзо ва унинг рафиқаси Қутлуг Нигорхонимларнинг оиласида дунёга келди.

«Бобурнома»да ўз авлодлари, ота-онаси ҳакида кизиқарли маълумотлар ёзиб қолдирган Бобур отаси Умаршайх мирзо ҳакида: «...равон саводи бор эди. «Ҳамсатайн» ва маснавий китобларни ва тарихларни ўқуб эди. Аксар «Шоҳнома» ўқур эди. Таъби назми бор эди, вали шеърга парво қилмас эди», деб ёзади.

Маърифатли ҳукмдор Умаршайх мирзо, шубҳасиз, ўғли Захириддиннинг таълим-тарбиясига ҳам катта аҳамият беради. Отасининг тўсатдан вафот этиши ёш Захириддиннинг давлат, эл-юрт ташвишлари билан ёшлигидан банд бўлишга мажбур қилди.

1494 йилда отаси вафотидан кейин 11-12 ёшли Захириддин подшоҳ килиб кўтарилди. Унинг кейинги фаолиятида отасининг яқинларидан Шайх Мазидбек, Бобоқулбеклар бек-атка сифатида муҳим роль ўйнайдилар.

Захириддин уйланиб Фаҳруннисо, Ҳумоюн мирзо, Комрон мирзо, Мирзо Аскарий, Мирзо Ҳиндол, Гулбаданбегим, Гулчехрабегим, Гулрангбегим каби бир неча фарзанд кўради.

Захириддин Муҳаммад Бобурнинг кисқа кечирган ҳаёти (47 йиллик умри) уруш-жанжаллар орасида, гоҳ ҳурсандчиликда, гоҳ чексиз ғам-аламлар гирдобида ўтди. Бу ҳақда у «Бобурнома»да шундай ёзган: «Ўн бир ёшимдан бери икки Рамазон ийдини паё пай бир ерда қилғон эрмас эдим». Ўз бошидан кечирган изтиробли кунларни эслаб, кейинроқ маснавийларида ҳам шундай ёзган эди:

Кўрсатиб давлат йитмагинг на эди,  
Ерга урдинг, кўтармагинг на эди.  
Гоҳ жоҳилни сарбаланд айлар,  
Гоҳ оқилни пойбанд айлар.  
Не вафо килганини билса бўлур,  
Не жафосиға сабр килса бўлур.  
Не қиласай, не кишидан истай дод?  
Кимга даҳр илгидин қиласай фарёд.  
Арзимас ғам емакка бу дунё,  
Бал отин ҳам демакка бу дунё.

Ҳақиқатдан ҳам Бобур яшаб ижод этган замон Мовароуннаҳр ва Хурросон тарихида ғоят зиддиятли бир давр эди. Бир томондан, улуғ Амир Темур томонидан асосланган, нисбатан марказлашган давлат, унинг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётга кўрсатган катор ижобий оқибатлари билан характерланса, иккинчи томондан, ана шу кудратли империянинг инқирозига юз тутиши туфайли турли томондан ҳам феодалларнинг ўзаро тож-тахт учун қурашлари эл-юртнинг иктисолий-сиёсий ва маданий ҳаётига, шубҳасиз, салбий таъсир кўрсатади.

Ана шу шароитда ёш Захириддин бир неча марта Самарқандни қўлга киритиб, унинг шуҳратини кўтариш мақсадида Султон Али мирзо, Бойсунгур мирзо, Шайбонийхонлар билан қурашиб, гоҳ енгди, гоҳ енгилди.

Бир дафъа Самарқандни эгаллаганида ёш Бобурни кутлаб Ҳиротдан Алишер Навоий унга мактуб йўллаган эди. Бироқ амиру беклар орасидаги парокандалик Бобурнинг бир жойда муқим ҳукмдор бўлиб қолишига имкон бермади. Ниҳоят, Бобур 300 га яқин садоқатли навкар ва аъёнлари билан Ҳисор тогларида саргардан юриб, 1504—1505 йилларда Афғонистонга бориб, унинг ҳукмдори Муҳаммад Арғунни осонликча енгиб, ҳокимииятни ўз қўлига олади.

1507 йилда Хумоюн ўгли туғилиши билан Бобур ўзини подшоҳ деб аташларини буюради. Бобур Афғонистонда ўз мавқеини мустаҳкамлаб олгач, Ҳиндистонни забт этиш орзуси билан яшайди.

1526 йилда шижиоатли ҳукмдор сифатида Бобур юз минг кишилик аскар, олти минг жангари фил билан жангта кирган Ҳиндистон ҳукмдори Иброҳим Лўдийга қарши ўн-ўн икки минг отлик аскари билан жангта кириб, уни Панипатда енгади. Бобур ҳужумни давом эттириб, Дехли ва Аграни ҳам кўлга киритади. Шундай қилиб, Ҳиндистонда бобурийлар салтанати юзага келади.

Бобур феодаллар билан алоқани яхшилашга, диний низоларни бартараф қилиб, маданий-меъморий ишларни ривожлантиришга астойдил киришади.

Аммо тўхтовсиз урушларда толиккан Бобурнинг жангу жадалларда еган зарбалари, Қандахор йўлида қаҳратон кишининг кор бўронларида қолиши, Чирчикнинг музлаган сувини ёриб, унда чўмилишлари, Ҳожа Калон каби яқин кишиларининг Ҳиндистонни ташлаб кетиши, она диёр согинчи, ўғлининг хасталигини ўзига ўтишини сўраб ёлборишилари натижасида кучайган руҳий азоблар, шафқатсиз ўлим жаҳонгашта саркарда, нозик табиат шоир ва хассос олимни кирқ етти ёшида, яъни 1530 йилнинг 30 декабрида бу фоний дунёдан бокий-абадий дунёга олиб кетади.

Захиридин Муҳаммад Бобур накадар серташвиш, нотинч ҳаёт кечиришига қарамай, ўз даврига нисбатан етук билим олиб, йирик бадий ва чуқур мазмунли илмий асарлар ижодкори даражасига кўтарилиди.

Бобур 16—17 ёшларидан ижод кила бошлаган. У асосан ўз она тили, қисман форсий тилда ҳам асарлар яратган. Унинг «Мубайин», «Волидийя» каби асарларидағи маълумотлар араб тилини ҳам пухта билганилигидан далолат беради.

Бобур (шер маъносида доворак ва жасурлигига ишора) таҳаллуси билан битган газали «Бобурнома»да «Топмадим» радифи билан келтирилган бўлиб, ундаги мисралар шоирнинг шу даврдаги руҳий ҳолатларини маълум даражада акс эттиради.

«Ул газалким тугатдим, ушбу кун, ушбу юртта тугатдим. Ул туганган ғазал будур:

Жонимдин ўзга ёри вафодор топмадим,  
Кўнглымдин ўзга маҳрами асрор топмадим.

Бу ғазал етти байт турур. Мундин сўнг ҳар газалким туганди, ушул тартиб била-ўқ битилди».

Бобур рубойларидан бирида ҳашам ва безаксиз бўлса-да, девон тузганлиги ҳақида куйидагиларни ёзган:

Девонима не рабту не тартибдуур,  
Не жадвалу не лавху тазхибдуур,  
Ки санга йибордим, ани айб айламаким,  
Девонингни тиларга такрибидуур.

Яна «Бобурнома»да ҳам «Фўлод Султонға девонимни йибордим», деган сўзлар Бобурнинг мукаммал девон сохиби бўлганлигини тасдиқлайди.

Девондаги шеърларнинг жанри хилма-хилдир. Унда ғазал, рубой, туюқ, фард, китъа, маснавийлар жамланган. Девондаги шеърларнинг деярли барчаси туркӣ-ӯзбек тилида ёзилган.

Бобур адабий меросининг катта қисмини лирик шеърлар ташкил этади. Шоирнинг лирик шеърларида ҳаётбахш туйгулар — ҳаётдан завқланиши, ёр васли билан кувониши эл-юрт-диёр севгиси, она-Ватандан узокда юрган лирик қаҳрамоннинг изтироби туйгулари, панднасиҳат мавзуудаги илм-маърифат ва ахлок-одобга чақирувчи, тақдирдан нолиш каби мотивлар содда ва равон мисраларда юксак бадиий маҳорат билан кўйланади. Бобур ижодининг характерли ҳусусиятлари ҳақида Ўзбекистон ФА ҳақиқий аъзоси, профессор В. И. Зохидов кўидагиларни ёзган эди: «Ўзининг бадиий асарлари билан у баъзан феодаллар вакили, мафкурачиси сифатида, баъзан ўз даврининг илгор кишиси сифатида кўринади. У баъзан феодализм жамиятини, давлатини, феодал усулини, феодал мафкурасини ёқласа, баъзи ҳолларда уларни фош килади, ўша даврининг тор рамкасига сигмайдиган фикрларни кўплаб ифодалайди.

Бобур ҳаммадан аввал ўз ижодиётининг прогрессив фикрлари билан бизга қадрлидир» (В. Зохидов. Бобурнинг фаолияти ва адабий-илмий мероси ҳақида. (Бобур. «Бобурнома», Т., 1960, 14-бет).

Бобур ғазалларидаги тематик ранг-барангликни кўздан кечирав эканмиз, уларда оптимистик туйғу билан сугорилган, инсоннинг шоду хуррамлиги билан боғлиқ кўтаринки ғазалларга ҳам дуч келамиз.

Ҳақиқатдан ҳам ҳаёт неъматлари: ёз фасли, ёр васли, дўстлар сухбатидан завқланиш, ҳаётга умид кўзи билан қараб, оптимистик хулосалар чиқариш Бобур шеъриятининг муҳим томонларидан биридир. Кўйидаги:

Ёз фасли, ёр васли, дўстларнинг сухбати,  
Шеър баҳси, ишқ дарди, боданинг кайфияти.  
Дўстларнинг сухбатида не хуш ўлгай баҳси шеър,  
То билингай ҳар кишининг табъи бирла ҳолати.  
Гар бу уч ишни мувофиқ топсанг ул уч вакт ила,  
Мундин ортиқ бўлмагай, Бобур, жаҳоннинг ишрати.

ёки:

Бўлмадим умримда бир дам хотири хуррам била,  
Гар иликдан келса бир дамни кечурманг ғам била.

каби мисраларда ҳаётни қўлдан келганича шоду хуррамлик билан ўтказишга чакиради.

Бобурнинг «Гул жамолин ёпқон ул гулнинг икки райхонидур», «Қаро зулфинг фирокида паришон рўзгорим бор», «Жамолинг васфи ни, эй ой, неча элдин эшитгаймен» каби мисралар билан бошланувчи ўнлаб ишкий ғазалларида ишқ ахлиниңг шайдолиги маҳбубанинг гўзал тасвири, севикли ёрга етишолмай хижрон азобларида тўлғанаётган ошиқнинг қалб изтироблари билан таарромум этилган.

Бобурнинг ғазал, маснавий, рубойиларида ёр-диёр, ватан мавзуи катта ўрин тутади. Бобур она юртидан йирокда бўлса ҳам ўзи туғилиб ўсган эл-юртига, ватанига бўлган муҳаббат, унга етишиш орзуси доим унинг қалбидан изтироб туйгуларини ўчирмайди: Бобур ўзга юртларга бориб, у ерларда талон-тарож билан шуғулланиб мол-дунё тўпламади, аксинча, ўша ерларда ҳам боғ-роғлар яратиш, катта ободончилик ишлари олиб бориш билан шуғулланса-да, ўзга юртларда юргани учун:

Толеъ йўқки жонимга балолиғ бўлди.

Ҳар ишники айладим хатолиғ бўлди.

Ўз ерни қўйиб Ҳинд сори юзландим,

Ёраб, нетайин, не юз каролиғ бўлди,

деб афсус-надоматлар чекади.

Бобур рубойиларида ахлоқий-дидактик ва маърифатпарварлик мотивлари катта ўрин тутади.

У ўз рубойиларида вафодорлик ва илм-маърифат олишга чакириб шундай мисраларни ёзди:

Ҳар кимки вафо қилса вафо топқусидур,

Ҳар кимки жафо қилса жафо топқусидур.

Яхши киши кўрмагай ёмонлиғ ҳаргиз,

Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидур.

Ёки:

Ким ёр анга илм толиби илм керак.

Ўргангали илм толиби илм керак.

Мен толиби илму толиби илме йўқ,

Мен бормен илм толиби, илм керак.

Бобурнинг шеъриятдаги эришган гоявий-бадиий ютукларида Шарқ адабиётининг Саъдий, Ҳофиз, Лутфий, Навоий каби устозларнинг гоявий-бадиий маҳоратларидан самарали ўқиб-ўргангандиги кўзга яққол ташланиб туради.

Айни пайтда Бобурнинг насрุ назмдаги анъаналари ўзидан кейинги ўзбек адабиётининг Машраб, Мунис, Оғаҳий, Увайсий, Нодира,

Қорий, Мұкимий, Фурқат каби күплаб вакиллари томонидан изчил давом эттирилди. Бобур ўз асарлари келажак авлодлар учун муносиб мерос бўлиб қолишидан фахрланиб:

Ашъорингким шеър оти то бўлгай,  
Табъ аҳли анга волау шайдо бўлгай.  
Ҳар лафзи дуру баҳри маъни анда,  
Ким кўрди дурки, онда дарё бўлгай.

Бобурдан бизга шеърий девон билан бирга бир канча «Бобурнома», «Хатти Бобурий», «Муфассал», «Мубайин», ҳарб иши, мусика илмига оид қатор илмий-бадиий асарлар мерос бўлиб қолган. Афсуски, уларнинг айримлари бизгача етиб келган эмас.

Бобурнинг қомусий характердаги йирик насрый асари «Бобурнома» жаҳон адабиётининг нодир намунаси сифатида унинг шухратини кенг ёйди. «Бобурнома»да муаллиф ўз даврининг тарихий-жуғрофий билимлари асосида атроф-муҳит, улардаги ноёб курилиш, тоғ-тошлар, табиий-экологик масалалар, айникса, ўз замондошлари Ҳусайн Бойқаро, Алишер Навоий, Камолиддин Беҳзод ва бошқалар, шунингдек, ўз ота-она авлодлари ҳакида қимматли маълумотлар беради. «Бобурнома» ўтмишнинг бадиий наср намунаси сифатида ҳам катта аҳамиятга эга.

Захириддин Мұхаммад Бобурнинг асарлари собик шўро ҳукумати даврида ўзбек ва рус тилларида бир неча бор нашр этилди. А. Самойлович Петроградда Бобур шеърларини нисбатан мукаммал нашрни 1917 йилда амалга ошириди. Барча хрестоматия-мажмуя, антологияларда Бобур шеърларидан намуналар босилиб чиқди. Тошкентда 1957, 1958 йилларда алоҳида шеърлари китоб ҳолда «Шеърлар», «Танланган асарлар» номлари билан нашр этилди. 1965 йилда Бобур асарларининг уч жилдиги нашр этилиб, унинг I-жилди «Асарлар» номи билан С. Азимжонова ва А. Қаюмовларнинг муфассал сўзбошилари билан нашр этилди. 1982 йилда Бобур асарлари «Лирика», «Бобурнома» номлари билан икки кисмдан иборат этиб рус тилида нашр килинди. I жилдени С. Ҳасанов сўзбоши ёзib, нашрга тайёрлаган, II жилдени эса С. Азимжонова сўзбоши ёзib, маълум ўринларини қисқартириб нашр эттирган. Аффонистонлик тадқиқотчи Шафиқа Ёркин 1983 йилда Бобур таваллудининг 500 йиллиги муносабати билан шоир ҳакида кенг тадқиқот иши қилди, Бобур шеърларини нисбатан барча бошқа нашрлардан тўлиқ ҳолда ва «Бобурнома»дан айрим лавҳалар билан асарлар тўпламини нашр эттиргди.

И. В. Стеблева нашрида (Семантима газелей Бобура. Издательство «Наука» Главная редакция восточной литературы. Москва-1982 год) ҳам Бобурнинг 119 та ғазали илова килинган. Филология фанлари доктори Сайдбек Ҳасанов 1991 йилда Бобурнинг «Волидийя» рисоласини (Хожа Аҳрор асарининг шеърий таржимаси) чоп эттиргди.

Биз мазкур нашрни тайёрлашда юкорида кўрсатилган барча асар-

ларни қиёсий ўрганиб, айрим хато ўқилган ўринларни тузатиб боришга ҳаракат қылдик. Бу ишда Шафиқа Ѓерқин нашрини таянч нусха сифатида асосга олдик. Луғатларни илова килишда «Навоий асарлари луғати», Тошкент-1972 йил ва «Алишер Навоий асарларининг изоҳли луғати» тўрт томлик. Тошкент—1983 йил нашрларидан фойдаланилди.

Мазкур нашр ўзбек тилидаги ҳозирча энг тўлиқ ва нисбатан мукаммал хисобланиши мумкин. Бунда ҳам, шубҳасиз, айрим хато, кусур ва камчиликларнинг бўлиши табийи. Агар муҳтарам китобхон ва мутахассислар ушбу китобни ўқиб, унинг ютуқ ва камчиликлари ҳакида самимий мулоҳазаларини билдиришса, асарнинг келажакдаги мукаммал нашрини яратишга ўз хиссаларини кўшган бўлур эдилар.

Ҳасанхўжа Муҳаммадхўжа ўғли  
ТошДУ доценти,  
филология фанлари номзоди.

## *Fазаллар*

1

Еглигингким, жон била мен хаstadtурмен зор анга, Хаста жонлар риштасидиндур магар хар тор анга.

Эврулур бошиңгғау гохи юзунга юз қўяр,  
Бу жиҳаттин от эмиш гулпечу гаҳ гулзор анга.

Бир чамандур саңниким, бүлгай бинафша сарбасар,  
Теграси гулзордурким, бүлмағай бир хор анга.

Еслинг токим юзу күзүнгө тегмиш, бордуур Юз менингдек зору юз минг мен киби бемор анга.

Эй күнгүл, юз пора қылса ёр тифи, ғам ема,  
Лутф этиб гар боғлар ўлса ёғлигини ёр анга.

Күнглум истар ёғлигингни, балки андин бир насим  
Етса Бобурға эрур жон бирла миннатдор анга.

2

Келтурса юз балони ушул бевафо манга,  
Келсун агар юзумни эвурсам, бало манга.

Нетгаймен ул рафик билаким, қилур басе  
Мехру вафо рақибға, жавру жафо манга.

Бегона бўлса ақл мени телбадин, не тонг,  
Чун бўлди ул пари сифатим ошино манга.

Оху ёшимдин ортадур заъф, эй табиб,  
Билдим ярашмас эмди бу обу ҳаво манга.

Дардим кўруб муолажада зоель этма умр,  
Ким жонда дарди ишқидурур бедаво манга.

То ёр кимни истару кўнглига ким ёқар,  
Ташвиш бежиҳаттурур охир санго, манга.

Бобур, бўлуб турур икки кўзум йўлида тўрт,  
Келса не бўлди қошима бир-бир манго манга.

### 3

Чун фалак қўймас мени бир лаҳза вasl айёмида,  
Тонг йўқ, эй бемехр, агар ўлсам фироқинг шомида.

Эй кўнгул, юзин кўруб зулфи паришонин соғин,  
Шоми хижрондин таваҳҳум айла вasl айёмида.

Зулфидаким маскан эттинг, кўр занахдон чоҳини,  
Воқиф ўлғилким, эурсен аждаҳонинг комида.

Фунчадек оғзинг ғами кўнглумда гар йўқ, бас недур?  
Чок кўнглум ҳайъати гул фунчаси андомида.

Ёрнинг пайғоми еткач, топти жон фарсада тан,  
Исо эъжози магар музмардуур пайғомида.

Бобур, ул гул зулфи остинда эмастур холлар,  
Жон күшин сайд айлар учун доналардур домида,

Не кўрай тўбийни қадди хуш хироминг борида!  
Не қиласай сунбулни хатти мушкфоминг борида?

Ким Хизр суйин оғизланғай, болингнинг қошида,  
Ким Масих алфозидин дегай каломинг борида.

Ошиқингни давлати васлинг била кил муҳтарам,  
Хусн ахли ичра мунча эҳтироминг борида.

Биздин ойру доим эл бирла ичарсен бодани,  
Бизни ҳам гоҳи соғин шурби мудоминг борида.

Эй кўнгул, гар ғайр сўзи заҳри қотилдур, не ғам,  
Лабларидин шарбати юҳийил-изоминг борида.

Тарки номус айлабон, бадном бўлғил ишқ аро,  
Ким сени ошиқ дегай номусу номинг борида?

Бобур, ул гул кўйида булбул киби топтинг мақом,  
Бир навоиे рост қил мундок мақоминг борида.

Ўлум уйкусиға бориб жаҳондин бўлдум осуда,  
Мени истасангиз, эй дўстлар, кўргайсиз уйкуда.

Неким тақдир бўлса, ул бўлур тахқик, билгайсиз,  
Эрур жангу жадал, ранжу риёзат барча бехуда.

Ўзунгни шод тутғил, ғам ема дунё учун зинҳор,  
Ки бир дам ғам емакка арзимас дунёйи фарсуда.

Замона аҳли ичра, эй кўнгул, оё топилғайму  
Сенингдек дард паймоу менингдек дард паймуда?

Улусдин тинмадим умрумда ҳаргиз лаҳзае, Бобур,  
Магар ўлсам бу олам аҳлидин бўлғаймен осуда.

6

Соқий эрур ишрат чоги, афсурда бўлма дай била,  
Ўттек чогир келтур, дағи, сухбат тутошур май била.

Келтур шароби нобни, омода кил асбобни,  
Хуш тут шаби маҳтобни чун бордур ул ой била.

Даврон ғамин барбод кил, ишрат уйин обод кил,  
Жону кўнгулни шод қил овози чангу най била.

Мажлисда бордур сар-басар май нашъасидин шўру шар,  
Борини масту бехабар кил жоми пайдарпай била.

Ҳамдард ёре қониким, бир ғамгусоре қониким,  
Абри баҳори қониким, Бобур киби йиғлай била.

7

Улки йиллар, ойлар ўткаргай ғаму мотам била.  
Шоду хуррам бўлмагай наврўз ила, байрам била.

Улки давроннинг аёғидин дамо-дам қон ютар,  
Нашъа топмас гар ичар ҳар давр жоми Жам била.

Дема, эй ҳамдам, диёру ёр сўзинким, менинг  
Улфатим йўқ олам аҳли бирла, бал олам била.

Сендин ойру найлагаймен ийд ила наврўзни,  
Ойу йил хуштур сенинг бирла агар бўлсам била.

Тортиб афғон, оҳ уруб ҳижронда, Бобур, йиғласанг,  
Навҳа тузгай базми ғам аҳли бу зеру бам била.

8

Бўлмадим умримда бир дам хотири хуррам била,  
Гар иликтин келса бир дамни кечурманг ғам била.

Неча бўлғай ёр ҳижронию даврон меҳнати,  
Нақди умрум, оҳқим, ўтти ғаму мотам била.

Зохир ўлғай ҳар нафас бир тун сочингнинг ҳажрида  
Ўтлуғ оҳим дуд янглиғ чиқса печу хам била.

Эй кўнгул, токим кўрубмен ул паридин илтифот,  
Ихтилот этмак манга ёқмас бани одам била.


Қатъ этиб Бобур боридин чун санга келтурди юз  
Бок эмас якруй бўлса жумлайи олам била.

9

Фурбатқа солди чарх мени юз жафо била,  
Ёд айла мен ғарифни гоҳи дуо била.

Беҳад вафоу меҳр санга кўрсатиб эдим,  
Сен ҳам соғингасен мени меҳру вафо била.

Чун қилди мени ул бути Чин зору мубтало,  
Ишим менинг қолибтууроп эмди худо била.



Кўрмон фараҳни бир дам агар андин ойрумен,  
Билмон аламни бормен онинг бирла то била.

Ул сарвға карам килибон еткур, эй сабо,  
Бобур ниёзини ер ўпуб хуб адо била.

## 10

Неча расво бўлғамен ишқ ичра шайдолиғ била?  
Ҳеч киши кўрмайдурур ошиқ бу расволиғ била.

Ҳар нечаким туттум ўзни порсолиғ таврида,  
Бўлдум охир шухраи оғоқ шайдолиғ била.

Менки ҳижронингда кон ютмоқ била мұтодмен,  
Манга йўқтур ҳеч нисбат айши саҳболиғ била.

Шайх шеърим манъ этар, етмай балофат лутфиға,  
Найлагай, ё раб, киши бу пири ноболиғ била.

Бобури бедилни ишки телбаратса не ажаб,  
Чунки ҳаргиз рост келмас ишқ донолиғ била.

## 11

Хатинг аро узоринг сабза ичинда лола,  
Ул чашми пур хуморинг лоладаги ғазола.

Барча парилар, эй жон, гирдингда зору ҳайрон,  
Гўё эрур намоён ой теграсида ҳола.

Мехру вафони эй ёр кўп кўрди сендин ағёр,  
Жавру жафони бисёр килдинг манга ҳавола.

Ҳажрингда, эй парирў, кўзумдин учти уйқу,  
Ҳар кеча тонгға тегру ишимдур оху нола.

Юз сафҳасинда хатлар ёшдинки ҳар тараф бор  
Ишқингда Бобур айлар бу навъ юз рисола.

## 12

Хатинг парвона келтургач, тирилди ушбу девона,  
Они тиргузмак учун гўйиё келтурди парвона.

Күёшдек юзунгу дурдек тишингнинг ҳажрида, эй жон,  
Кўзумнинг ёшидур юз катрау ҳар катра дурдона.

Қадинг кўрсатмадинг бир тори сочингдин сори пинҳон,  
Иноят тўғри гар, йўқтур, не бўлди бўлса тўлфона.

Онинг усрук кўзидин борди чун диним эви барбод,  
Мену, эй дўстлар, мундин нари май бирла майхона.

Жамолинг шамъи ҳижронида Бобур ўртаниб борди,  
Қачон бошингдин эврулгай келиб парвонадек ёна?

## 13

Сочининг савдоси тушти бошима боштин яна.  
Тийра бўлди рўзгорим ул каро коштин яна.

Мен худ ул тифли паривашға кўнгул бердим, vale  
Хонумоним ногаҳон бузулмағай боштин яна.

Юз ямонлик кўруб ондин телба бўлдунг, эй кўнгул  
Яхшилиғни кўз тутарсен ул париваштин яна.

Тош ураг атфол мени, уйида фориғ ул пари,  
Телбалардек кичкиурмэн ҳар замон тоштин яна.

Оёгим етганча Бобурдек кетар эрдим, нетай,  
Сочининг савдоси тушти боштин яна.

## 14

Ким кўрар хуршидни ул моҳсиймо бўлмаса?  
Ким сўрап шаккарни ул лаъли шакархо бўлмаса?

Гул тикандур кўзларимга, ул юзи гулдин йирок,  
Сарв ўқтур бағрима ул сарви боло бўлмаса.

Жаннатул-маъвони, эй зоҳид, нетай мен зорким,  
Истарам кўйидин ўзга манга маъво бўлмаса.

Тиймагил девона кўнглумники расво бўлма деб,  
Ошик ўлгайму эди ул телба расво бўлмаса.

Гар бошингни кессалар ишқида, эй Бобур, сенинг  
Ёрдин кўнглунг керакким, ўзга қатъо бўлмаса.

## 15

Жонима ўт солди ул рухсораи зебо яна,  
Кўнглума ул зулф бўлди мояи савдо яна.

Кўрсатиб рухсору зулфин ул пари пайкар манга  
Жону кўнглумни қилибтур волау шайдо яна.

Ёр куйидаги томсен сен манга пушту паноҳ,  
Сояи лутфунгни сол чун санга келдим ёйина.

Шодлиғнио фарогатни қўюб ошиқ бўлиб,  
Мехнату ғамни қилиб мен ўзума пайдо яна.

Ёрға қулмен дегач, Бобурни расво айлади,  
Тенгри мендек бандасини килмасун расво яна.

## 16

Кўзумда муттасил ул эгма қош керак бўлса,  
Кошимда кўз ёруғи ул қуёш керак бўлса.

Сужуд вактида меҳроб бўлмасун ҳаргиз,  
Ки бош қўярда ўшал эгма қош керак бўлса.

Ҳабиб ишқида бошдин кеч, эй кўнгул, йўқ эса,  
Бу йўлға қўйма оёқ санга бош керак бўлса.

Кўюб оёғига бош, сўрса лаълидин ҳар ким,  
Бошиға туфраку оғзиға тош керак бўлса.

Сенинг била бори эл нохуш ўлса, эй Бобур,  
Не бўлгуси сенга, ул ёри хуш керак бўлса?

## 17

Хуш улким ёрдин қатъ айлабон тарки диёр этса,  
Жаҳон кезмак била бекайдлиғни ихтиёр этса.

Онингдек бўлсаким, асло тафовут бўлмаса пайдо  
Агар бу даҳри дун хор айласа, гар эътибор этса.

Жафодур жонға бўлмоғлиғ муқайяд олам аҳлиға,  
Хуш ул озодаким элнинг аросидин канор этса.

Кишининг жонига душман, балодур бошиға бу эл,  
Агар бошин туфайл айлаб ва гар жонин нисор этса.

Диёру ёрдин Бобур жафоу жавр кўп кўрди,  
Хуш улким ёрдин қатъ айлабон тарки диёр этса.

18

Ҳажр ўлтурдӣ мени англасам эрди мунча,  
Дўстлар, ёрдин ойрилмас эдим ўлгунча.

Зоҳидо, дўзах ўтидин мени не қўрқутасен,  
Ҳажр ўти қошида кўрмасмен они учқунча.

Ул қуёш меҳрини бир зарра манга кўргузмас,  
Кавқаби ашқ тўкуб, бўлсам агар гардунча.

Ҳуснда ортуқ агар бўлса юзи Лайлидин,  
Мен доги бормен анинг ишқида юз Мажнунча.

Риндлар олида ҳайвон суйинни кўп ўқасен,  
Эй Хизр, борму экин ул сув майи гулгунча?

Бобуро, шеърингта гар солса қулоқ ул шоҳинг,  
Бўлғусидур сўзунга қадр дурри макнунча.

19

Қачон бўлгай мушарраф бўлғамен, жоно, жамолингға?  
Кутулғаймен фирокингдин, етишгаймен висолингга.

Кўз очғил бокқаликим, бўлмишам бемор ул кўздин,  
Лаб очғил сўрғаликим, ташна бўлмишмен зилолингга.

Ул ойнинг юзи бирла туш бўлуб даъвойи ҳусн эттинг,  
Яқин бўлди буқунким, эй қуёш, еттинг заволингға.

Кабутар, элтасен хатим, не бўлгай гар қабул этсанг,  
Кўнгулни боғласам ул нома янглиф парру болингга.

Белингдинким хаёлийдур йироқдурмен, мени ёд эт,  
Умидим борки Бобурдин, етишгаймен хаёлингга.

## 20

Ул парининг тифидин кўркутма мени, эй ракиб,  
Ишқида бошимга менинг ҳар не келса, ё насиб!

Эврулуб бошингта, эй ой, қилмишам тарки ватан,  
Рахм қилғил мангаким, саргаштадурмен, ҳам ғариб,

Телба бўлмоғлиқдин ўзга чорае йўқтур манга,  
Ул парирў ногаҳон ар чиқса уйдин ёсаниб.

Жонда беркитган ўқин чекмак манга ранжедуур,  
Қўйғил ул ўқни чекай деб ранж чекма, эй табиб.

Бобуро, ҳаргиз қулоқ шеърингта ул гул солмади,  
Гулга не парвое, юз фарёд қиласа андалиб.

## 21

Эшикингда бош урармен телбалар янглиф юруб,  
Эй пари, йўл бер висолингфаки, кетмай бош уруб.

Сарв, қаддинг борида ўз қаддини чун қилди васф,  
Ўтқа ёқти боғбон сарви сиҳисин синдурууб.

Ўлтурууб эрди қўпуб кетмакга чун азм айлади,  
Ёна тиргузди мени, алхамдулилах, ўлтурууб.

Күзлари сайд айлар учун телба күнглумни менинг,  
Коши ёсини куруб, кирпик ўқини тўлдуруб.

То сабо зулфини ул гулнинг паришон айлади,  
Жон била ақлу күнгулни елга бердим совуруб.

Топшуруб эрдим күнгулни ёрға, чун борди ёр,  
Хамраҳ эттим хаста күнглумни худога топшуруб.

Бўй numa занжири ғам, ё бўғзума тиги ситам,  
Харне келса ишқ йўлида турубмен телмуруб.

Мен билурмен кўзи қотил, лаъли жонбахш эрканин,  
Чунки, Бобур, ҳажрида кўп йигладим оғзим куруб.

## 22

Кимки бўлғай сен киби оламда дилдори онинг  
Хар қаён азм айласа бўлғай худо ёри онинг.

Кўйидин мен азм этармен колғудектур хотирим,  
Хотиримни сахласа тенгри нигаҳдори онинг.

Келдим, эрса келмади ҳаргиз онинг кўнглига раҳм,  
Бордим, аммо бормади кўнглумдин озори онинг.

Ул қўёштин не осиг чекмак жафоу жаврким,  
Майли йўқтур заррае меҳру вафо сори онинг.

Борғай эрдим бош ила кўйига найлай, Бобуро,  
Хар қачон борсам эшигига, келур ори онинг.

## 23

Қайси бир озорин ойтай жонима ағёрнинг?  
Қайси бир оғритқонин кўнглумни дей дилдорнинг?

Қайси бир беражмлигини толеи гумроҳнинг?  
Қайси бир кажравлигини чархи кажрафторнинг?

Қайси ҳасрат бирла армонин вафосиз васлининг?  
Қайси меҳнат бирла ранжин фурқати хунхорнинг?

Урбат ичра, эй кўнгул, элдин вафо истарни қўй,  
Чун вафосин кўрмадинг ҳаргиз диёру ёрнинг.

Бобур, ул гул жавр этар, ағердин не яхшилиғ,  
Гулнинг озори бу бўлса, вах, не бўлғай хорнинг.

## 24

Ўлтуур гарчи мени гуфторинг,  
Тиргузур ул лаби шакарборинг.

Куйдуур хасратида мени, нетай,  
Оташин гулдек ики рухсоринг.

Эй кўнгул, яхши икки дунёдин.  
Бир назар килса санга дилдоринг.

Хор кўрма ғамин ул ойнингким,  
Будуур фурқатида ғамхоринг.

Қилди то гул юзида зохир хат,  
Бобуро, бўлди хати безоринг.

Хираду сабр келиб албатта,  
Ишқдин эмди мени кутқоринг.

## 25

Олида гўйин кўрунг, илгода чавгонин кўрунг,  
Юзида зулфи била гўйи занахдонин кўрунг.

Секратиб елдурганида тавсаниға күз солинг,  
Ё ёқолиб йўл юруса, сарви хиромонин кўрунг.

Ул пари майдон аро жавлонда юз минг ноз ила,  
Орқасинда юз менингдек зору ҳайронин кўрунг.

Ишқида жонни маломат ўқиға қилманг ҳадаф,  
Кошининг ёсини кўзланг, тийри мужгонин кўрунг.

Дерки, Бобур, илтифот айлай санга етган замон,  
Менга етгач қошида юз чину ёлғонин кўрунг.

## 26

Кўнгулга бўлди ажойиб бало қаро сочинг,  
Шикаста кўнглума эрмиш қаро бало сочинг.

Бошимға чикти тутун рашқдин қаро сочдин,  
Аёкка тушгали, эй сарвноз то сочинг.

Муяссар ўлди жунун мулки, эй жунун аҳли,  
Нисори ашкни эмди бу кун манго сочинг.

Сочинг шикастида бордур шикаста кўнгуллар,  
Кўнгуллар очилур, очилса, ул қаро сочинг.

Очилди кўнгли, чу очтинг сочингни, Бобурнинг,  
Не айб агар деса дилбанду дилкушо сочинг.

## 27

Эй юзи насрин, қомати шамшод  
Неча қилурсен жонима бедод?

Сен киби пуркор, шеваси бисёр  
Билмади, эй ёр, ҳеч киши ёд.

Жаврда нодир, зулмда мохир,  
Ишвада қодир, ғамзада устод.

Ёр ғамидин, ҳажр аламидин  
Сабр камидин нолау фарёд.

Бобури бедил, эй бути қотил,  
Жаврунга мойил, зулмунга мұльтол.

28

Шохи Султон Увайс бан Маҳмуд.  
Моҳи Султон Увайс бан Маҳмуд.

Қадди оғзингдин айру тортармен,  
Охи Султон Увайс бан Маҳмуд.

Мени ёд айла базми ишқингда,  
Гоҳи Султон Увайс бан Маҳмуд.

Хуштуур ҳамроҳим агар сенсен  
Роҳи Султон Увайс бан Маҳмуд.

Ёди шаҳдур агарчи Бобур лек,  
Шохи Султон Увайс бан Маҳмуд.

29

Не чаманда сарв бор ул қомати раъно киби,  
Не гулистон ичра гул бор ул рухи зебо киби.

Не жафо таврида бор дунёда ул bemexrdex,  
Не вафо бобида бор оламда мен шайдо киби.

Донаи холи Масихосо лабининг устида  
Нотавон жонимга бўлди мояи савдо киби.

Айласам кўйида маъво, найлайнин жаннатниким,  
Бор манга ул хур кўйи жаннатул-маъво киби.

Базм аро, эй дўстлар, не майки, қон ичмак дурур,  
Сокий гар бўлмаса ул шўхи базморо киби.

Минса абраш ул қуёш куймай нетайким, Бобуро,  
Мени кайдурмакка елдур маркаб, ўтдур рокиби.

### 30

Шукрлиллаҳ, айш юзландию меҳнат қолмади,  
Етти айёми висолу шоми фурқат қолмади.

Юзланиб амну фароғат, ғуссай ғам бўлди рафъ,  
Айшу ишрат келдiou ранжу машакқат қолмади.

Меҳнати хижронки ондин чок-чок эрди кўнгул,  
Бўлди роҳатқа мубаддал, ул жароҳат қолмади.

Муртафиъ бўлғонда хижрон кел тавакқуф килмаким,  
Интизорингни чекарга ўзга тоқат қолмади.

Васлинга еткурди даврон оқибат Бобурни, шукр,  
Эмди даврондин манга асло шикоят қолмади.

### 31

Деманг ўқини танимга балои жон келди,  
Хаётсиз баданимга ўки равон келди.

Хаёт суйини кўйким, лабидин олдим ком,  
Бор, эй Хизрки, манга умри жовидон келди.

Сипехри кўйини кўк эврулур келиб ҳар кун,  
Не бирдуур буки рифъатин осмон келди.

Хуш улки бир киши кўзум йўлида эрканда,  
Севинчи деб югуруб етсаким фалон келди.

Фироқ аро ўларимда етишти ул жонон,  
Худога шукр қиласким, ўлар замон келди.

Адам йўлига кўнгул кирди ишқ доди била,  
Бу йўлдин ўтмади ҳар кимки бенишон келди.

Фарогат истар эсанг бўл жарида, эй Бобур,  
Ки жону танға ғаму гусса хонумон келди.

## 32

Зухд кетти эса, карам қилди.  
Ишқ келдию мухтарам қилди.

Ул алиф бўйлук ойнинг ишқи  
Мени олам алам қилди.

Кўзию зулфу оғзи фурқатида,  
Фалак охир мени адам қилди.

Кўнглум ўртанди ҳар дам оҳимдин,  
Магар ул ел бу ўтни дам қилди.

Қоши ёлар жафосидин бу чарх  
Менинг отимга ўқ рақам қилди.

Чангি ғамдин қутулмади Бобур,  
Нечаким нола зеру бам қилди.

Ул ахд ила паймон қани, эй ёр, не бўлди?  
Ул лутф ила эҳсон қани, эй ёр, не бўлди?

Кеттим мени ҳайрон эшигингдин, демадинг ҳеч  
Ул телбаи ҳайрон қани, эй ёр, не бўлди?

Юз кўрсатибон эл ичида лутф этар эрдинг,  
Ул лутфи намоён қани, эй ёр, не бўлди?

Сенинг сари бори кўнгул истаб тополмай,  
Сенинг сори борғон қани эй ёр, не бўлди?

Жонимға даво сўзинг эди, сўзламадинг, ох,  
Жон дардиға дармон қани, эй ёр, не бўлди?

Мундокму эди аҳдки, Бобурни унуттунг,  
Ул ахд ила паймон қани, эй ёр, не бўлди?

Улки манга ёри дилнавоз кўрунди,  
Жаврни кўрсатти кўпу оз кўрунди.

Бўлди бошим паст пойбўсида охир,  
Гарчи бурун асрү сарафroz кўрунди.

Сенинг учун улки бош ўйнамади ҳеч,  
Санга ажойибки ишкбоз кўрунди.

Ишқ борида салоҳу тавбау тақво  
Борчаси таҳқиқ бил мажоз кўрунди.

Душмани жон ўлди не қилай санга, Бобур.  
Улки манга ёри дилнавоз кўрунди,

Туну кун бирла бутун мажлиси асру хуш эди,  
Мажлис аҳли бори дилхоху бори дилкаш эди.

Борининг сўзи эди хубу, латифу рангин  
Не паришону не бемаъниу не чирмаш эди.

Яхши май йўқ эдию нашъи май яхши эди.  
Нохуш эл йўқ эдию асру ҳавои хуш эди.

Бори аҳбоб эди ҳозир, бори асбоб эди жамъ  
Созу хонанда била нуклу майи бегаш эди.

Гоҳ пурханда эди эл басе сархушлуктин,  
Мастлиғдин яна гоҳ эл кўзи тўла ёш эди.

Барча таъзим килиб бир-бирини мастона,  
Гоҳ бошта оёқ эрди, гоҳ оёқта бош эди.

Тун ярмиғача бу навъ эдию ондин сўнг  
Мажлис аҳлининг иши ҳар сорига тарқаш эди.

Мен иликтин бориб эрдим, тутуб илгимни бирор  
Мени уйғотти, кўз очтим эса, ул маҳваш эди.

Тортиб илгини, қучуб бўйинни, оғзини ўпуб,  
Тонггача ўйнамоқ иш эрди, не хуш ўйнаш эди.

Бобур ар ҳарза деди, мажлис эли, айб этманг,  
Карам айланг, они маъзур тутунг, сархуш эди.

Ёз бўлдию бўлди яна жаннат киби ёзи,  
Хуш ул кишиким айш ила ўтгай қишу ёзи.

Дутора уни айшу фароғатни берур ёд,  
Мутрибқа қулоқ тутки, не дер нағмада сози.

Чун киблам әрүүр ёр, килмай қошида сажда;  
Носиҳ сүзиниң найлай, эмас сүзи намозий.

Бу телбау мадхуш дилу жонға не хуштур,  
Гаҳ қаҳру итоби била, гаҳ ишвау нози.

Тут мұғтанам ул ёрни, Бобурки, жаҳонда  
Маҳмуд ким эрди, не киши эрди Аёзи?

### 37

Бихамдиллаҳки, ул гулда вафодин бор эмиш бүе,  
Жафо таркин қылур әрмиш яна турки жафожүе.

Қадам ранжа қилиб бошимға келгайму дебон ул ой,  
Тутубмен пойи девори, қилиб маскан сари күйи.

Сочинг белингчау белинг дөғи сочинг қиби ёринг,  
Латофат ичра йүқ фарқи бу иккىнинг сари мүйи.

Мұяссар бўлса билгилким, бори оламдин ортуқдур,  
Кабобиу майи нобию маҳтобиу маҳрўйи.

Эшиттим илтифот айлаб темишсенким дуруп Бобур  
Фақири номуроду бесарупойи дуогўйи.

### 38

Кўрмагай эрдим жамоли олам оро, кошки,  
Бўлмағай эрдим бори оламға расво кошки.

Ишкө бөгүннинг ниҳоли ғам, бори ҳирмон эмиш,  
Қилмағай эрдим бу гулшанни тамошо кошки.

Қилмағай эрди кўнгул ишқин ҳавас, бал тилга ҳам  
Кечмагай эрди онингдек лафз асло кошки.

Қоши ёлар кўйида шариф этгунча сарф,  
Қилғай эрдим масжиду меҳроб аро жо кошки.

Ихтиёр эт ўзга иш, Бобурки, ҳосил бўлмағай  
Ишқу васлу айш ила ишраттин илло, кошки.

### 39

Бошда гар йўқтур жалолат тавҳаридин афсаре,  
Ёнима басдур мазаллат туфроғидин бистаре.

Киргали кўксум аро кўнглум иши куймакдурур,  
Мен нечук куймайки, кўксум ичра бордур ахгаре.

Сабру хушу аклу динимни олибтур, найлайнин,  
Сарв қадде, гул руҳе, райҳон хате насрин баре.

Кирпикидек ханжарин эл кўксига кирган замон,  
Кўзума ҳар кирпикин, ё рабки, қилғил ханжаре.

Абрашини елдуруб етгач, йикилдим дўстлар,  
Оҳқим, умрум дараҳтини йикитти сарсаре.

Ганжи ҳуснида кўрунг зулфи била гулгунасин,  
Гўйиё ўт солди ҳар ён ганж узра аждаре.

Ҳажр шомидин менинг қон ютмоғимни ёд этинг,  
Чексангиз у нозанин бирла сабуҳий соғаре.

Ҳар нечуктур умрни, Бобур, хуш ўткармак керак,  
Ким бу беш кун умр ғамгин бўлғали қилмас гаре.

Қади шохи гулдек нигорим қани?  
Лаби ғунчадек гулузорим қани?

Не тонг, юз нигор ўлса қон ёш била,  
Ки ул юзи гул, ёш нигорим қани?

Қаро кечаларда күзум ёрутур  
Үшал шамъи шабҳои торим қани?

Ярим кечалар келур эрди бурун,  
Бу тун келмади, ох, ёрим қани?

Деманг, тарки ишқини қил ихтиёр,  
Бу ишда менинг ихтиёrim қани?

Фироқинда кўнглумни қон айласанг,  
Санга бўлғай ул бекарорим қани?

Яна бир кўз ғамидин хаста кўрармен ўзни,  
Яна бир зулфга вобаста кўрармен ўзни.

Лабининг ҳасратида зор топармен жонни,  
Кўзининг фурқатида хаста кўрармен ўзни.

Кўзидин ул қоши ё гарчи мени солди йирок,  
Лек ул ой қошида пайваста кўрармен ўзни.

Зулфи занжириға то бўлди кўнгул вобаста,  
Шукр Бобур киби вораста кўрармен ўзни.

Гаҳи соғин не бўлди зорларни,  
Унутмағил бурунғи ёрларни.

Сени кўрмай йироқдин зор бўлдум,  
Бирор ёд эт йироқдин зорларни.

Юзунгдин ойрумен хор, эй азизим,  
Киши гулдин ойирмас хорларни.

Кўзунг bemorimен, мендин юмуб кўз,  
Яна оғритмағил биздек bemorларни.

Санга бир йўл етар фикриладурмен,  
Унутма бир йўли афгорларни.

Санга кўнглумни олдурдум, жаҳонда  
Кўрубмен гарчи қўп дилдорларни.

Сихи қадларға, Бобур, ошиқ ўлсанг,  
Бурунроқ қўзлагайсен дорларни.

Ёз фасли, ёр васли, дўстларнинг сухбати,  
Шеър баҳси, ишқ дарди, боданинг кайфияти.

Ёз фаслида чоғир ичмакнинг ўзга ҳоли бор,  
Кимга бу нашъя мұяссар бўлса, бордур давлати.

Ишқ дардини чекиб ҳар кимки топса васли ёр,  
Ул замон бўлғай унут юз йилғи ҳижрон шиддати.

Дўстларнинг сухбатида не хуш ўлғай баҳси шеър,  
То билингай ҳар кишининг табъи бирла ҳолати.

Гар бу уч ишни мувофик топсанг, ул уч вакт ила  
Мундин ортуқ бўлмағай, Бобур, жаҳоннинг ишрати.

44

Шоми ҳижронин манга ул бевафо кўрсатмагай,  
Ҳажр шоми асрү мухликтур, худо кўрсатмагай.

Ваъда айлаб васл кўрсатгай неча жонимға ҳажр,  
Неча кўнглумга жафо қилғай вафо кўрсатмагай.

Ул каро кўз ҳажрида тундек қарорди кундузум,  
Ё раб, андок кунни ул кўзи қаро кўрсатмагай.

Ишқ истар бўлса Мажнун айлагай пайравлигим,  
Йўлни не билгай киши, то раҳнамо кўрсатмагай.

Очмағай кўзини, то сўкмакка оғзин очмағай,  
Юзини кўрсатмағай, то юз жафо кўрсатмагай.

Учкудекдур жон қуши ҳижронда Бобур оҳидин,  
Кел, пари, таъжил ила жоним ҳаво кўрсатмагай.

45

Фунчадек кўнглум менинг гулзор майли қилмағай,  
Фам била бутган кўнгул гулгашт ила очилмағай.

Ранга-ранга гулларингни, боғбон, арз этмаким,  
Таҳ-батаҳ қонлиғ кўнгул гул орзусин қилмағай.

Йўқтур улким гул юзунгдин ойру боқсам гул сари,  
Фунча янглиғ кўнглума юз хори фам санчилмағай.

Оразу қаддингни таъриф этсалар юз йил, ҳануз,  
Эй юзи гул, сарвқад, юздин бири айтилмагай.

Сендин ойрилдим эса бўлди насибим хори ғам,  
Сендин, эй гул, эмди Бобур бир замон айрилмагай.

## 46

Ё қошинг янглиғ эгилган жисми зоримниму дей?  
Ё сочингдек тийра бўлғон рўзгоримниму дей?

Кундуз ўлса, тунгача айтайму бепоён ғамим,  
Кеча бўлса тонггача бу ҳоли зоримниму дей?

Хажри қотил бирла кўнглум ҳолатинму шарҳ этай,  
Дарди муҳълик ичра жони бекароримниму дей?

Телбау мадхушу бехуд демаким, қилди сени,  
Лаъли майгун, сўзи мул, кўзи хуморимниму дей?

Бобур, ул ойнинг қуёшдек орази ҳижронида  
Тонгға тегру ҳар кеча юлдуз саноримниму дей?

## 47

Юз кўрсатиб ўлтуурсен, эй ой,  
Йўқ сен киби худнамою худрой.

Қаддинг алифу қошинг эрур ё,  
Десам не ажаб агар сени ой?

Ҳам лола юзунг қошида беранг,  
Ҳам сарв қадинг борида бепой.

Ўқунг юрагимда жо килибтур,  
Тортиб яна ўқни қилма бежой.

Сендин манга юз ҳазор ҳасрат,  
Сендин манга борму ҳеч парвой?

Ул ёр агар ёшурса юз, ох,  
Ағёрға гар кўрунса юзвой!

Кулмас манга субҳи васл, Бобур,  
Ҳар нечаки шоми ҳажр йиглой.

48

Ёр юзумни кўруб дарду ғамим билса керак,  
Юз кўруб дарду ғамим чорасини килса керак.

Эй сабо, жону кўнгулни ўзининг чун қилди,  
Кўнгли бирла дегасен, жони учун келса керак.

Васлини не қилайин, гайдин ойрилмади ҳеч,  
Ёр васли манга ағёрдин ойрилса керак.

Васлининг қадрини чун билмади бу телба кўнгул,  
Ҳажрининг тифи онинг юрагини тилса керак.

Шукр, Бобур билурмен деган эрмиш ул ой,  
Ложарам бандаларин шоҳлари билса керак.

49

Ўзни, кўнгул, айш ила тутмоқ керак,  
Бизни унутқонни унутмоқ керак.

Айшу тараб гулбунига сув бериб,  
Фусса ниҳолини курутмоқ қерак.

Тийрадурур зухд дамидин кўнгул,  
Ишқ ўти бирла ёрутмоқ қерак.

Ҳар нимага ғам ема, ғам кўп турур,  
Айш била ўзни овутмоқ қерак.

Қўйма машаққат аро, Бобур, кўнгул,  
Ўзни фароғат била тутмоқ қерак.

## 50

Чиқса қуёш фалакка, сен отқа чиққанингдек,  
Бўлгайму ул сенингдек, ул бири тавсанингдек?

Кўксумни чун ки ёрдинг, киргил кўнгулгаким бор  
Ул ёра эшигингдек, кўз онда равзанингдек.

Гар сийм барги гулни қилса лиbos ўзига,  
Бўлгайму, эй гуландом, кўнглак била танингдек?

Ул ёр ҳазратинда бисёр яхшидур ғайр,  
Мен ҳам ямон эмон, лек, яхши эмон онингдек.

Даъвийи ишқ этиб ғайр, Бобурни айб қилма,  
Ким мен эдим сенингдек, сен бўлғасен манингдек.

## 51

Бир пари мен телбани ҳусниға мойил қилғудек,  
Кўзум ичра ер тутуб, кўнглумда манзил қилғудек.

Күнглуму кўзум юзига волау хайрон бўлуб,  
Жонима юз минг фаму меҳнатни ҳосил қилғудек.

Нотавон жонимга ишқи қайгуни келтургудек,  
Айшу ишратни кўнгулдин қайғу зоил қилғудек.

Килмади Фарҳоду Мажнун ўзни расво мен киби,  
Ким бу навъ иш, иш эмастур ҳеч оқил қилғудек.

Ул пари ишқида Бобур жон бериб, эй аҳли ишқ,  
Ишқ атворини ишқ аҳлиға мушкил қилғудек.

## 52

Телба кўнглумким сенинг чангингдадур, ёд айлагил,  
Бир навозиш бирла кўнглумни менинг шод айлагил.

Ишрат ичра ҳар қачонким чанг олсанг илгингта,  
Фурқатингда колгон эгри қоматим ёд айлагил.

Соз айлаб бир нишотангиз чанг, эй дилрабо,  
Бенаво кўнглумни гам чангидин озод айлагил.

Мажлис ичра чанг бирла тортиб овоз эй пари,  
Сабру хушим жузву авроқини барбод айлагил.

Чангда бир кўк чолур ёринг чу йўқтур, Бобур.  
Ерга бош чолмоқ била ўзунгни мұттод айлагил.

## 53

Не фикреким, сенинг фикринг эмас ул фикр эрур ботил,  
Не умреким, ўтар сенсиз, эрур ул умр беҳосил.

Таоллалох, не кўзу қошдуурким ҳар қачон кўрсам,  
Гаҳи кўнглум бўлур бехуд, гаҳи ақлим бўлур зойил.

Жафоу жавр тавридин эрурсен асрү кўп вокиф,  
Вафоу меҳр расмидин бўлурсен асрү кўп ғофил.

Куёш янглиғ юзунгта мен дурурмен волау ҳайрон,  
Янги ойдек қошингга мен дурурмен ошику мойил.

Кечурдунг ою йилни масти бехудлук била, Бобур,  
Неча гафлат била умр ўткаурсен, неча кун, ой, йил?!

54

Эй аларким, бу Ҳинд кишваридин  
Бордингиз англаб ўзга ранжу алам.

Кобилу хуш ҳавосини соғиниб,  
Ҳинддин гарм бордингиз ул дам.

Кўрдингиз, топдингиз экин анда  
Ишрату аиш бирла нозу наам.

Биз даги ўлмадук, биҳамдиллаҳ,  
Гарчи кўп ранж эдию беҳад ғам.

Ҳаззи нафсу машакқати баданий,  
Сиздин ўттию ўтти биздин ҳам.

55

Не хуш бўлгайки, бир кун уйқулук баҳтимни уйғатсан,  
Кечалар тори мўйидек белига чирмасиб ётсан.

Гаҳи гулдек ё юзни ул шакар сўзлукнинг исласам,  
Гаҳи шаккар киби ул юзи гулнинг лаълидин тотсан.

Қани Шириң била Лайлики, сендин ноз ўрганса,  
Қани Фарҳоду Мажнунким, аларға ишқ ўргатсам.

Ёруқ кундуз, коронгу кечада анжум киби бўлгай,  
Чекиб гар оҳ дудини кўнгул ўтини тутратсам.

Кўзум равшанлиғида бўлгай, эй Бобур, басе камлиғ,  
Агар қоши била юзин ҳилолу кунга ўхшатсам.

## 56

Жонимдин ўзга ёри вафодор топмадим,  
Кўнглумдин ўзга маҳрами асрор топмадим

Жонимдек ўзга жонни дилафгор кўрмадим,  
Кўнглум киби кўнгулни гирифтор топмадим.

Усрук кўзига токи кўнгул бўлди мубтало,  
Харгиз бу телбани яна хушёр топмадим.

Ночор фурқати била хўй этмишам, нетай,  
Чун васлиға ўзумни сазовор топмадим.

Боре борай эшикига бу навбат, эй кўнгул,  
Нечаки бориб эшикига, бор топмадим.

Бобур, ўзунгни ўргатакўр, ёрсизки, мен  
Истаб жаҳонни мунча килиб ёр топмадим.

## 57

Хажр аро ишрат аёғин борму нўш айлар чофим,  
Сенсизин юруб аёқ ичкунча синсун оёғим.

Ишқ бемори мену сен хуснунга мағруру маст,  
Мен нечук бормай ўзумдинким даме йўқтур соғим.

Доғлар кўйдум дирамлар киби кўксумни ёриб,  
Не осигим, ёрга тушмас қабул ул ёрмогим.

Даст бермас васлу келмас ёру раҳм этмас не суд?  
Бармоғим бўғзумға элтиб, бормоғим ёлбормоғим.

Истарам эй ишқ мендин қолмағай ному нишон,  
Туфрок эт жиссимин доги элга бергил туфроғим.

Кўзларимдин борғали ёшим таним бўлди назар,  
Билмадим ул ёш экандур Бобуро менинг ёғим.

## 58

Файр тоши заҳмидин дардимни изҳор этмадим,  
Ичтаги пинҳон ғамим тоштин намудор этмадим.

Қондин элга ёйди тифли ашқ сирримни менинг,  
Чунки мен ул ёшни ҳаргиз соҳиб асрор этмадим.

Юзи хуршиди, тиши дурридин айру, жисмда  
Қолмади бир зарра ерким, тишдин афгор этмадим.

Келмади кўнглумга ишқининг суруру давлати,  
То ўзумни меҳнату ғамга сазовор этмадим.

Толеимдин не осиг, Бобур, фифону нолаки,  
Үйкулук баҳтимни бу ун бирла бедор этмадим.

## 59

Хазон яфроғи янглиғ, гул юзунг ҳажрида сарғардим,  
Кўруб раҳм айлагил, эй лола рух, бу чехраи зардим.

Сен эй гул, қўймадинг саркашлигингни сарвдек ҳаргиз,  
Оёғинига тушуб барги хазондек мунча ёлбардим.

Латофат гулшанида гул киби сен сабзу хуррам кол,  
Мен арчи даҳр боғидин хазон яфроғидек бордим.

Хазондек қон ёшим сориг юзумдин эл танаффурда,  
Баҳор ранги, биҳамдиллах, улусдин ўзни қутқардим.

Не толеъдур мангаким ахтари баҳтим топилмайди,  
Фалак авроқини ҳар нечаким дафтардек ахтардим.

ЁУлуснинг таъну таърифи манга, Бобур, баробардур,  
Бу оламда ўзумни чун ямон, яхшидин ўткардим.

## 60

Оёғин ўпсам етишгай арш тоқифа бошим,  
Даст бергай давлатим, гар тутса илгим маҳвашиб.

Қўймогумдур этагинг кетсам иликдин ҳар неча,  
Бормоғумдур остонингдин агар борса бошим.

Ўтти эл бўлмоқдин ул ёш, мен қариғум ишқида,  
Ўлганим яхши бу навъ, ар ўтса эллиқдин ёшим.

Дўстлар, кўнглумдагин қабрим тошиға ёзгасиз  
Тики бирдек бўлгай ул ой ишқида ичу тошим.

Ер ити, кичкирма гар Бобур деса ҳолин санга,  
Найлайн бу фурбат ичра сендин ўзга йўқ кишим.

## 61

Сенинг ишқингда, эй номеҳрибон, бехонумон бўлдум,  
Демон бехонумон, овораи икки жаҳон бўлдум.

Лабинг гар бермаса, нечук жон элта олгаймен,  
Бу йўлдаким, а́дам сахросиға эмди равон бўлдум.  
Сўруб ул ой лабидин, оғзининг рамзини онгладим,  
Бир оғиз сўз била кўрунгки, мунча хурдадон бўлдум.  
Нечаким қоши ёлар ишқида тузлукни кўрсаттим,  
Вале охир маломат ўқларига-ўқ нишон бўлдум.  
Кулар эрдим бурун Фарҳоди мискин достонига,  
Бу Шириндурки, онинг бирла-ўқ, ҳамдостон бўлдум.  
Висолинг давлатига етмасам Бобур киби, не тонг,  
Ки ҳажринг меҳнатида асрү зору нотавон бўлдум.

## 62

Қаду хатting била кўзу юзунг, эй сарви сиймиттан,  
Бири сарву бири райхон, бири наргис, бири гулшан.

Ҳадису лаълу рафттору жамолингдин эрур ҳар дам  
Тилим гўё, сўзум рангин, кўнгул хуррам, кўзум равшан.

Мени мадхуши мискин, найлай ул шўхи бало бирла.  
Мен асрү бедилу бехуд, ул асрү пурдилу пурфан.

Фалак жавру жафосидин, ул ой дарду балосидин,  
Чекармен нолау аффон, килурмен гиряу шеван.

Балои ишқу ёлғузлукдағи ҳижрону турбатда  
Отим Мажнун, кишим меҳнат, ишим зори, ерим гулхан.

Ўқунг бирла хаёлинг, дардингу меҳрингга Бобурдек,  
Таним манзил, кўзум маскан кўкус маъво, кўнгул маҳзан.

Не вафо умрумда ул жону жаҳондин кўргамен,  
Ким вафо жондин кўрубтурким, мен ондин кўргамен.

Кўз йўлидин ул пари ҳуснин назар айлар эдим,  
Қон ёшим ул йўлни тутти, эмди қондин кўргамен.

Ё раб, ул кун шум толеъдин манга бўлғаймуким,  
Жонима ором ул оромижондин кўргамен.

Кўз кўрар, лекин солур мени балоға бу кўнгул,  
Бу балони неча чашми хунфишондин кўргамен.

Бартараф қилғил вафо истарни элдин, Бобуро,  
Ул ғалатдурким, вафо ахли жаҳондин кўргамен.

Келки, сенсиз тобакай мақтули ҳижрон бўлғамен,  
Чорае қилким, сенинг илгингда курбон бўлғамен.

Эй хуш улким, турғасен келуб кўзум ўтрусида,  
Мен тикиб икки кўзум юзунгга ҳайрон бўлғамен.

Неча сенсиз дарду ғам бўлғай менинг кўнглумда жамъ,  
Неча зулфунг иштиёқидин паришон бўлғамен.

Кўюнг ичра гар сақар бўлса мақар жаннатча бор,  
Жаннат ўлса кирмамон сенсиз не имкон бўлғамен.

Хуш улки, ёна муборак юзунгни кўргаймен,  
Юзум била қадаминг гардини супургаймен.

Демаки, жавр келур санга ёр күрмактин,  
Мени не қўркутасен, харне келса кўргаймен.

Гаҳи жафоу гаҳи жавр этиб юз эвруласен,  
Мен ул эмонки, булар бирла юз эвургаймен.

Неча фирок хумори аро азоб чекай,  
Қачон висол майдин дами эсургаймен.

Фирок ўтида овунсам чогир била не ажаб,  
Магар бу сув била ул шуълани ўчургаймен.

Демишменки, йиттим хайр гулшанда кўргумдур,  
Неча бу ваъда била Бобур эвгургаймен.

## 66

Келди ул вактки бошимни олиб кетгаймен,  
Оlam ичра аёгим етганича етгаймен.

Истарам ўзни азиз элга кўрунмасликтин,  
Неча ўзумни улус кўзида хор этгаймен?

Халқ юз жавр ила ишлар буюур кош элнинг  
Не юзин кўргамену не сўзин эшитгаймен.

Ҳар сори борса бу девона кўнгул, айб этма,  
Ўйла девона эмаским они беркиттгаймен.

Дема Бобурға нетарсен бош олиб кетмакни  
Тенгрининг хости мундок эса мен нетгаймен?

## 67

Жамолинг васфини, эй ой, неча элдин эшитгаймен,  
Не кун бўлғай висолингга мени дилхаста етгаймен.

Тараҳхум юзидин юзунгни кўрмакка буюргайсен,  
Хуш улким оразингни кўргамен, сўзунг эшитгаймен,

Итингдурмен, сочинг занжирини бўйнумға маҳкам қил,  
Ки водийи фирокинг ичра кўркарменки йитгаймен,

Тараҳхум қилмасанг, ё бокмай истиғно била ўтсанг,  
Тазарруъ қилғамен, ё йиғлагаймен, ўзга нетгаймен.

Муяссар бўлмаса бошимни қўймоғлиғ аёғига,  
Бошимни олиб, эй Бобур, аёқ етганча кетгаймен.

## 68

Сўзлаб ул лаъли шакархони шакаррез этасен,  
Очиб ўл зулфи сумансони диловез этасен.

Гах қошинг секритибу гоҳи кўзунгни ўйнатибон,  
Не боло фитна менинг жонима ангиз этасен.

Сув киби тигинг чекиб, тунд самандингни миниб,  
Елдуруб ҳар сорига менинг ўтум тез этасен.

Кўзларинг ҳажрида бемормену бокмайсен,  
Мени оғриққа магар бокқали парҳез этасен.

Ҳажр шоми аламидин қутуолмайсен  
Бобуро, ҳар нечаким ўзни саҳархез этасен.

## 69

Нёча лаълингдек, менинг бағрим тўла қон қилғасен,  
Хотиримни неча зулфунгдек, паришон қилғасен.

Неча еткургайсан әл бошини күкка меҳр ила,  
Неча мени жаврдин ер бирла яксон қилғасен.

Күнглума дашному таънинг улча мақдур этгасен,  
Жонима бедоду зулмунг улча имкон қилғасен.

Манга бормоқ мушкилу келмак санга осондуур,  
Ушбу мушкилни манга, ё раб, сен осон қилғасен.

Демаки, аҳсанта лафзин, Бобур, ул ёринг сенинг  
Нечаким, Ҳассон киби ўзни сухандон қилғасен.

70

Яна кўз уйида маъво қилибсен,  
Кўнгул кошонасида жо қилибсен.

Яна савдойи зулфунгдин, нигоро,  
Мени ошуфтау шайдо қилибсен.

Ғаминг йўқ жон агар берсам ғамингда,  
Ўзунгни мунча бепарво қилибсен.

Қошингдин мени ўқдек ташлар учун,  
Янги ойдек қошингни ё қилибсен.

Кўзумдин ёшуниб, эй баҳри алтоф,  
Кўзумнинг ёшини дарё қилибсен.

Софинмас жаннатул-маъвони, Бобур,  
Онинг кўнглида то маъво қилибсен.

71

Менинг кўнглумни ҳардам оғритиб парвое қилмайсан,  
Сен, эй бедард, найлайким, кўнгул дардини билмайсан.

Не билгайсен менинг дарду ғамим ҳар соату ҳар дам,  
Ки ҳусн усруклуғидин ою йил, эй ой, билмайсен.

Вафо мактуби бирла ғамза ўқин ҳеч ёзмайсен,  
Жафо расмию жавр ойинини ҳаргиз ёнгилмайсен.

Қотилма, ишқ эли ҳолин чу билмассен манга, эй шайх,  
Не билгайсенки, ҳаргиз бу жамоатқа қотилмайсен.

Бўлубтур ишқинг ичра гарчи хасдек жисми Бобурнинг,  
Вале не фойдаким хасча ҷоғлиф кўзга илмайсен.

72

Файрға неча вафо қилгайсен,  
Жонима неча жафо қилгайсен?

Бехато әлга отиб ғамза ўқин,  
Бизга етганда хато қилгайсен.

Кўрмагайсен аламу дард юзин,  
Дардима, эйки, даво қилгайсен,

Тиларам сарви равонинг равишин,  
Тилагим кошраво қилгайсен.

Бобур, ул умр сени сўккан учун,  
Умр боринча дуо қилгайсен.

73

Неча ҳусн аҳлидин, маҳзун кўнгул, озор топқайсен,  
Неча гулчехралардин бағринг ичра хор топқайсен.

Неча ишқу фироку раҳмсиз ағёр илгидин,  
Ўзингни хору жонни зору кўз хунбор топқайсен.

Неча мақдур боринча онинг ройича борғайсен,  
Неча борғон сойи ўзунгни бемиқдор топқайсен.

Танимға нечаким наззора қилсанг доғ кўргайсен,  
Кўнгулда ҳар нечаким истасанг озор топқайсен.

Бу маҳвашларға кўнглунг бермагилким, асрай олмаслар  
Кўнгулни асрагил, бўлғайки, бир дилдор топқайсен.

74

Такаллуф ҳар неча суратда бўлса ондин ортуқсен,  
Сени жон дерлар, аммо бетакаллуф жондин ортуқсен.

Парининг хусн ичра гарчи оти бенихояттур,  
Мени девона қошимда ва лекин ондин ортуқсен.

Пари бу хусн бирла кўрса юзунгни, бўлур телба,  
Сени таъриф этар, лекин сифат қилғондин ортуқсен.

Қадам ранжида кил кўнглум учун, эй ёрнинг ўқи,  
Менинг бу нотавон кўнглумга чун дармондин ортуқсен.

Иқомат чунки қилдинг, Бобур, ул ҳур кўйида,  
Мақоминг равзадин авло, ўзунг ризвондин ортуқсен.

75

Фурбату хижронға қолдим оҳ ул жон илгидин,  
Жонға еттим эмди фурбат бирла хижрон илгидин.

Күрсатур гах тифу гах ўқ ҳолатимни билмайин,  
Не балолар күрадурмен ёри нодон илгидин.

Эл фигонимдин бажону мен бу жондин, эй ажал,  
Кил халос элнию мени жону афгон илгидин.

Бобур, ул ой ҳажрида ишинг басе душвор эди,  
Шукрким, күткарди ўлум сени осон, илгидин.

76

Шоҳи гулу настарин ёди берур бўйидин,  
Атрни мушки Хўтан касб қилур мўйидин.

Гул юзидин мунфаил, сарв қаддидин хижил,  
Ранг олур муттасил лола гули рўйидин.

Жонға қилур юз ситам, кўнглума юз онча ҳам,  
Кўз оқидур жўйиғам, шўхи балажўйидин.

Равзаға гар етгамен онсизин они нетгамен,  
Мумкин эмас кетгаймен ул қаро кўз кўйидин.

Гарчи қилур юз қарам васли этар муҳтарам  
Лек басе қўрқарам, Бобур онинг кўйидин.

77

Тушумда чун қўёшдек оразингни кўрдум ўтрудин,  
Тилармен то қиёмат очмагаймен кўзни уйқудин.

Сенинг васлингдин ойру тушгали борғон сойи ортар,  
Таҳассур орқадин, меҳнат ёнимдин, ҳажр ўтрудин.

Күнгүлдин қатъи уммид айладим ул вактким билдим,  
Кесилди риштаи жондин, осилди тори гисудин.

Тия олмон йигини күргач ул ёшни, vale үл ҳам,  
Күзум ёшини күргач, асрай олмас ўзни кулгудин.

Күзум ёшики, емрулди шикибу сабр уйи андин,  
Зиёнлар санга, эй Бобур, бу янглиғ билмадим сувдин.

78

Қаёнга борсанг, итингмен, ўзумни еткурайин,  
Етишмасам санга, боқиб дуо қилиб хуройин.

Юзум бўсағангта сурсам, не яхши айшдуур,  
Иноят эт эшикингда бу айшни суройин.

Фирокинг ичра йигидин нечук йигай ўзни,  
Ёшим бош урди жаҳонга, не навъ ёшуройин.

Неча тағофул этиб манга боқмайин юрур ул,  
Неча тазаррӯъ этиб мен анга боқиб туройин.

Күёшқа зарра назар солмағай севунмакдин,  
Кутулса ғам тунидин, кўрса ёна Бобур ойин.

79

Бу ғамда менки ишим фикрини не навъ этайин?  
Не ерда сокин ўлай, не қилас, қаён кетайин?

Не дайрдин эшигин очилур, не масжидтин,  
Неча эшикдин эшикка тади киби етайин.

Жаҳон эли била гуфту шунид қилмасмен,  
Неча сўзумни дейин, неча қаттиқ эшитайин.

Дема не бўлди ишинг, фикр килғил, эй Бобур,  
Не бўлса ул бўлур эркин ишим, не фикр этайин?

80

Бу янглиғ билсам эрди ҳажринг мухлик каро шомин,  
Берурму эрдим ўлгунча иликдин васл айёмин.

Жаҳонда айшу ишратдин кўнгул ором топқайму,  
Киши то кўрмагунча ёнида маҳваш дилоромин,

Кўнгулда ҳасрати ул ойнинг оғзининг чу беҳаддур,  
Кўнгул гўёки мундиндур туутбтур ғунча андомин.

Масиҳ анфоси янглиғ жон берур фарсуда жисимимға,  
Сабо келтурса ногаҳ ҳажр аро ул ёр пайғомин.

Мувофиқ ёрлар бирла бу дамни хуш кечур, Бобур,  
Не учунким, келур дамға бўла олмас киши зомин.

81

Хуршид юзунг бирла буқун, эй маҳи тобон,  
Даъви гар этар бўлғуси қун, сўнгра пушаймон,

Сен гул киби то ғамзадасен ҳуснунга мағрур,  
Булбул киби мен ғамзадамен, ҳуснунга ҳайрон.

Гул юзунг эрур лола, вале лолайи худрўй,  
Тор оғзинг эрур ғунча, вале гунчай хандон,

Гаҳи кулогинг тўлғади, гаҳ юзунга келди,  
Зулфунгни йигиштурки, басе бўлди паришон.

Чун бўлди сочи торига жон риштаси пайванд,  
Бобур, кўнгул узмак сочидан эмди не имкон.

82

Сендин нафасе мурод топмон,  
Ишқингда кўпгулни шод топмон.

Ишқ ахлига илтифот кўрмон,  
Хусн ахлида эътиқод топмон.

Қилсам санга ҳар неча тазаллум,  
Фарёду фигонки, дод топмон.

Фарёдки, дерга ишқ розин  
Бир кишини эътиқод топмон.

Қошинг ғами шарҳини ёзарға,  
Кўз қорасидек мидод топмон.

Мен банда жуз иникиёд билмон,  
Сен шоҳда жуз инод топмон.

83

Куёшим ҳар сорига азм қилса, заррае қолмон,  
Не учунким, агар айрилсан андин кун кўра олмон.

Онингдек бўлмишам ҳайрон куёш янглиғ юзунгаким,  
Куёшдек найзалар текса кўзумга, кўз ола олмон.

Агарчи ёр ишқи нотавон кўнглумга ўт солди,  
Вале мен нотавон ул ёр ишкида кўнгул солмон.

Ибодат вақти бўлса ҳар неча меҳроб ўтрумда,  
Қошин нақшин тасаввур қилмағунача ерга бош чолмон.

Иреку Форс гар етса сенинг бу шеъринг, эй Бобур,  
Они хифз этгуси Ҳофиз, мусаллам тутқуси Салмон.

84

Хатинг била юзунгу кокулунг сенинг, эй жон,  
Бири бинафша, бири ёсуман, бирирайхон.

Такаллум айларида тилию тишию лаби,  
Бири ақиқу бири инжую бири марジョン.

Кўнгулни зору мени хору тани тор этган,  
Бири жафоу бири ғурбату бири ҳижрон.

Тану кўнгул била кўз васлу нозу хусни учун  
Бири харобу бири волау бири ҳайрон.

Тамоми умрида Бобурга уч сўз ойтибтур:  
Бири сўкунчу бири қаттиқу бири ёлғон.

85

Бу кеча кулбамға келди ул күёшим ёшурун,  
Қарнларда келмади ҳаргиз шунингдек кечқурун.

Оғзидек тор фурсати васлию ҳам ҳажри туни,  
Ул муанбар сочи янглиғ ҳам коронғу, ҳам узун.

То хаёли оразинг тушти кўнгулга, эй күёш,  
Бўлди кўнглумда гириҳ ҳасрат онинг тор оғзидин.

Бўлди кўнглумда гириҳ ҳасрат онинг тор оғзидин,  
Бор магар жисмим менинг тору кўнгул онда тугун.

Олғали жонимни ҳижронга ҳавола қилди ёр,  
Күйма ҳижронға, ажал, жонимни ол, tengri учун.

Сарвдек қадди фироқида фифонимдур баланд,  
Гул киби рухсори ҳажрида ўшимдур лолагун.

Ишқ ила девоналиғда бўлмишам соҳиб камол,  
Ишқ ахли, эмди Бобурни дегайсиз зуфунун.

86

Ишқ әлининг охидин ул сарв қад хам бўлмасун,  
Фам елидин ул муанбар зулф дарҳам бўлмасун.

Кўп жафоу жавр кўрдук, эй қуёш, ҳажринг куни  
Бошимиздин сояи сарви қадинг кам бўлмасун.

Даҳри дундин тегмасун озор нозик жисминга,  
Даҳр ахлидин муборак кўнглунга ғам бўлмасун.

Оlam ахли бирла оламдин манга сенсен ғараз,  
Зоти покинг бўлмаса, оламда одам бўлмасун.

Гар ҳаводорим эрурсен, эй сабо, арз айлаким,  
Ул юзи гул сарв ҳар хас бирла ҳамдам бўлмасун.

Гарчи ошиқ лозими оламда расвоникдуур,  
Ишқ аро Бобур киби расвойи олам бўлмасун.

87

Янги ой ёр юзи бирла кўруб эл шоду хуррамлар  
Мангага юзу қошингдин ойру байрам ойида ғамлар.

Менинг бу тори мў янглиғ танимга тоблар солди,  
Ул ойнинг юзида сунбул киби зулфидағи ҳамлар.

Хавога дуди охин тутратур ишк аҳли гайратдин,  
Сабо таҳрикидин ҳар гаҳ паришон бўлса парчамлар.

Очилиди зулфию хайлар намудор ўлди юзида,  
Гул узра чун бўлур пайдо кеча очилса шабнамлар.

Мену кунжи ғам оху фифону ашки хунолуд,  
Не хуштур гўшаи холий, майи софию ҳамдамлар.

Кўнгулни ишк бузди не осиг панду насиҳатдин,  
Менинг мажруҳ кўнглумга ярашмас ушбу марҳамлар.

Юзи наврузию васли ийдин, Бобур ғанимат тут,  
Ки мундин яхши бўлмас, бўлса юз наврўзу байрамлар.

88

Очилиб икки сочи юзига ёпилмишлар,  
Ёрук жаҳонни кўзумга қаронғу қилмишлар.

Чоғир бағир қонидур барча ишк ахлиға,  
Зихи оларки, бу майдин дами ойилмишлар.

Не килсан айлама, эй ёр, айбким менда  
Жунуну ишқу йигитлик бори қотилмишлар.

Салоҳқа хирад аҳли мени ёвук дерлар,  
Кўрунгки, ушбу чечаклар япроқ ёнгилмишлар.

Не суд ишқни элдин ёшурмок, эй Бобур,  
Чу ҳолатингни бори олам аҳли билмишлар.

89

Қаро зулфунг фироқида паришон рўзгорим бор,  
Юзунгнинг иштиёқида не сабру не қарорим бор.

Лабинг бағрими қон қилди, күзумдин қон равон қилди,  
Нега ҳолим ямон қилди, мен ондин бир сўорим бор

Жаҳондин манга ғам бўлса, улусдин гар алам бўлса,  
Не ғам юз мунча ҳам бўлса, сенингдек ғамгусорим бор.

Агар муслихмен, ар муфсид ва гар ошикмен, ар обид,  
Не ишинг бор сенинг зоҳид, менингки ихтиёrim бор.

Фигоним ошти булбулдин, ғами йўқ зарра бу қулдин,  
Басе, Бобур, ўшал гулдин кўнгулди хорхорим бор.

90

То узулди кўнглум ул ой қаддидин афсурдадур,  
Ким узулган ғунча гулнинг шохидин пажмурдадур.

Қўксум икра таҳ-батаҳ қонни бағир қилманг хаёл,  
Ким онинг ишқин йўлида бир таҳ этган гурдадур.

Хусн кўрмас кўзларим, кўнглум доги ишқ истамас,  
Гўёким кўзларимдур кўру кўнглум мурдадур.

Тан ҳижобин рафъ киль, гар ёр васлин истасанг,  
Эй кўнгул, билким арода ҳойил ушбу пардадур.

Борму эркин ишқ элинда, балки олам аҳлида  
Мунча чоғлиғ ҳасрату андуҳким, Бобурдадур.

91

Чу дод берди манга шоҳ юз умиди вафодур,  
Не суд рашки ҳасудики дод доди худодур

Не тонг қотинда агар бўлса лаълу дур тошу тупроқ,  
Ки маъданни караму жуду баҳрил-лутфу саходур.

Агарчи даҳр аламидин тўкулди сели сиришким,  
Ва лек шаҳ қарамидин умидим асру тўлодур.

Язид әлга не мікдор гозийлар қотидаким,  
Ул әлдүр асру юраксиз, бу хил асру баҳодур,

Адоват оди, муҳаббат нишони қолгуча, Бобур,  
Адув хайли Язиду муҳибби оли Абодур.

92

Болои ишқки, ҳардам манга жафоедур,  
Бу ишқдин кеча олмон ажаб балоедур.

Хати лабиға туташ бўлса, эй кўнгул, не ажаб,  
Ки Хизр чашмаи ҳайвонга раҳнамоедур.

Ёрап бу хаста кўнгул дардиға ўқин яраси,  
Магарки ҳар яраси ёрнинг давоедур.

Баҳор фаслидур май ҳавоси бошимда,  
Аёқ тут манга, сокийки, хуш ҳавоедур.

Ул ой рақибга бўлди рафиқу Бобурнинг  
Рафиқу ҳамдами ҳажрида оҳу воедур.

93

Баҳор айёмидур доги йигитликнинг авонидур,  
Кетур, сокий, шароби нобким, ишрат замонидур.

Гаҳи сахро узори лола шаклидин эрур гулгун,  
Гаҳи сахни чаман гул чехрасидин аргувонийдур.

Яна сахни чаман бўлди мунакқаш ранги гуллардин,  
Магарким сунънинг наққошиға ранг имтиҳонидур.

Юзунг, эй сарв, жоним гулшанинг тоза гулзори,  
Қадинг, эй гул, ҳаётим боғининг сарви равонидур,

Не ерда бўлсанг, эй гул, андадур чун жони Бобурнинг,  
Фарибингға тараҳхум айлагилким, анда жонидур.

Гул жамолин ёпқон ул гулнинг ики райхонидур,  
Гунча сиррин очкон ул икки лаби хандонидур.

Ул мусалсал икки зулфи гул юзининг даврида,  
Гул уза оғнар магар ул иккининг давронидур.

Ўки захмини кўруб ҳар ён танимда эл дегай,  
Ким бу кўхи дарднинг ул лолаи Нуъмонидур.

Сел эмастур ер юзин тутқон кўзумнинг ёшидур,  
Райд эмастур кўкка чирмашқон кўнгул афгонидур.

Ложарам бўлғай паришону ҳавои мен киби  
Зарра янглиғ кимки бир хуршид саргардонидур.

Ул пари ишқида, Бобур, кўнглум андоқ телбадур,  
Ким сочи занжиридур, чохи зақан зиндонидур.

## 95

Хатти бинафша, хади лола, зулфи райхондур,  
Баҳори ҳуснда юзи ажаб гулистондур.

Энги менги ою, доги юзу сўзи гулу мул,  
Қади равону тани жону ирни маржондур.

Қошида чин, кўзида кийну ангабин лабида,  
Сўзида заҳр, ва лекин тилида дармондур.

Қошингға қўп бора олмон нетай ароликда,  
Ёшим тишинг дуридин айру баҳри Уммондур.

Ўтумни тез этасен ҳар тарафға секритиб от,  
Саманди ноз инонини бир бери ёндор.

Не навъ васф қиласи суратинг латофатини,  
Ки ҳуснунга сенинг, эй рух, акл ҳайрондур.

Жафоу жавр агар қылса, Бобуро, нетасен,  
Не ихтиёр манга ҳарне қылса султондур.

96

Агарчи сенсизин сабр айламак, эй ёр, мушкилдур,  
Сенинг бирла чиқишимоклик доги бисёр мушкилдур.

Мизожинг нозику сен тунд, мен бир беадаб телба,  
Санга ҳолимни килмок, эй пари, изхор мушкилдур.

Не осиғ нолау фарёд хоб олуд баҳтимдин,  
Бу унлар бирла чун қылмоқ они бедор мушкилдур,

Манга осондуур бўлса агар юз минг туман душман,  
Вале бўлмоқ жаҳонда, эй кўнгул, беёр мушкилдур.

Висолинким тиласен нозини хуш торғил, Бобур,  
Ки олам боғида топмок гули бехор мушкилдур.

97

Заъфдин гўё менинг бу зор жисмим нолдур,  
Ким онинг шарҳин демакта хома тили лолдур.

Заъфлик жисмим била бу нотавон кўнглум аро  
Дард ёр эрконига ушбу эгма қаддим долдур.

Мен дамо-дам қон ютармен ҳажр аёғидин нетай,  
Ўзгаларнинг жоми васли гарчи моломолдур.

Зулфиға вобастамен, васлиға йўқтур дастрас,  
Эй хуш ул озодаким, бекайду форигбولدур.

Ул паридин мен нечук жон элтомен Бобуро,  
Васли мушкил, ҳажри муҳлиқ, ғамзаси каттолдур.

Күк вусмада ул ой қоши гүё хаёлдур.  
Е ой бошида күкта күрунган хилолдур.

Не навъ ўхшасун юзига офтобким,  
Онинг заволи бордуру бу безаволдур.

Оғзию икки зулфу қади бўлмаса манга,  
Райхону сарву гунча кўрардин малолдур.

Ушишоқ охи елидин осийб тегмасун  
Қаддингки, хусн боғида нозик ниҳолдур.

Кўнглумга дард келгали хам бўлди қоматим,  
Қаддим маггарки дард ёнидағи долдур.

Гарчи вафоу меҳрни билмас менинг ойим,  
Лекин жафоу жаврда соҳиб камолдур.

Ҳар неча беиноят эса ёр, Бобуро,  
Сен кўйма хизматингниу они — ўёлдур.

Менинг кўнглумки, гулнинг гунчасидек таҳ-батаҳ кондур,  
Агар юз минг баҳор ўлса очилмоги не имкондур.

Агар ул қоши ёсиз боғ гаштин орзу қилсан,  
Кўзумга ўқдуур сарву кўнгулга гунча пайкондур.

Баҳору боғ сайрин не қилайким, дилситонимнинг  
Юзи гул, зулфи сунбул, қомати сарви хиромондур.

Висоли лаззатидин рух топмоғлиғ эрур душвор,  
Фироқи шиддатида йўқса жон бермаклик осондур.

Бошидин эврулур армони бирла ўлдум, эй Бобур,  
Менинг наъшимни боре ул пари кўйидин айлондур

Сочию қошию күзидин бошта ҳаводур,  
Не бошта ҳаво ҳар бириси бошқа балодур.

Қоши ёси била ул қора күз ғамза ўқини  
Ушшоқдин ўзга сориға отса хатодур.

Гар чин десангиз кўзи онинг охуйи Чиндур,  
Хаттини като қилмасангиз мушки Хитодур.

Эврулсам онинг бошига, топшурсам онга жон,  
Жонимда ҳавас улдуру бошта бу ҳаводур.

Ишқ ичра ёшурғон юраким қонини, ваҳқим  
Бу сели сиришким бори оламға ёйдур.

Бобур, деса ойини не тонг жавру жафолик,  
Ким хусн эли ойини, бале, жавру жафодур.

Ёрдин озор кўнглум ичра беҳад бордур,  
Эй хуш ул кўнгул, онга не ёру не озордур.

Йўқтурур гар ёр йўқтур токату сабру шикиб,  
Ёр агар бордур, жафоу жавру меҳнат ёрдур.

Нечаким мен зормен, мендин ул ой безордур.  
Нечаким мен зормен, мендин ул ой безордур.

Кўзи ҳажрида, юзи ёдида, сўзи шавқида  
Хотирим афгору жисмим зору кўз хунбордур.

Сенда, Бобур, йўқ гина, ёрнинг итоби кам эмас,  
Журмсиз доим итоб айлар, ажаб дилдордур.

Васлин ул ой манга маҳол қилур,  
Ҳажридин мени хаста ҳол қилур.

Билмайин ҳолатимни ул bemexр,  
Үзгалардек мени хаёл қилур.

Ол юзи күз ёшимни қон қилди,  
Күргач-ўқ деб эдимки, ол қилур.

Сарфароз этса даҳр шод ўлма,  
К-охирул-амр поймол қилур.

Мен киму зухду тавба ким, зохид,  
Неча андишай маҳол қилур.

Тавба ишин буюрма Бобурға,  
Ким бу ишни ўшал ўсол қилур.

### 103

Мендин ўзга хасталарға лаълидин дармон берур,  
Мен берурмен жону ул умр ўзгаларга жон берур.

Ошики мен, ул қилур ағёрға маҳбублук.  
Дардманди мен, vale ул ўзгага дармон берур.

Ўқида пайқон эмас, бир қатра ҳайрон суйидур,  
Етгач-ўқ, жонсиз танимға жон ўшал пайкон берур.

Қон ёшимни ҳажрида, шеъримни васфида кўрунг,  
Ким бу янглиғ дурру гавҳар, қайси баҳру кон берур.

Бўлғали қаддига мойил васлидин маҳруммен,  
Бобуро, ул хусн наҳли бар магар хирмон берур.

### 104

Юзида ул лаби хандон кўрунур  
Сутга кўп бокса бале қон кўрунур.

Хати мушкинмудурур в-ар гул юзида,  
Ё суман устидарайхон кўрунур.

Күрмагай хотирини жамъ ўзга,  
Кимга ул зулф паришон кўрунур.

Ишқни эл не хаёл айлабтур,  
Асру мушкилдуур в-ар осон кўрунур.

Сарв бўйлуқ санаминг, эй Бобур,  
Рост айтай, сўзи ёлғон кўрунур.

105

Ичгунча жоми ажал кўнглумда ул сокийдуур,  
Тўлғунча паймонам ул сокий била бокийдуур,

Бош кўтармон бодадин чун бор аёғи ўртада,  
Кўймон илгимдин аёқ чун жилвагар сокийдуур.

Эгма қаддим айб қилма қоши ёлар ишқида,  
Янги ойдек хам бўлур гар худ фалак тоқидуур.

Ул ҳилолинг бирла хуршидинг сифотин ёзғали  
Мухтасардур, филмасал, гар чарх авроқидуур.

Ишқ айламади кўнгулни тутмоғингни судким.  
Дард нафъидур нечукким заҳри тарёқидуур.

Турклар хатти насибинг бўлмаса, Бобур, не тонг,  
Бобурий хатти эмасдур, хатти сигноқидуур.

106

Фурбатта ул ой ҳажри мени пир қилибтур  
Хижрон била фурбат менга таъсир қилибтур.

Мақдур боринча қилурим саъи висолинг,  
То тенгринг билмонки, не тақдир қилибтур.

Тақдирдур ул ёну бу ён солғучи, йўқса,  
Кимга ҳаваси сунбулу тақдир килибтур.

Бу Ҳинд ери ҳосилидин қўп кўнгул олдим,  
Не судки, бу ер мени дилгир қилибтур.

Сендин бу қадар қолди йироқ ўлмади Бобур,  
Маъзур тут, эй ёрки, тақсир қилибтур.

107

Кўнглумни чу ул пари олибтур.  
Девона бўлурға не қолибтур.

Бедил эканимни эмди билгай,  
Чун бир киши кўнглини олибтур.

Кўнглумни олиб, тағофулни кўр,  
Билмасга ўзини не солибтур.

Зулфунг черигини йиғки жамъи  
Бу фитнадин асрү кўзголибтур.

Бобур, неча кун кўнгулни хуш тут,  
Бу олам иши чу мунқалибтур.

108

Ул ойнинг иттифоқи нифоқига арзимас.  
Айёми васли шоми фироқига арзимас.

Бу даҳр ичра бистари роҳат тиларни қўй,  
Ул фарш чун бу кўхна равоқига арзимас.

Айшеки ўтти, ўзга ани зикр айлама,  
Хар нимаеки йитти, сўроқига арзимас.

Қилмоқ умиду бийм ила хизмат шаҳ олида,  
Дарбонининг сўкунчу таёқига арзимас.

Бобур, висолни не тиларсен чу ҳажр бор,  
Бир лаҳза аиш меҳнати боқийға арзимас.

109

Сендеқ манга бир ёри жафокор топилмас,  
Мендеқ санга бир зору вафодор топилмас.

Бу шаклу шамойил била худ хуру парисен,  
Ким жинси башар ичра бу миқдор топилмас.

Ағёр күз олидау ул ёр аён йўқ,  
Фам хори кўнгул ичраю фамхор топилмас.

Эй гул, мени зор этмаки хуснунг чаманида,  
Кўзни юмуб очкунча бу гулзор топилмас.

Бобур сени чун ёр деди, ёрлиғ этгил,  
Оламда кишига йўқ эса ёр топилмас.

110

Қўй, эй оқил, насиҳат сўзларинким дилписанд эрмас,  
Менинг девона кўнглумга насиҳат судманд эрмас.

Неча девона кўнглумни қилурсен нафй, эй оқил,  
Агарчи телбадур бори сенингдек худписанд эрмас.

Қилурсен талх айшим комини беҳуда сўзлардин,  
Саросар сўзларинг захредур, эй носиҳки, панд эрмас.

Бўлубмен бир парининг анбарин сочиға вобаста,  
Мени телбага эмди ҳожати занжиру банд эрмас.

Жаҳонда кўп гадо, гарчи лаванд атворлик бордур,  
Ва лекин, Бобуро, ҳаргиз сенингдек шаҳ лаванд эрмас.

Нече даврон гуссаси бўлгай менинг жонимга хос,  
Кошки ўлсам доги бу гуссадин бўлсам халос.

Оҳу вовайло сурудим, дарду ғам ҳамсуҳбатим,  
Бода-ашким қони, ким кўрди мунингдек базми хос?

Гар шикастим бўлса суст афёрдин таън этмангиз,  
Ким шикастига сабаб олмоснинг бордур расос.

Ошик ўлгоч бехуду девона бўлдум, билмадим,  
Ким пари рухсоралар ишқиға бу эрмиш хавос.

Хубларни кўз кўруб қон килди Бобур бағрини,  
Эмди кўздин қон тўкарменким, будур анга қасос.

Фоғил ўлма, эй соқий, гул чогин ғанимат тут,  
Вақти айш эрур боқий, ол чогир, кетур, бот тут.

Бу насиҳатим англа, не билур киши ёнгла,  
Не бўлур экин тонгла сен букун ғанимат тут.

Фоғил ўлма давлатта, ўзни солма меҳнатта,  
Тенгри берур албатта, давлат иста, ҳиммат тут.

Хуштуур висоли ёр, анда бўлмаса диёр,  
Бўлса васл эътибор, давлату саодат тут.

Ғам чериги бехаддур, чораси будур, Бобур,  
Бодани қуюқ келтур, жомни ҳимоят тут.

Чархнинг мен кўрмаган жавру жафоси қолдиму?  
Хаста кўнгулум чекмаган дарду балоси қолдиму?

Мени хор эттию қилди муддаийни парвариш,  
Даҳри дунпарварнинг ўзга муддаоси қолдиму?

Мени ўлтурди жафоу жавр бирла ул қуёш,  
Эмди тиргузмоқ учун меҳру вафоси қолдиму?

Ошик ўлғач кўрдум ўлумни ўзумга, эй рафик,  
Ўзга кўнглумнинг бу оламда ҳароси қолдиму?

Эй кўнгул, гар Бобур ул оламни истар қилма айб,  
Тенгри учун де, бу оламнинг сафоси қолдиму?

Баяқ ногаҳ кўзумга учраб ўтру,  
Мени девона қилдинг, эй парирў.

Жаҳонда ҳар кишига бор муроде,  
Менинг йўқтур муродим сендин ойру.

Магар уйқуда юзунг кўргай эрдим,  
Вале ҳажрингда кўздин учти уйку.

Ики сочинг била юзунг қуёшин  
Кечалар ёд этармен тонгға тегру.

Тараҳхум айлаким бечора Бобур  
Сенинг ишқингда бўлди зор асру.

Олғали күнглумни ул юз била ул гису  
Кундуз манга не ором, кеч манга не уйку.

Ҳар ёңгаки азм этсам, ёнимда борур меңнат,  
Ҳар сорики юзлансам, ўтрумга келур қайғу.

Юз жавру ситам күрган, минг меңнату ғам күрган,  
Осоишке кам күрган, мендек яна бир борму?

Ул юзи қүёш ҳажри, бу саъб бало дарди,  
Күнглумга урубтур ўт, холимни қилибтур сув.

Ҳар нечаки мухлиkdir, дардингни дема элга,  
Ким йиглемофинг, Бобур, бу элга дуруп кулгу.

Олди күнглумни соғиндимким манга дилдор эмиш,  
Билмадим, бу навъ мендин ул пари безор эмиш.

Ошик ўлғоч күрдүм ул шамшод қаддин — юз бало,  
Оллох, оллох, ишқ аро мундок балолар бор эмиш.

Илтифот этмаслигин бозий хаёл айлар эдим,  
Эмди билдимким, онга мендин бу янглир ор эмиш.

Ул пари ишқида йўқ ўлмоқдин ўзга чорае,  
Чун ўзи котил, сўзи мухлик, кўзи хунхор эмиш.

Хусн ахли, эй күнгул, олам аро ишқ ахлининг  
Кўнглини сахлар эмиш, ҳаркимгаким дилдор эмиш.

Ул вафосиз ёрдин чекмак не, яъни мунча ғам,  
Хусн ахли чунки, Бобур дунёда бисёр эмиш.

Қошию қаддию оғзин ул мох,  
Күрсатмаса манга найлайин.

Туттум сочини юзин күрай деб,  
Тун узуну мен ғарип гумрох.

Қадди билан икки зулфу оғзи,  
Жонимға бало бўлубтур оллоҳ.

Хоҳ иста кўнгулни, хоҳ ковла,  
Чун сенсен бу кўнгулга дилҳоҳ.

Эл билмаса ҳолатим, билур ёр,  
Ҳолимдин айру худойи огоҳ.

Кобул сори гар азимат этсанг.  
Курбон қиласай ўзни сенга, эй шоҳ.

Бобур яна ўтлук оҳ чектинг,  
Куйдурмасун элни оҳ ногоҳ.

Сўрма ҳолимники, бўлдум бурногидин зоррок,  
Жисм жондин зору жоним жисмдин афгоррок.

Банда тақрир айлай олмон банди-бандим дардини,  
Юз темур банд ўлса андин бу эрур душворрок.

Масту бехудлук била умрунгни ўткардинг, дариг,  
Эй кўнгул, мундин бери бўл бир нима хушёррок.

Фафлат уйқусидин уйғон, гар тилар бўлсанг мурод,  
Ким етар мақсадға, ҳар ким бўлса ул бедоррок.

Ўлгали еттим менинг жоним ғамин е, эй рафик,  
Даҳр аро чун йўқ киши сендин манга ғамхоррок.

Келмас ўхшар заҳматинг ислоҳға, Бобур, магар  
Ҳар давоким қилдилар, бўлдунг таки bemоррок.

119

Ким кўрубтур, эй кўнгул, аҳли жаҳондин яхшилиғ,  
Кимки ондин яхши йўқ, кўз тутма ондин яхшилиғ.

Гар замонни нафӣ қилсан айб қилма, эй рафик.  
Кўрмадим ҳаргиз, нетойин, бу замондин яхшилиғ.

Дилраболардин ямонлиғ келди маҳзун кўнглума,  
Келмади жонимға ҳеч ороми жондин яхшилиғ.

Эй кўнгул, чун яхшидин кўрдунг, ямонлиғ асру кўп,  
Эмди кўз тутмоқ не, яъни ҳар ямондин яхшилиғ.

Бори элга яхшилиғ қилғилки, мундин яхши йўқ,  
Ким дегайлар даҳр аро қолди фалондин яхшилиғ.

Яхшилиғ аҳли жаҳондин истама Бобур киби,  
Ким кўрубтур, эй кўнгул, аҳли жаҳондин яхшилиғ.

## Маснуъ шеърлар

Тишиңг дур, лабинг маржон, қадинг гул, хатинг райхон,  
Юзунг хур, сочинг анбар, сўзунг мул, менгинг менон,  
Менон менгинг, сўзунг мул, анбар сочинг, юзунг хур,  
Райхон хатинг, қадинг гул, маржон лабинг, тишиңг дур.

\* \* \*

Тафохур кўзум, кўнглум қилурлар магар бордур,  
Кўзунгта кўнгул вола, юзунгта кўзум ҳайрон.  
Ҳайрон кўзум юзингта, вола кўнгул кўзунгта,  
Бордур магар қилурлар кўнглум кўзум тафохур.

\* \* \*

Тафаккур неча қилсам топилмас сенинг мислинг  
Паридек сени кўрдум, эмассен магар инсон?  
Инсон магар эмассен, кўрдум сени паридек,  
Мислинг сенинг топилмас қилсам неча тафаккур.

\* \* \*

Балодур манга ҳажринг, даводур манга васлинг,  
Итобинг манга офат, ҳадисинг манга дармон.  
Дармон манга ҳадисинг офат манга итобинг,  
Васлинг манга даводур, ҳажринг манга балодур.

\* \* \*

Бобур чу санга қулдур, назар қил анга зинхор,  
Топилмас яна бир қул, онингдек санга эй жон.  
Эй жон, санга онингдек яна бир қул топилмас,  
Зинхор анга назар қил, қулдур санга чу Бобур.

## *Рубоиylар*

1.

Жоно, битигингки, бўлди марқум манга  
Мехнат била ғамни қилди маъдум манга.  
Кўргач они, гарчи шод беҳуд бўдум,  
Мазмуни vale бўлмади маълум манга.

2.

Не ишрату айш учун майи ноб манга.  
Не тоат учун гўшайи меҳроб манга,  
Не фисқ қилурға бордур асбоб манга.  
Не зоҳид ўлурға тоқату тоб манга.

3.

То бўлғали дилдор ўшал ой манга,  
Холимни билиб килмади парвой манга.  
Мен асрุ ҳаробу ёр кўп мустагний,  
Эй вой манга, вой манга, вой манга.

4.

Хуш улки кўзум тушса сенинг кўзунгта,  
Бевосита ҳолимни десам ўзунгта.  
Бермай сўзума жавоб аччиғланасен,  
Қилдинг мени муҳтоҷ чучук сўзунгта.

## 5.

Асру кўп эмиш журъату ҳиммат сизга,  
Рўзи қилғай худой нусрат сизга.  
Мардоналиғингизни бори эл билди,  
Раҳмат сизга, ҳазор раҳмат сизга.

## 6.

То қилди мени фироқ аро ёд ҳабиб,  
Маҳжур кўнгулни айлади шод ҳабиб.  
Гар васли мұяссар ўлмаса, нетай, эй Бобур,  
Фарёд ҳабибу оху фарёд ҳабиб.

## 7.

Эй қомати сарву лаблари оби ҳаёт,  
Будур тиласим ки, етгайману васлингта бот,  
Ҳажрингда манга не сабру қолди, не сабот,  
Ё кел бу сорига, ё мени ўзунгга қот.

## 8.

Бу қози фосиқки, юбордим санга бот  
Сен доги узоткил боту ҳам бадрақа қот,  
Гар хотириңг истаса юборғил савғот:  
Маъжуна шаробу оби норанжу набот.

## 9.

Келди рамозону мен таки бодапараст,  
Ийд ўлдию зикри май қилурмен пайваст.  
Не рўзау не намоз билар ойлар.  
Тун, кун майю маъжун била девонау маст.

## 10.

Бўлдум мен ошуфтаи ҳайрон мардуд,  
Қилғил мададики, бўлди имкон нобуд,  
Дунё била уқбодур ружуум сангадур,  
Эй икки жаҳоннинг шаҳи султон Маҳмуд.

## 11.

Мутриб ки, унинг ҳар киши гўш қилур,  
Жон бирла кўнгулни зору мадхуш қилур.  
Мақсуд недурки, элни ёд этганда,  
Ул доирада бизни фаромуш қилур.

## 12.

Душман не ки, бу даҳр забардаст қилур,  
Нахуст майдин бир неча кун маст қилур,  
Фам емаки, еткурса бошини кўкка,  
Охир яна ер киби они паст қилур.

## 13.

Кўзунг бори элни кўнглини маст эткусидур,  
Фамзанг бори мастрларни паст эткусидур.  
Кўп зоҳиду порсони Бобур янглиғ,  
Лаълинг ҳаваси бодапараст эткусидур.

## 14.

Ишлар бори кўнгулдагидек бўлғусидур,  
Инъому вазифа бори буюрулғусидур,  
Ул ғаллау муҳмалки деб эрдинг, бердим —  
Муҳмалға бўю, ғалладин уй тўлғусидур.

15.

Ҳар кимки вафо қилса, вафо топқусидур,  
Ҳар кимки жафо қилса, жафо топқусидур.  
Яхши киши күрмагай ямонлик ҳаргиз,  
Ҳар кимки ямон бўлса жазо топқусидур.

16.

Бу телба кўнгулки, ишқ анинг судидур,  
Ахбобнинг ихтилоти мақсудидур,  
Хижрон чекиб аҳбобни ҳар кимки кўрап,  
Хуш давлатию толеъи масъудидур.

17.

Хижрон қафасида жон куши рам қиладур,  
Фурбат бу азиз умрни кам қиладур,  
Не навъ битай фироку ғурбат шархин,  
Ким кўз ёши номанинг юзин нам қиладур.

18.

Жисмимда иситма кунда маҳкам бўладур,  
Кўздин учадур уйқу чу оқшам бўладур.  
Ҳар иккаласи ғамим била сабримдек,  
Борғон сойи бу ортадур, ул кам бўладур.

19.

Ё раб, менда не яхши толеъ бордур.  
Ким баҳти мутиъ ёри тобеъ бордур.  
Маъзур тут ар васлингта керак етсан,  
Не чора қилай озғина монеъ бордур.

20.

Хотирни баҳор фаслида гашт оладур.  
Кўз нурини ранги лолау дашт оладур,  
Хуш улки талаларда юруб сайд этса,  
Бу фаслдаким латифу дилкаш таладур.

21.

Эй ким, қүёш ул юзунг, ҳилол ул қоштур,  
Пўлоддуур кўнглунгу бағринг тошдур  
Номага агар яхши жавобинг йўқтур.  
Сўкмак била ёд айласанг ҳам хуштур.

22.

Ҳажри аро орому қарорим йўқтур  
Васлига етарга ихтиёrim йўқтур,  
Кимга очайин розки, йўқ маҳрами роз  
Фам кимга дейинки, ғамгусорим йўқтур.

23.

Улким анга олам ичра голиб йўқтур,  
Дерларки: бири келурга роғиб йўқтур.  
Дедимки: бу сўз рост эмастур, негаким,  
Толиб не тилар андаки, толиб йўқтур.

24.

Туз оҳ Заҳириддини Муҳаммад Бобур,  
Юз оҳ Заҳириддини Муҳаммад Бобур,  
Сарриштаи айшдин кўнгулни уз зинхор  
Уз, оҳ, Заҳириддини Муҳаммад Бобур.

25.

Қайғунгни чека-чека қарибтур Бобур,  
Раҳм айлаки ўзидин борибтур Бобур,  
Норанж юборди сангаким билгайсен,  
Яъники, бу навъ сарғарибтур Бобур.

26.

Бобур, неча бу даҳр мени зор айлар,  
Сабримни каму ғамимни бисёр айлар,  
То даҳрдуур будур анинг расмиким,  
Айриб кишини азизидин хор айлар.

27.

Қиши бўлдию бўлди барча тому тош қор,  
Жамъияти бор кишига бордур хуш қор,  
Бу қишида ямон йўлу паришон ҳолим,  
Ё раб, мени яхшилиғ сари бошкор.

28.

Арбоби ҳасад сўзига буттунг ўхшар,  
Бегоналиғ атворини туттунг ўхшар,  
Бир доги согинмадинг бу фурсатда мени,  
Мен хастани, эй ёр, унунтунг ўхшар.

29.

Васлингга кўнгул киёссиз толибтур  
Ҳажринг аро ихтиёrsиз қолибтур,  
Муштоклигим шарҳини дея олмасмен,  
Дийдорингта иштиёқ кўп ғолибтур.

30.

Эй боди сабо, айла Хурносонға гузар,  
Мендин дегил ул ёри паршонга хабар.  
Нече сафар ўз күнглунг учун килғайсен,  
Энди бизинг учун айла бу ёнға сафар.

31.

Күпдин бериким ёру диёрим йўқтур,  
Бир лаҳзау бир нафас қарорим йўқтур.  
Келдим бу сари ўз ихтиёrim бирла.  
Лекин, боруrimда ихтиёrim йўқтур.

32

Қиши гарчи замони манқалу оташтур.  
Лекин бу шито Ҳиндта кўп дилкаштур.  
Ҳангому нишоту бодаи бегаштур,  
Май бўлмаса маъжун даги бўлса хуштур.

33.

Аҳбобки, базмида гулистон хаствур,  
Йўқ, лек алар базмида бизга дастур,  
Гар сизда хузур бирла жамъият бор,  
Юз шукр бу жамъ бехузур эрмастур.

34.

Юз шукр де, Бобурки, карами гаффор.  
Берди санга Синду Ҳинду мулки бисёр.  
Иссиклигига гар санга йўқтур тоқат,  
Совуқ юзини кўрай десанг Фазни бор.

35.

Күнглумда ўту икки кўзумда сувдур.  
Мен хастага раҳм қилки, ҳолим будур.  
Фам кундузию фироқ шоми янглиғ,  
Туну кун манга не қарору не уйқудур.

36.

Бу ёғлиғким боди жаҳон чоғлиқдур,  
Жон-риштаси ҳар риштасига боғлиқдур,  
Тан тори юзум олтингектур сенсиз,  
Кўр ул иккидин намуна бу ёғлиқдур.

37.

Жиссимда иситма тобидин оташдур,  
Жонимга балоу ғусса бе баркашдур,  
Кўп дард ила ғамдин манга нохушлук эди,  
Сен сўргали, эй ҳабиб, кўнглум хушдур.

38.

Девонима не рабту не тартибдуур,  
Не жадвалу не лавҳу не тазҳибдуур.  
Гар санга йибордим, ани айб айламаким,  
Девонигни тилярга тақрибдуур.

39.

Эй қўрғон эли, қолдиму дармонларингиз,  
Чиқмай недуур бу жаҳл килғонларингиз,  
Жондек кишилар очлиғидин чун чиқадур,  
Сиз чиқмасангиз, чиқса керак жонларингиз.

40.

Ахбоб, йифилмокни фароғат тутунгиз,  
Жамъиятингиз борини давлат тутунгиз,  
Чун гардиши чарх будуур, тенгри учун,  
Бир-бирни неча куни ганимат тутунгиз.

41.

Ҳажринг ғамидин оқибат ўлгум, қаро кўз,  
Юз ғуссау андуҳ ила боргум, қаро кўз.  
Васлинг била килмадинг иложин, Бобур,  
Мушкилки, фирокингда тирилгум, қаро кўз.

42.

Изҳори латофату зарофат қиласиз,  
Ҳар нуктада юз туман китобат қиласиз.  
Гар Ҳинд иши тескари эрмас, не учун  
Иссиф ердин совуғ зарофат қиласиз.

43.

Озор ила неча гуфтугӯ қилгайсиз?  
Озурда бўлурки жустужӯ қилгайсиз.  
Мунчаки, кўнгулларга етушти озор,  
Май бирла магарки, шусту шў қилгайсиз.

44.

Ҳаммомки, то маскани жонона эмиш,  
Анда парилар хусниға девона эмиш.  
Ул худ паридур, барча мулозимлар хам,  
Алқисса ҳаммом парихона эмиш.

45.

Хусн ахлиға зору мубтало күз эрмиш,  
Жоним била күнглумга бало күз эрмиш.  
Фаҳм айладим эмди, Бобуро, ишқ ичра.  
Кўзумни корортқон қаро күз эрмиш.

46.

Ҳар ҳази, халойиқ андин айрилмас эмиш,  
Ул ҳаз мазасию қадрини билмас эмиш,  
Маъжуну, баситу, бўзову буст киби  
Бир журъя чогир дурди ишин қилмас эмиш.

47.

Бу хаста кўнгул эрур висолинг била хуш,  
Жоним ҳам эрур сенинг жамолинг била хуш,  
Хижрон ғами гарчи асру ноҳуштур лек  
Фикринг била шодмен, хаёлинг била хуш.

48.

Чун борди худой раҳматига ул ёш,  
Не фойда тўқмак ғами хижронида ёш,  
Ул ёш ғами хижронида кўп ёш тўқтунг,  
Бир ёшинг учун худой берсун юз ёш.

49.

Эй ёр, шеър ахлиға сен хон янглиғ,  
Шеъринг бор шеърларга султон янглиғ.  
Мазмуни анинг хати саводи ичра,  
Зулмат аросида оби ҳайвон янглиғ.

50.

Не ёр вафо қылғуси охир, не ҳариф,  
Не сайфу шито қолғуси боки, не ҳариф,  
Юз хайфки, зоеъ ўтадур умри азиз,  
Афсуски, ботил борадур умри шариф.

51.

Улфат тутай ар бор эса таълифи шариф,  
Инсоф берай гар ўлса таснифи шариф.  
Маъруфдуур әл ичра таърифи шариф,  
Бўлгай шарифим кетурса ташрифи шариф.

52.

Андин бериким қасдим учун турди фирок,  
Юз дарду аламни манга еткурди фирок,  
Мени эшикингдин, кетайин, сурди фирок.  
Кил чора, йўқ эрса мени ўлтурди фирок.

53.

Май таркини қилғали эрурмен ғамлик,  
Бор тийра кўнгулга ҳар замон дарҳамлик  
Ғам бирла фарсадалиғ ҳалок этти мени,  
Май бирла эмиш шодлигу хуррамлик.

54.

Олудай юз туман маъсий бўлмок,  
Юз ранжу туман азоб хосий бўлмок,  
Кўп яхши экин аҳли хираднинг қошида,  
Ким оғритибон атони осий бўлмоқ?!

55.

Ким ёр анга илм, толиби илм керак,  
Ўргангали илме толиби илм керак.  
Мен толиби илму толиби илме йўқ.  
Мен бормен илм толиби, илм керак.

56.

Юзунг била лабларинг эрур тулу мулдек,  
Балким юзунг олида эрур гул кулдек.  
Бобур киби ишқдин дам урмайдур эдим,  
Эй гул, мени ишқинг айлади булбулдек.

57.

Бобурни бурун маҳрами асрор эттинг,  
Васлингға бериб йўл, ўзунгта ёр эттинг,  
Охир бординг доги ани зор эттинг,  
Хижрон алами бирла гирифтор эттинг.

58.

Лутф эттингу кўнгул била жон ўргаттинг,  
Васлинг била, эй жону жаҳон ўргаттинг,  
Бу қатла ямонроқ ўлса ҳолим сенсиз,  
Айб айламагайсенки, ямон ўргаттинг.

59.

Хаттинг била кўнглагинки, ирсол эттинг,  
Қайғу била меҳнатимни помол эттинг,  
Ул хат била хотиримни хурсанд айлаб,  
Бу кўнглак ила кўнгулни хушхол эттинг.

60.

Кўз шамъни ёруткали маҳваш келдинг,  
Сабр уйини куйдургали оташ келдинг.  
Қилдинг мени келганинг била миннатдор,  
Раҳмат санга, яхши қилдингу хуш келдинг.

61.

Сенсиз неча ғам бирла малоли кўралинг,  
Ҳажринг неча бўлгуси, висоли кўралинг,  
Ҳажрингда неча хаёл ила ўткаралинг,  
Лутф айлау келгилки, жамоле кўралинг.

62.

Эйким, ясабон юзунгни хуршид эттинг,  
Фурқат аламини жонга жовид эттинг,  
Мен сени дедим, сен ўзгани қилдинг ёд,  
Навмид ўлғил, чун мени навмид эттинг.

63.

Ётларни керакки, ошно кам қилсанг,  
Ҳар кимки вафо қилса, жафо кам қилсанг.  
Навмид бўлур барча вафодорларинг,  
Гар шах назаринг бирла вафо кам қилсанг.

64.

Хижрон аро ёд этиб мени шод эттинг,  
Маҳжур кўнгулни ғамдин озод эттинг.  
Не лутф эди, хури паризод эттинг,  
Гўёки бузук қаъбани обод эттинг.

65.

Хар ердаки гул бўлса, тикон бўлса не тонг?  
Хар қондаки, май дурдидан бўлса не тонг?  
Шеъримда агар ҳазил, агар жид кечурунг,  
Яхши борида агар ямон бўлса не тонг?

66.

Ё қаҳру ғазаб била мени туфрок кил,  
Ё баҳри иноятингда мустағрак қил.  
Ё раб, сангадур юзум қаро, гар оқ кил,  
Хар навъи сенинг ризонг эрур, андоқ қил.

67.

Ноз уйқусидин бирор замон ойилғил,  
Гулдек кулуб, эй ғунча даҳан, очилғил,  
Кўнглумни иликладинг чолиб чантг, эй ёр,  
Чангингдадуур кўнгул навозиш қилғил.

68.

Хижрон ғамидин неча шикоят қилайн,  
Келгилки, васлидин ҳикоят қилайн.  
Тенгри ҳаки, бизни деб агар сен келсанг,  
Кўнглунгдагидек лутфу иноят қилайн.

69.

Келгилки, дами ўлтурубон май ичалинг,  
Дунё ғаму ранжидин замоне кечалинг,  
Чун айшу нишот лашкари саф тузди,  
Эй меҳнату гусса хайли, сизлар бежалинг.

70.

Кўрдунг доғи кўзунгта гирифтор этдинг,  
Сўрдунг доғи сўзунгта гирифтор этдинг,  
Бу табъу каломинг била ўз бошинг учун,  
Бошдин мени ўзунгта гирифтор этдинг.

71.

Эй ёр ҳазин кўнгулни ёд айламадинг,  
Мехрингни кам айладинг, зиёд айламадинг,  
Ё менда гуноҳ бордур, унуттинг, ё сен,  
Оё не жиҳаттурки, ёд айламадинг?

72.

Доим соғиниб кўнгулни ол, хуш қолғил,  
Раҳмат назарини манга сол, хуш қолғил,  
Нохуш эди буки, мен ямон бордим, лек  
Сен лола узор яхши қол, хуш қолғил.

73.

Эй ел, бориб аҳбобқа номимни, дегил,  
Хар ким мени билса бу паёмимни дегил,  
Мендин демагил гар унутлғон бўлсам,  
Хар кимки, мени сўрса, саломимни дегил.

74.

Наққош менинг ҳолима тадбир этгил,  
Бир ёғлиғ аро кашида таҳрир этгил,  
Ул сафҳада мен хаёл қилғон янглиғ,  
Ул ёрга мушкилимни такрир этгил.

То қилгали зикр табъ номини күнгүл,  
 Вирд айлади табъ ахли қаломини күнгүл  
 То ҳажр ғаму меңнати таскин топқай,  
 Истайдуур ахбоб паёмини күнгүл.

Фавғода май иртикоң қилмоқ мушкил,  
 Жонға күч ила азоб қилмоқ мушкил,  
 Бўлмай даги масти хоб қилмоқ мушкил,  
 Ахбобдин ижтиноң қилмоқ мушкил.

Эй ёр, сенинг васлингга етмак мушкил,  
 Фархунда ҳадисингни эшиитмак мушкил.  
 Ишқингни доги бартараф этмак мушкил,  
 Бошни олибон ҳар сори кетмак мушкил.

То водийи ҳажрингда қилибмен манзил,  
 Сурат била гарчи айрумен мен бедил,  
 Валлаҳки, эй ёр, сенинг ёдингдин,  
 Бир лаҳзау бир замон эмасмен гофили.

Жониға етишти тузу тоғ бирла күнгүл,  
 Дардини тугатмас иситмоғ бирла күнгүл,  
 Фурбатда оёқ бирла бадан етмасдек,  
 Юз шукрки, тинчдур қулоғ бирла күнгүл.

80.

Яксон караминг қотинда мудбириу мүкбіл,  
Осон сенинг олингда жамий мушкил,  
Ё лутфу иноят онча килким күтаратай,  
Ё қаҳру газабни тоқатим борича кил.

81.

Юз ҳамд ангаким, ҳамдин аниңг аҳли мақол,  
Юз йил десалар тугатмаги амри маҳол,  
Васфида хирад ожиз әрур нотика лол,  
Не нағын сифат қылай они жалла жалол.

82.

Аъзою жавоҳирингни ҳозир қилғил,  
Жон бирла кўнгул ҳозиру нозир қилғил,  
Ҳар лаҳза бир андишаю бир фикрни қўй,  
Андишаю фикрингни барин бир қилғил.

83.

Кўзунгдин эрур, назора кил, хасталиғим,  
Қошингдин эрур ғам била пайвасталиғим,  
Бошимни олиб кетгай эдим юз қатла.  
Бўлмасайди сочингға дилbastалиғим.

84.

Сенинг била менки ошнолиғ қилдим,  
Ишкингни ҳазин жонга балолиғ қилдим,  
Кўрмай, билмай мени вафосиз дебсен,  
Мен санга не нағын бевафолиғ қилдим?

Күнглум тилаги висол эмиштук билдим,  
 Ул васл доги маҳол эмиштук билдим,  
 Ҳар қандаки бўлса меҳрибондур дер эдим,  
 Ул доги ғалат хаёл эмиштук билдим.

Зулфиға кўнгул кўюб, паришон бўлдум,  
 Кўз олдурубон юзига ҳайрон бўлдум.  
 Чин дей санга, Бобурки, ошиклиғда,  
 Ҳар неки қилиб эдим — пушаймон бўлдум.

Хуснунг сифатини эшитиб зор ўлдум,  
 Кўрмай сени ишқингға гирифтор ўлдум,  
 Сўргилки, лабинг фироки беҳол этти,  
 Кўргилки, кўзунг ҳажрида bemор ўлдум.

Ҳижронда, сабо, этти фалакка оҳим,  
 Гар ул сори борсанг будурур дилҳоҳим,  
 Ким арзи дуо ниёз ила қилғайсен,  
 Гар сўрса мен хастани гулруҳ моҳим.

Йиллар тилаб ишни қаю сахлаб турдим.  
 Юз жаҳд била ишни мунга еткурдум.  
 Мардана бўл, эмди яхшидур иш келиши,  
 Тенгрига сени, элни сенга топшурдум.

90.

Гар рух дам этса эрди оҳанги на ғам,  
Мажлиста не хузн колур эрдию не ғам,  
То борғали рух дам беринг мажлисдин,  
Мажлис элига не рух колдию не дам.

91.

Үт солди күнгүлга ранжу бетоблигим,  
Сув қилди бу хаста жонни беоблигим,  
Бу иккаласи агарчи бор мухлику саъб,  
Лек ўлтурадур тонгача бехоблигим.

92.

Эй гул, не учун қошингда мен хор ўлдум,  
Юз меҳнату андух била ёр ўлдум,  
Васлинг била бисёр севиндим аввал,  
Ҳажринг била оқибат гирифтор ўлдум.

93.

Юз номаи ишиёқ таҳрир эттим,  
Юз навъ била васлингга тадбир эттим,  
Маъзур тут, эй қүёшки, толеъ йўқидин,  
Васлингга етар маҳалда тақсир эттим.

94.

Ёр ёғлигидин күнгүлни хурсанд эттим,  
Рухум қушини тори била банд эттим,  
Күнглумни не навъ узай ўшал ёғлиғдин,  
Жон риштасини торига пайванд эттим.

95.

Бемехр деса эл сени мен бутмас эдим,  
Харгиз бу сифатни санга ёвутмас эдим,  
Ноңақ оғриб мени унұттинг охир.  
Валлоҳки, сендин бу тамаъ тутмас эдим.

96.

Ҳар кунда юзунгни күрмак әрур ҳавасим,  
Ҳар кече сочинг хаёлидур ҳамнафасим,  
Исо дамидин рух берур жиссимға  
Сенинг соридин паём келтурса насим.

97.

Қотингда агар гуноҳ ғоҳе қилдим,  
Юз катла надомат била оҳе қилдим,  
Қилдим ямону асру табоҳе қилдим,  
Лутфунг била сен кечур, гуноҳе қилдим.

98.

Аҳбоб унұтмаса керак аҳди қадим,  
Еткурса керак хабар гахи пайки насим,  
Бобур чу умид ила қилур арзи ниёз,  
Шоядки, қабул айлагай табыи насим.

99.

Бу олам аро ажаб оламлар күрдүм,  
Олам әлидин турфа ситамлар күрдүм.  
Ҳар ким бу вакоени ўқур, билгайким,  
Не ранжу не меҳнату не ғамлар күрдүм.

100.

Ҳаммомки арк ичинда пайдо килдим,  
Согинмаки, суддин табарро қилдим,  
Суд ушбу эмасмуким, бу тадбир била  
Покиза бандаларни тамошо килдим.

101.

Юз шукр қилайки, ёна ошиқ бўлдум,  
Оlamға бўлуб фасона ошиқ бўлдум,  
Яхши сўзингу васфи жамолинг эшитиб,  
Кўрмай сени гойибона ошиқ бўлдум,

102.

Ҳаммомки, қилдим кўрунгизким, айём,  
Ўхшатти анинг бори иши манга тамом.  
Кўз ёшию кўнгул ўти бирла мендин,  
Гулчехралар истабон юруйдур ҳаммом.

103.

Ул юзи қуёшки, бордур ойдин афзун,  
Хусн ичра ул ой олида хуршид забун,  
То бир кун ул ойдин навозиш топқай,  
Кўк доира бўлдию жаложил ойу кун.

104.

Бу чехраи зардимдин уёлсанг нетгаймен,  
Рахмат назарини манга солсанг кетгаймен,  
Бир ишва била кўнгул бериб Бобурға,  
Бир бўса била кўнгулни олсанг кетгаймен.

105.

Ишкинг йўлида фирок ила нетгаймен,  
Бир йўл кўрсатки, васлингга етгаймен.  
Васлинг манга гар муяссар ўлмас бўлса  
Бошимни олиб бу гуссадин кетгаймен.

106.

Васфингни неча улусдин эшифтгаймен,  
Не навъ қилиб васлингта етгаймен,  
Гар вasl муяссар ўлмаса нетгаймен.  
Бошимни олиб қай сариға кетгаймен?

107.

Ул хатки мен сени анда ёд этгаймен,  
Кўз оқида кошки савод этгаймен,  
Киприкларидин анга қалам рост қилиб,  
Кўз қаросидин анга мидод этгаймен,

108.

Бир гўшаи боғ ўлсаю сен бўлсангу мен,  
Май кўйсоқ иккимиз қадаҳ ичра бир ҳин,  
Андин сўнгра аёқ иликка олибон.  
Сен тутсангу мен ичсам, мен тутсаму сен.

109.

Бекайд мену хароби сийм эрмасмен.  
Ҳам мол йигиштиур лаим эрмасмен,  
Кобулда иқомат этти Бобур дерсиз,  
Андоқ демангизларки, муқийм эрмасмен.

110.

Мехринг не дуур бурун чу бор жавр кин,  
Бефойда ишқинг ғамини неча ейин?  
Холимни неча десам демасен мени ёр,  
Сен демасанг, эй ёр, мени, мен не дейин?

111.

Хажрингда не қон қолдики ютмайдурмен,  
Күз ёшини бир лаҳза қурутмайдурмен,  
Дийдорингнинг ҳақини, эй юзи күёш,  
Тенгри ҳаки, бир зарра унутмайдурмен.

112.

Сен гулсену мен ҳакир булбулдурмен,  
Сен шуъласену ул шуълаға мен қулдурмен,  
Нисбат йўқтур деб ижтиоб айламаким,  
Шаҳмен элга, vale санга қулдурмен.

113.

Хатимни кўруб сўзумни чун билгайсен,  
Келмакта бизга ел киби елгайсен.  
Ихлосингни билиб йибордим қосид,  
Раҳмат санга, зинҳорки, бот келгайсен.

114.

Ул бордики, ишрат орзу қилгайсен,  
Ишрат тиламакликта ғулу қилгайсен,  
Чун айшу фароғ мумкин эрмас зинҳор,  
Бобур, ғаму меҳнат била хў қилгайсен,

## 115.

Ахбобға ҳар хатки савод этгайсен,  
 Бизки даги ул битикда ёд этгайсен,  
 Максудки, косиди агар келса бу ён,  
 Бир нома била күнгулни шод этгайсен.

## 116.

Хижронда соғиниб мени шод этгайсен,  
 Мен хастани мухлис эътиқод этгайсен,  
 Бу хатни анинг учун битдим мунда,  
 Кўргач бу хатимни мени ёд этгайсен.

## 117.

Неча манга жавр муттасил қилгайсен?  
 Мехринг йўқу неча мунфаил қилгайсен?  
 Жаврунгни кўруб, меҳрни кўрмай кеттим,  
 Гар кўрсаму кўрмасам биҳил қилгайсен.

## 118.

Заҳмингни кўнгул тилар анга қилгайсен,  
 Заҳмингни кўнгулга бехато қилгайсен,  
 Тил икки алиф кўксума наъл ўртадиким,  
 Кўнглум тиларин ҳаққин адо қилгайсен.

## 119.

Хуш улки келиб ёнимда ўлтурғайсен,  
 Ё бир нафас олимда келиб турғайсен,  
 Оғзингға ўпар сўзин бани олмассен,  
 Борғон кишидин оғиз сўзин сўргайсен.

## 120.

Давлат била шоду шодмон бўлгайсен,  
 Шавкат била машхури жаҳон бўлгайсен.  
 Кўнгулдагидек даҳр аро ком суруб,  
 Бу даҳр боринча комрон бўлгайсен.

## 121.

Эй ким, олам шоҳлари шоҳи сенсен,  
 Бевосита манзури илоҳий сенсен,  
 Сен борсен кимга элтай, эй шоҳ, паноҳ,  
 Чун барча жаҳон эли паноҳи сенсен.

## 122.

Зинҳорки дўстлукни унутмағайсен,  
 Тукқонликдин кўнгулни совутмағайсен,  
 Ётлар била душман тарафин гар тутсанг,  
 Тукқонлиғу дўстлугу тамаъ тутмағайсен.

## 123.

Эй ким ёралиғ жисмима малҳам сенсен,  
 Мажруҳ кўнгулга ништар ҳам сенсен,  
 Гаҳ шоду гаҳи гамин есам айб этма.  
 Ким боиси шодмонлиғу ғам сенсен.

## 124.

Жонимда менинг ҳаёти жоним сенсен.  
 Жисмимда менинг рухи равоним сенсен.  
 Бобурни сенингдек ўзга ўйқ ёри азизи,  
 Алқиссаки, умри жовидоним сенсен.

## 125.

Эй ким, манга мужда бердинг ул жонондин,  
 Қилдинг мени озод ғами хижрондин.  
 Бу муждани не навъ сифат қилгаймен,  
 Гүёки хабар бердинг ўлукка жондин.

## 126.

Даврон мени ўткарди сару сомондин,  
 Ойирди мени бир йўли хонумондин,  
 Гаҳ бошима тож, гаҳ балойи таъна,  
 Неларки бошимга келмади даврондин.

## 127.

Сўз сўрғали лаъли нуктадонинг топмон,  
 Юз суртгали ул остонинг топмон,  
 Беному нишонлиг истасам не тонгким.  
 Номингни эшилттими нишонинг топмон.

## 128.

Аҳбоб йигинидин неча қолгаймен,  
 Орзумни нетиб ул ароға солгаймен?  
 Борсам даги анда меҳмон касратидин  
 Маълум эмаски ер топо олгаймен.

## 129.

Эл сухбатиники орзу қилмишмен,  
 Не хушлу ила бу гуфтутгў қилмишмен,  
 Ишрат била айшни не иш қилгаймен,  
 Менким, ғаму меҳнат била хў қилмишмен.

130.

То тарки маңақиу шароб этмишмен,  
Нафсимға худой учун азоб этмишмен,  
Тавба әшиги ҳануз очук эрди,  
Бу тавбада бир шитоб этмишмен.

131.

Май таркини қылғали паришондурмен,  
Билмон қилур ишимниу ҳайрондурмен,  
Эл барча пушаймон бүлүру тавба қилур,  
Мен тавба қилибмену пушаймондурмен.

132.

Ишкінг мени қилди асру шайдо, нетайин?  
Оlam әлига айлади расво, нетайин?  
Жонимни фидо қилиб санга андин сүнг,  
Дерменки, сени жон этай, аммо нетайин?

133.

Васлингни тиаб неча сабодин билайин,  
Келгилки қуюндең бошингта эврулайин.  
Гар келмасанг, истасанг мени хизматингта,  
Бошимни қадам қилиб қадамға келайин.

134.

Ишқ ишини боштин яна бунёд этайин,  
Ишкінг ғами бирла хотирим шод этайин,  
Дебсенки, унутма мени ҳижрон аро, вой,  
Сени унутуб не кишини ёд этайин.

135.

Ёринг сенинг илохи «Таборак» бўлсун,  
Душманларинга тўъма палорак бўлсун,  
Мулкунгда фароат била хонликлар кил,  
Мулкунг била хонлиғинг муборак бўлсун.

136.

Бесабрмену бесару сомондурмен,  
Бир ғамзададурмену паришондурмен.  
Не диннинг ишини қилдиму не дунёнинг,  
Ё раб, нетай ўз ишимга ҳайрондурмен.

137.

Ул шўхки билдуруди вафодорлиғин,  
Тарк айлади гўё ситамкорлиғин,  
Лутф айлади, ёрликка фармон берди  
Аъдо била ёрдур, нетай ёрлиғин?

138.

Сенинг била сўз муқаррар андок қилайин,  
Оlamда сени мұтабар андоқ қилайин,  
Тенгри ҳаки, бу хизмат агар сен қилсанг,  
Ҳар навъки кўнглунг тиласр андоқ қилайин.

139.

Исён қилибон неча манга кўргайсен,  
Вақт ўлдики, хажр номасин бургайсен,  
Будур тиласгим, хатимни чун кўргайсен,  
Албатта ўзунгни манга етургайсан.

## 140.

Ё раб манга нетди бўлди шоҳим билмон,  
 Кўз ёшидин ўзга узроҳим билмон,  
 Бир ҳам назар этмас эътиқодимни билур,  
 Ҳар лаҳза итоб этар, гуноҳим билмон.

## 141.

Кечрак келасен бу ҳастадин тўйдунгму?  
 Дил сафҳасидин хуруфи вафо юдунгму?  
 Номусу ўёт керак, ўёт сахлдуур,  
 Юз қўй учун ул эшикка юз куйдунгму?

## 142.

Фамхонаси сори гузари жон килма,  
 Ишрат уйини кетибон эҳзон қилма,  
 Зулфунг киби кўнглумни паришон айлаб,  
 Лаълинг каби бағримни тўла қон қилма.

## 143.

Ҳар зулфитин эй кўнгул паришон бўлма,  
 Ҳар юзга ҳам асрү зори ҳайрон бўлма.  
 Мен сенга демонки, тарки ишқ эт, лекин  
 Андок қилким, сўнгра пушаймон бўлма.

## 144.

Мунча мени зор, эй юзи хуршид, этма,  
 Фурқат аламини манга жовид этма.  
 Тенгридин агар сенинг умидинг бордур,  
 Тенгри учун, эй ой, мени навмид этма.

## 145.

Давлатқа етиб меңнат элин унутма,  
Бу беш күн учун ўзингни асрү тутма.  
Борғонни кел эмди ёд қилмай, эй дўст,  
Бориши-келишингни лутф этиб ўксутма.

## 146.

Хижрон аро ёд этиб мени шод айла,  
Маҳжур кўнгулни ғамдин озод айла,  
Бу хатни анинг учун битдим мунда  
Кўрган сойи хатимни мени ёд айла.

## 147.

Кўз равшан эди сенинг жамолинг бирла,  
Кўнгул хуш эди сенинг висолинг бирла,  
Бас тийрау нохуш этти ҳажринг бизни,  
Эмди қиласмен хўй хаёлинг бирла.

## 148.

Рухум яратиб эдинг латофат бирла,  
Қилдинг анга тани ҳамроҳ офат бирла,  
Рухумни чу тан уйига келтурдинг пок,  
Мундан бори элитма касофат бирла.

## 149.

Сен анда фарогу айшу ишрат бирла,  
Мен мунда хароб, ранжу меңнат бирла,  
Асрармен ўзум бирла сени нақш қилиб  
Хурсанд бўлурмен ушбу сурат бирла.

150.

Нетгай киши бу фалак нифоки бирла,  
Этгай бу фалак оту сүроқи бирла,  
Гаҳ тиргизадур висол айёмидин,  
Гаҳ ўлтурадур шоми фироки бирла.

151.

Рафторио қаддига равоним садака,  
Бир бокишига икки жаҳоним садака,  
Оғзию белига буду нобудум садака,  
Кўзию лабига жисму жоним садака.

152.

Бобур мутаважжих бўлса Лангар сарига,  
Қилмас назар биҳишту кавсар сарига,  
Сендин тилагумдур мадад, эй шоҳ Фиёс  
Ҳар вақтки, азм айласам ҳар сарига.

153.

Азм айла, сабо, ет гули хандонимға,  
Не гулки, қүёштек маҳи тобонимға,  
Етгил даги иштиёқ ила Бобурдин  
Зинҳор дегил: салом тукқонимға.

154.

Келдим санга юз умид бирла, эй моҳ,  
Лекин бордим юзингни кўрмай юз ох,  
Ҳамсуҳбату ҳамраҳни нетай бу йўлда,  
Дардинг манга ҳамсуҳбату ишқинг ҳамроҳ.

## 155.

Не хеш мени хушлару не бегона,  
Не гайр ризо мендину не жанона,  
Хар нечаки, яхшилиқта қылсам афсун,  
Халқ ичра ямонлиғ била мен афсона.

## 156.

Бу дахр аро гар эхтимоли бүлса,  
Мендек санга ёри лоуболи бүлса.  
Ул ёр басе нозику йўқ мэнда адаб,  
Мендин не ажаб агар малоле бүлса.

## 157.

Ёр улдурким шеърга майли бүлса,  
Неттай киши шеър гайр хайли бүлса,  
Агёрнинг озорини ҳар ҳол била.  
Чеккаймен агар бори туфайли бүлса.

## 158.

Дунё бориси манга мусаххар бүлса,  
Уқбода даги худой ёр бүлса  
Будур тилагим икки жаҳонда ҳақдин,  
Ҳар не тиласам бори мұяссар бүлса.

## 159.

Бобур била Мир иттифоки бүлса,  
Йўқтур ғам агар жаҳон нифоки бүлса,  
Будур тилагимки, шоҳ даргоҳида,  
Мен банда учун ҳамиша боқий бүлса.

160.

Күнглунга нечаки, сайр матлуб ўлса,  
Аҳбобни сўрмоқ даги марғуб ўлса,  
Гар ҳажринг имтиоди мундин ортар,  
Қолмас манга сабр-сабри Аюуб ўлса.

161.

Аҳбобга қилсанг гузар, эй ел, ногох,  
Ул жамъни бу сўзумдин этгил огох.  
Сиз кўргандек эсон-саломат турбиз,  
Сиз доги эсон бўлғайсиз, иншооллоҳ,

162.

Жон вола эрур лаъли шакар борингға  
Кўнглум ҳам эрур хароб руҳсорингға,  
Гуфторинг эрур боштин-аёқ барчаси хуб  
Мен банда бўлай боштин-аёқ борингға.

163.

Эй, ой юзунг олида қўёш шарманда,  
Ширип сўзу яхши хулқунгга мен банда  
Хижронда неча нома била сўзлошамен?  
Ё сен бери кел, ё борайин мен анда.

164.

Неча бу фалак солғуси фурбатқа мени,  
Ҳар лаҳза тугангусиз машақкатқа мени,  
Не чора қиласай, нетайки, тенгри гўё,  
Мехнатни манга яратти, меҳнатқа мени.

165.

Бедард ҳабиб билмади дардимни,  
Туфроқча кўрмади руҳи зардимни,  
Мендин неча кўнглида губори бўлғай.  
Кетдим муна эмди топмагай гардимни.

166.

Кўнгли тилаган муродга етса киши,  
Ё барча муродларни тарк этса киши,  
Бу икки иш муяссар ўлмаса оламда,  
Бошини олиб бир сорига кетса киши.

167.

Ёд этмас эмиш кишини ғурбатта киши,  
Шод этмас эмиш кўнгулни меҳнатта киши,  
Кўнглум бу ғариблиқда шод ўлмади, ох,  
Ғурбатта севинмас эмиш, албатта киши.

168.

Оворалиқ асру хонумондин яхши.  
Бир гўша манга икки жаҳондин яхши.  
Оворалиқ бўлурни яхши эрмас демагил,  
Бўлсам агар овора не ондин яхши.

169.

Хар сўзки, не дермен санга лоғ ўлмағуси,  
Бемаънию ҳарзау газоф ўлмағуси,  
Ул ишта, агар мухолафат айларсен,  
Тенгри ҳаки, бу сўзда хилоғ ўлмағуси.

## 170.

Эй ёр, жафо расми чиқормоқ не эди.  
 Ё мөхр гиёхини күпормок не эди,  
 Бир мөхр, яна лутф, яна жавр недур.  
 Бир бординг, яна бормоқ не эди?

## 171.

Гар мөхр била бу чарх эврулса эди,  
 Жонлардин аниң жавфи керак түлса эди,  
 Бобур киби жонға мөхр боғлар эрдим,  
 Гар ушбу жаҳонда мөхри жаҳон бўлса эди.

## 172.

Ҳолимға керак ҳабиб эврулса эди,  
 Ишрат кадаҳи ҳабибдин түлса эди.  
 Хушвакт турур ёр, vale нохуш мен,  
 Хушвакт бўлур эрдим чоғир бўлса эди.

## 173.

Жон аҳди бор, эй нигор, етмасму эди?  
 Ул аҳд била қарор етмасму эди?  
 Эмди доги васл интизорин берасен.  
 Мунча маҳал интизор етмасму эди?

## 174.

Фурбат туғи ёпқон рухи зардниму дей?  
 Ё ҳажр чиқарғон охи сардинму дей?  
 Ҳолинг не дурур билурмусен дардимни,  
 Ҳолингни сўрайму, йўқса дардимниму дей?

175.

Ишванг била, ғамзангниу нозингниму дей?  
Жаврунг била сўзунгу гудозингниму дей?  
Сўзунг, қилифинг, навозишингму этай?  
Овозу усулингниу созингниму дей?

176.

Кўзум эви юзидин мусаввар бўлди,  
Бу важҳ била кўнгул мунааввар бўлди.  
Юз шукрки, Бобур киби ошикликда  
Ҳар неки тилаб эдим, мұяссар бўлди.

177.

Хаттингни кўруб кўнгулга ҳайрат бўлди,  
Шеъринг эшитиб жонға масаррат бўлди,  
Бу неча маҳол тағофул эттинг, демагил,  
Толеъ йўқ эдики, мунча гафлат бўлди.

178.

Эй пайк, бориб сано била қуллук де,  
Ер ўп, даги қўп адо била қуллук де,  
Гар ёр мени хастани сўрса, зинхор,  
Мендин юкунуб дуо била қуллук де.

179.

Номангки тириклигим нишони эрди,  
Ҳар сатри ҳаёти жовидоний эрди,  
Ҳар лафзида ошкор юз хуруфи вафо,  
Ҳар ҳарифида юз меҳр ниҳоний эрди.

## 180.

Хажрингда бу тун күнгүлдә қайғы эрди,  
Васлингға етишмадим жихат бу эрди:  
Охим тутуни бирла күзүмнинг ёшидин,  
Йўл балчиқ эди, кеча қаронғу эрди.

## 181.

Хажрингда агарчи жонға бедод эрди,  
Сенсиз мангә юз фифону фарёд эрди,  
Фикрингдин эрди ва лек хурсандлигим,  
Зикринг била бу хаста күнгүл шод эрди.

## 182.

Хотирға хутур этти бу сүз янгла, ахий,  
Айтай санга сен қулоқ солиб англа, ахий,  
Умрунгни бу кун хүш кечир ахбоб илаким,  
Топилмогусидур ушбу кун тонгла, ахий.

## 183.

Эшитса киши бу шуру шеван не дегай?  
Доим бу тарийк, ичкуни күрган не дегай?  
Душман сўзига кирма, эшит дўст сўзин,  
Эшитмаса сўзни дўст, душман не дегай?

## 184.

Ишқингда күнгүл харобдур, мен не қилай?  
Хажрингда күзүм пуробдур, мен не қилай?  
Жисимим аро печу тобдур мен не қилай?  
Жонимда кўп изтиробдур мен не қилай?

## 185.

Шоҳим санга маълум эмастур — не қилай?  
 Оҳим санга маълум эмастур — не қилай?  
 Мен юзу қошинг дермену сен бадру ҳилол,  
 Моҳим санга маълум эмастур — не қилай?

## 186.

Бошимни туфайл ул саромадқа қилай,  
 Жонимни фидо ўшал сиҳи қадқа қилай.  
 Бу хаста кўнгул била ҳамийда қадни  
 Кўзи била зулфига анинг садқа қилай.

## 187.

Етсам санга куллугумни чўқ арз қилай,  
 Сен етсангу мен десамки йўқ, арз қилай.  
 Кўптур сўзуму маҳрам эмас ҳеч киши,  
 Рухсат эса тобуғунгда ўқ арз қилай.

## 188.

Ҳижрон аро неча нома таҳрир қилай?  
 Хома тили бирла ҳол такрир қилай,  
 Хуш улким, сўзум санга десам воситасиз,  
 Сен андау мен мунда не тадбир қилай?

## 189.

Менинг тилагим будурки, навозанда бўлай,  
 Ҳар қандай эсанг, мен доғи анда бўлай.  
 Не хулқ эди, яна кўнглум олдинг сўз ила,  
 Ширин сўзу яхши хулқунгга банда бўлай.

## 190.

Хүснүнгни сенинг кимки таақкул қилғай,  
Сендин бошқа нечук таҳаммул қилғай?  
Бу табъу, бу ихтилотким сенда дуур,  
Не менки, бори олам элини кул қилғай.

## 191.

Ашъорингким шеър оти то бўлғай,  
Табъ ахли анга волау шайдо бўлғай,  
Ҳар лафзи дуур бахри маъони анда,  
Ким кўрди дуреки, анда дарё бўлғай?

## 192.

Арбоби ҳасадки дунёдин дур ўлғай,  
Истар севаридин киши маҳжур ўлғай,  
Доим кўрайин юзунг ало рағми ҳасуд,  
Ҳар ким кўра олмаса кўзи кўр ўлғай.

## 193.

Носиҳ сўзи санга неча мардуд ўлғай,  
Яхшию ямон қошингда нобуд ўлғай,  
Бори эмди маъш бир навъ этким,  
Ҳақ розию олам эли хушнуд ўлғай.

## 194.

Юз жаҳд ила етмай санга, эй ой, нетай,  
Ҳажринг аламида неча йиглай, нетай?  
Йўқ санга вафоу раҳму парвой, нетай?  
Эй вой, нетай? Вой нетай? Вой нетай?

195.

Мен неча жафоу жавринга сабр этай,  
Бир зарра вафоу меҳр йўқ сенда нетай?  
Чун бошим аёғингга қўярга ярамас,  
Бошимни олиб оёқ етганча кетай.

196.

Аҳбоб фироқингиз била эл нетгай?  
Сизларга киши не чора айлаб етгай?  
Жамъиятингизни жамъ тутқай тенгри,  
Бобурни доди бу жамъда жамъ этгай.

197.

Қосидки йибординг айлади шод мени,  
Доим бу йўсунлик айлагил ёд мени,  
Озодинга қул бўлайки, хатинг кетуруб,  
Ҳажринг ғамидин айлади озод мени.

198.

Ҳар ким деса бур ё агар ёнгла мени,  
Ўзунгта мусоҳибу муҳиб англа мени,  
Бу кун мени ёд этиб, унумта тонгла,  
Зинҳорки кўз тут ушбу кун тонгла мени.

199.

Шеъринг эшитур фикрини Бобур қилди.  
Не фикри хушу яхши тасаввур қилди,  
Кўзни ёруқ айлади саводи бирла,  
Мазмуни била қулоқни пурдур қилди.

200.

Хижрон ғамидин заиф жоним сүлди,  
Фурбат алами бирла ичим қон бўлди.  
Юз шукрки, мунча йилғи ғам бирла аlam,  
Роҳат била ишратқа мубаддал ўлди.

201.

Толеъ йўки жонимфа балолиг бўлди,  
Ҳар ишники айладим хатолиг бўлди.  
Ўз ерни қўйиб Ҳинд сори юзландим,  
Ё раб, нетайин, не юз қаролиг бўлди.

202.

Хусунгки сенинг, шухраи офок ўлди,  
Жон бирла кўнгул васлингта муштоқ ўлди.  
Ҳажринг аро интизор ҳаддин ошти,  
Кел ё мени иста, тоқатим тоқ ўлди.

203.

Идрокингу тобъу ҳушунгта банда бўлай,  
Овозу усулу жўшингта банда бўлай,  
Тақсим қилурда нақшларга абёт,  
Таъриб била ўқушингта банда бўлай.

204.

Бу чехраи зардимдин уёлсанг нетгай?  
Раҳмат назарини манга солсанг нетгай?  
Бир ишва била кўнгул бериб Бобурға,  
Бир бўса била кўнгулни олсанг нетгай?

205.

Гар сидқ била бир ўзга ошиқ бўлғай,  
Маъшук висоли анга лойик бўлғай,  
Пир олида топқуси муродин бетанг.  
Ҳар кимки агар муриди содик бўлғай.

206.

Ишқинг, нетай, ихтиёрсиз қилди мени,  
Сабримни олиб қарорсиз қилди мени,  
Оlam эли ичра орсиз қилди мени,  
Зуҳд аҳлиға эътиборсиз қилди мени.

207.

Ҳар вақтки кўргайсен менинг сўзумни,  
Сўзумни ўкуб соғингайсен ўзумни,  
Васлинг била кўнглумни худой айлаб шод  
Жамолинг ёрутти юзунг била кўзумни.

208.

Эгма қошу яхши парчамдур санга,  
Рост қаду зулфу пур ҳамдур санга,  
Чун бу янглиғдур санга хайлу ҳашам,  
Хўблуқ мулки мусалламдур санга.

## *Туюқлар*

1.

Васлидин сүз дерга йўқ ёро манга,  
Хажр аро раҳм айлагил, ёро, манга.  
Ўқунг этти кўп ямон ёро манга  
Марҳами лутфунг била ёро манга.

2.

Улки ҳар кўзи ғазоли Чиндуурп,  
Қошида пайваста онинг чиндуурп,  
Чунки кўп ёлғон ойтти ул манга,  
Гар десам ёлғончи они чиндуурп.

3.

Мени беҳол айлаган ёр ойдуурп,  
Ким онинг манга ёрайдуурп.  
Гар висоли бўлмаса, кетар ерим,  
Ё Хуросон, ё Хито, ё Ройдуурп.

4.

Ишқ ахли ишқдур дини то онинг,  
Кўп ямондур дарди ишқидин тонинг.  
Ҳар неча кўзум оч эрса кўз тўёр,  
Гар очилса симдек нозик танинг.

5.

Мехриким күкка қилур оңанг тонг,  
Олида бўлса эмас беранг тонг,  
Холиу икки лабидек бўлмағай  
Ҳинду ар келтурса шакар танг.

6.

Кел килай жонни нисоринг о, ёrim,  
Нақд жонни бору сендин оёrim.  
Бўса берсанг гар тъомом оғзинг била,  
Ганж оғзингддин олойин айёrim.

7.

Сен киби бир дилрабони билманам,  
Оишкি содиқки дерлар билманам.  
Қил тасаввур кўз ёшимни бир тенгиз,  
Ўзга ошиқ ашки янглиғ билма нам.

8.

То чиқарди хат узори покидин,  
Гул юзи озурда бўлди покийдин.  
Истар эрди эл бурун юз меҳр ила.  
Эмди ул юз меҳр кетти покидин.

9.

То кўнгул бердим ўшал қойсорига,  
Борғонини билмадим қой сорига,  
Дўстлар, ёрга мени согиндурунг  
Солсангиз ногоҳ қулоқ қой сорига.

## 10.

Шаҳ супурай остонинг юз ила,  
Тилингдин неча урай юз ила.  
Иккюозлук муддаодин не ғамим.  
Гар ишим тушса алардин юз ила.

## 11.

Не бало бийик туур давлат тоғи.  
Кўхи ғамни не билур давлаттаги,  
Ҳиммате тут, доги давлат истагил.  
Ҳимматинг бўлса бўлур давлат тоғе.

## 12.

Жонга солди даҳр ғурбат норини,  
Кўз ёшим бўлди муғулнинг норини,  
Бу ародада мен дегандек бўлмаса,  
Кўзлар Иссиг қўли андин норини.

## 13.

Қилмаса ул ой назар манга не тонг?  
Тенгри толеъ чун менга ёратмади,  
Ул кай ёрап эрди кўнглум дардига,  
Нетойин кўнглум учун ёротмади.

## 14.

Йўқтурур нозингдин озоре манга,  
Ноз агар килсанг манга матлубдур.  
Хоҳ кўрсат лутфу хоҳе жавр кил,  
Ҳар не воеъ бўлса сендин хўбдур.

## Қитғалар

1

Эй олорким бу Ҳинд кишваридин,  
Бордингиз англаб ўзга ранжу алам.

Кобулу хуш ҳавосини соғиниб,  
Ҳинддин гарм бордингиз ул дам.

Кўрдунгиз, топтингиз экин анда,  
Ишрату айш бирла нозу наъам.

Биз дағи ўлмадук биҳамдилиллоҳ,  
Гарчи кўп ранж эдию беҳад гам.

Ҳаззи нафсию машаққат баданий  
Сиздин ўтти ва ўтти биздин ҳам.

2

Даврон ғами била ситамини уннурур,  
Ул сабз чехра ёр хаёли уш аддавом.

Ҳижронда хаёл этай олман бу турфа ким,  
Васлида ҳам хаёл агар бўлса барча ҳом.

Васфида хомлиқ агар ўлса не гамдуур.  
Чун дафъ этар хаёли ғаму фуссани тамом.

Чун ёри розидор қилурмен сени хаёл,  
Асрар фош айламиз наҳору ассалом.

Бобур ниёзу мадхини еткургил, эй сабо,  
Ул шоҳзода Носири олижанобка.

Бул ойу йил фароғату хуш бошлиғ била,  
Бўлғунча моҳу сол ойу офтобка.

Хижрон чўлида жаҳд била пўйлар уруб,  
Истаб зилоли васли етиштим саробка.  
Чун хост мундок эрдики ҳажрингни чеккаймен,  
Бехост Рижоъат ила Мешон Андробка.

3

Эйки тарғиб қилурсен соғир ичмакка мени,  
Созу хонанда била соқию саҳбо борму?  
Бовужудики ўтубтур чоғир ичмак вақти,  
Мажлис асбобини билмонки муҳайё борму?

4

Ноумид бўлдум, эй Мўгул, сендин,  
То эшиттикимки: Андижон бординг.  
Ойғон сўзга келдим, аммо сен,  
Яхши келдинг демай, ямон бординг.

5

Қолмади хурмат ахли оламда,  
Олиму олам ахлидин юв илик.  
Бобур икки подшоҳлиғдин,  
Яхшироқ бу замонда бир беклик.

Муяссар ўлса агар ёр васли гурбатта,  
Ватанни не қилаю ўз диёр не керак?  
Юборди ёр манга ёдгор деб хатини,  
Манга ҳабиб керак, ёдгор нега керак?

Не суд андин пойи дар гиллигим,  
Чу ал дўстлардин ул ой юб эмиш.  
Ўзин форигу бизни қилғон асир,  
Ким эрмиш бу янглиғ ул Айюб эмиш.

Тамоми хусн эли соғу хушёр эканда,  
Дурушту тунд агар бўлсалар, билинки, еридур.  
Чоғир керакки, ичиб базм бўлса барча йигитлар,  
Чоғир кетур, бори хўблар чоғирга тушкулари дур.

Не қилайн сенинг била эй тил!  
Жиҳатингдин менинг ичим қондур.  
Неча яхши десанг бу ҳазл ила шеър,  
Бириси фаҳшу бириси ялғондур.  
Гар десанг қўймайин бу журм била.  
Жилвангни бу арсадин ёндуру.

Гар водийи ҳажринг аро бўлдум нокис,  
Айб айламаким, ҳодисаедур ҳодис.  
Қавми ажаби чоғирға килди тарғиб,  
Амри ажаби ҳажрга бўлди боис.

Ул сарвининг ҳаримиға гар етсанг, эй сабо,  
Бергил бу ҳажр хастасидин ёд кўнглига.  
Раҳм айлабон соғинмади Бобурни, бор энди:  
Солғай худой раҳимни Фўлод кўнглига.

Сарвийн тарз тақоми ҳамондек яхши ташкил манаси  
бўлган инсоннинг ишлари арти олди чоғиб ёд кўнглига  
бўйи бўлганни обидиган сарвийн тарз ташкил  
бўлди. Сарвийн тарз ташкилни ўзига

бўйи бўлганни обидиган сарвийн тарз ташкил  
бўйи бўлганни обидиган сарвийн тарз ташкил

Тарз ташкил, эй яго, умидоти манаси чоғи. Бирга керади  
бўйи бўлганни обидиган сарвийн тарз ташкил

Дарид сарвийн тарз ташкил, эй яго, умидоти манаси  
бўйи бўлганни обидиган сарвийн тарз ташкил

Ул сарвийн тарз ташкил, эй яго, умидоти манаси  
бўйи бўлганни обидиган сарвийн тарз ташкил

## *Муаммолар*

Эшигинг останыға қўюбон икки юзумни,  
Ўпай гоҳи тавозисъ бирла, суртай гоҳи кўзумни.

БОБУР

Ҳажри шоми сочи савдоси чекар ҳарён мени,  
Ваҳки, бу поёни йўқ тун қилди саргардон мени.

ШОХ

## *Фардлар*

1

Холимни санга айтиб ҳажр ўтига ўртандим,  
Эй ёр, ямон қилдим, ҳар неки дедим, ёндим.

2

Сан бўсасининг кўнглунг гар истаса андок бил,  
Сан бўса керак бўлса, сен бўса иноят қил.

3

Басе фироқида ичсам чоғир, йигим келадур,  
Манга чоғирни кетурмангки, аччиғим келадур.

4

Тутмагил, эй гул, равоким ишқинг ичра бир гариб,  
Ерга бош қўйғай хазон яфроғи янглиғ сарғариб.

5

Зуҳд саҳросиға туштум мен гариб йўлдин озиб,  
Бобури гумрахни эмди ким бу йўлға кўндируп?

6

Ул икки лаби рамзи дард ахлиға қилмайдур,  
Гул ғунчасидур, гўё, бизларга очилмайдур.

Бор ар чи боис юз шўру юз гуноҳ чоғир,  
Чоғир фирожи ҳалок этти мени оҳ чоғир!

Фирокингдин ёвуштум ўлгали эй ёр, келгайсен,  
Висолингга басе муштоқмен зинҳор келгайсен.

Ул пари рухсора ҳаргиз нотавонлиқ кўрмасун,  
Яхшидур яхши киши, ҳаргиз ямоňлик кўрмасун.

Сендин ойру наилагаймен айшу саҳбо хушлуғин,  
Ки сенинг учун тилармен барча дунё хушлуғин.

Сенинг учун ватаним кўху дашти бўлгусидур,  
Аннинг учунки, вафосиз ғизол кўрунасан.

Бормикин ҳеч нима оламда ҳижрондин ямон,  
Ҳарнеким ондин ямонроқдур, будур ондин ямон.

Ёр қадрин билмадим, то ёрдин ойрилмадим,  
Ёр қадри мунча ҳам душвор экандур билмадим.

14

Кўруб ҳижрон ғамин, жононға еттим,  
Агарчи ранж чектим, жинонға еттим.

15

Мени ҳижронда куйдурсанг сендин кўнгул совутмасмен,  
Агарчи сен унунтунг мени, сени мен унумтасмен.

16

Қовун бирла узумнинг хажрида кўнглумда ғам ҳар сў,  
Оқар сувнинг фирокидин кўзумдин ҳардам оқар сув.

17

Жаҳон элию жаҳон барча гар адам бўлса,  
Адам йўлини тутай зарра менда ғам бўлса.

18

Истарам етсам қуюндек гульузорим қошига,  
Олида туфроғ бўлуб, эврулсан онинг бошига.

19

Гарчи оламда висол айёми дилкашдур, ахий,  
То билингай васл қадри ҳажр ҳам хушдур, ахий.

20

Мехрибон соғинганим номеҳрибон эрмиш нетай?  
Яхшилиғ кўз тутғаним, асру ямон эрмиш нетай?

21

Неча ул ёр ёд этмай мени ағёр соғинғай,  
Не кун бўлғай мени дилхастани ул ёр соғинғай.

22

Бу дунёдин фараҳ йўқтур мени маҳзунга жононсиз  
Жаҳондин ким десун, биллоҳ, керакмас манга жононсиз.

23

Фироқинг ўлтуур охир мени дилхастани бешак,  
Мени ўлтур висолингда, не яъни андак ўлтурмак.

24

Дўйстлуқни гар тиларсен айласанг исбот қил,  
Суҳбатингға асрү кўп муштоқдурмен бот қил.

25

Хуш ул бурунки замонларки, ўттию борди,  
Хуш ул кишики замонларни яхши ўткарди.

26

Мурод васлинг эрур, айла ёд Бобурни,  
Унутмағил яна бу номурод Бобурни.

27

Кўзумнинг нурисен, кўнглум хузури,  
Таним хуррамлиғи, жоним сурори.

Сабзау гуллар била жаннат бўлур Кобул, баҳор,  
Хоса бу мавсумда борон ёзисию гулбаҳор.

Файриға неча ул ой вафо қилур,  
Неча жонима менинг жафо қилур.

Қади фурқати мени дуто қилур,  
Қоши ҳажри қоматимни ё қилур.

## *Маснавийлар*

### 1

Сабо, ул гул ҳаримиға гузар кил,  
Менинг ҳолимдан ул гулга хабар кил.

Саломим еткур ул ороми жонға,  
Яна мундок дегил ул дилситонға:

«Юзунгни күрсатиб күнглумни олдинг,  
Олиб күнглумни, күздин мени солдинг.

Дегил дилдорлиғ мундок бўлурму?  
Тарийки ёрлиғ мундок бўлурму?

Сени мундок тасаввур қилмас эрдим,  
Бу янглиғ раҳмсиз ҳам билмас эрдим.

Сени деб барча оламдин кечибмен.  
Рафиқу ёру ҳамдамдин кечибмен.

Замоне қилмадим сендин фароғат  
Вале бордур сенга мендин фароғат.

Мени ўзунгта ҳамдам эттинг,  
Ёно билмон нега номахрам эттинг.

Сўзингким Хизр суйидин нишондур  
Вале ул сув киби мендин ниҳондур.

Не, яъни мунча биздин сўз ёшурмоқ,  
Жафо ойинини ҳаддин ошурмоқ?

Бироннингким бирордик кўнгли қолур,  
Киши юз сўз бирла кўнглини олур.

Ажабким мендин, эй дилдор, тўйдунг,  
Менинг кўнглумни бир сўз бирла кўйдунг.

Узатма мунча ҳам, Бобур, сўзунгни,  
Бу сўзлар бирла хор этма ўзунгни.

Агарчи кўп сўзунг бор муҳтасар қил,  
Ул ойға сўзинг аслидин хабар қил.

Гар ул сўзким ёшурдунг ойтмассен,  
Бу янглиғ одатингдин қайтмассен.

Сенинг севмаслигингни жазм этармен,  
Бош олиб ўзга бир сори кетармен,

Агар ботроқ юбормассен жавобим,  
Бу хатдин ортуқ ўлур печу тобим».

2

Эй пайки сабо, қотимға келгил,  
Эшит бу сўзумни доғи билгил.

Елдек етиб ул қуёш қошиға,  
Қуюн киби эврулуб бошиға,

Юз ҳасрату иштиёқ бирла,  
Юз минг аламу фироқ бирла.

Мендин тобуғида бўйла арз эт,  
Бу хизматни ўзунгга фарз эт;

«К-эй подшахи вилояти хусн,  
Шонингда келибтур ояти хусн.

Сен хусн сарири подшоҳи,  
Мен ишқ факири додҳоҳи.

Ҳажру ғаминг этти зулму бедод,  
Эй жону жаҳон, фифону фарёд.

Ойрилғали, эй нигор, сендин,  
Ойрилди хушу қарор мендин.

Кўзумда агарчи йўқ жамолинг,  
Кўнглумда дурур вале хаёлинг.

Фикрим бу дурурки, санга етсам,  
Зикрим будуур, сўзунг эшитсам.

Бормади кўнгулдин ул сочу юз,  
Ёд эттим оларни кечакундуз.

Чун йўқ қошингга кетарга ҳаддим,  
Қошинг ғамидин эгилди қаддим.

Зулфунг гирихига бастадурмен,  
Кўзунг ҳавасида хастадурмен.

То оқ юзунг йироқ тушти,  
Икки кўзум ичра оқ тушти.

Оғзинг ҳамидинки танг дилмен,  
Ўлмай юрурам, не санг дилмен?

Лутф этки, хароб бўлди ҳолим,  
Раҳм айлаки, қолмади мажолим.

Хуш улки, юзингни ёна кўрсам,  
Ҳайрон боқибон юзингга турсам.

Ўпсам оёғинг кўйиб юзимни,  
Суртиб анга ҳар замон кўзимни.

Бўйнингға қўлум ҳамоийл этсам,  
Сарвингни ўзумга мойил этсам.

Гаҳ илгима ғабғабингни олсам,  
Гаҳ оғзима ул лабингни олсам.

Кўзумни кўтормасам кўзунгдин,  
Юзумни кўтормасам юзунгдин.

Гаҳ оғзимға тилингни олсам,  
Гаҳ оғзингға тилимни солсам.

Ҳосилки агар қошингға етсам,  
Кўнглум тилагинча ишрат этсам,

Юзунг яна кўрсам эрди, эй жон,  
Ўлсам доги қолмас эрди армон.

Юз мунча хаёллар қилурмен,  
Ёдинг била ҳоллар қилурмен.

Мен ушбу хаёллар била шод,  
Сен мени қилурсен ўзгача ёд.

Маҳжур кўнгулни шод қилмай,  
Яхши сўз бирла ёд қилмай.

Елғон сүз ила итоб этарсен,  
Юз қаҳр била хитоб этарсен.

Гар ёлғони бўлса зохир, эй дўст,  
Шарманда бўлурсен охир, эй дўст.

Эй ёр, сен айлама тасаввур  
Ким кўнгулни ўзга қилди Бобур.

Юз ҳур сифат қошимға келса,  
Юз тиги жафо бошимға келса,

Кўнглумда ҳануз ўшал вафодур,  
Бошимда даги ўшал ҳаводур.

Фикрим ўшалу хаёл ўшалдур,  
Дардим улу зори ҳол ўшалдур.

Гар мунда тараддуд этса ойим,  
Бу сўзда гувоҳ эрур худойим.

Ҳол ул эдиким ҳикоят этдим,  
Гоҳ шукру гаҳи шикоят эттим.

Ҳар неки кўнгулда эрди дедим,  
Эмди сендин будур умидим.

Ҳар ишта шитоб қилмагайсен,  
Бу тавр итоб қилмагайсен.

Қолғон кўнглумни олғасен бот,  
Олғон назарингни солғасен бот.

Гар яхшию гар ямон қилурсен,  
Дедим санга эмди сен билурсен.

То дахрдуур саломат ўлғил,  
Хушлуқ била то киёмат ўлғил.

Хушвақтлигинг мудом бўлсун,  
Давлат санга мустадом бўлсун.

3

Хотирим сахлар эсанг кел қўпгил,  
Бу сўзумни эшит, эй ел, қўпгил.

Аҳли дил олида суръат била ет,  
Санга ҳарнеки десам-сен арз эт.

Мушкилим олида тақрир этгил,  
Ҳолатим шарҳини бир-бир этгил.

Дегасен мұттақиду маъмулум,  
Равишу тавру сулуку йўлум.

Бордур андоқки аён айлабмен,  
Мен «Мубаййин»да баён айлабмен.

Бир анинг бирла иш очилмас эмиш,  
Дарди дил чорасини қилмас эмиш.

Нетайин, не қилайн дардим учун,  
Чора кимдин тилайн дардим учун?

Чора дардимға магар пир этгай,  
Чорасиз ишима тадбир этгай.

Найлайин муршиду нетай иршод,  
Қобилияят қанию истеъдод?

Мустаид бўлу қил ўзни қобил,  
Файзлар то санга бўлгай восил.

Сенда не саъю ўзингда не қабул,  
Не ишинг яхши, не сўзунг мақбул.

Не оёқим талабида юругай,  
Не кўнгулким ҳавасида чуругай.

Не анинг ишини қилмоққа илик,  
Не анинг гуноҳини билмакка билик.

Шаҳвату нафс гирифторисен,  
Дад била дев намудорисен.

Шаҳвату нафс қавий душмандур,  
Минг сенингдекни забун қилғондур.

Лаззати егулуку ичкулугунг,  
Хушийи кайфияту ичкулугунг.

Мазаи ашрибау ҳаззи яхоб,  
Ҳолату нашъаи маъжуну шароб.

Ҳурвашлар била ҳамдаст ўлмок,  
Майкаш эл бирла ичиб маст ўлмок...

Нашъаи субху сабухий нашъа,  
Майкаш эл қуввати руҳи нашъа.

Тунд раҳшингни миниб елдуруборн,  
Элга ўзни танитиб, билдуруборн.

Ҳукмунг ўлмоқ бори элга жорий,  
Сўзунг ўлмоқ бори ерда кори.

Табъинг мулки Хуросон бўлмок,  
Ҳинду Чин олмогинг осон бўлмок.

Қуллуқу хизматинг этмак йилу ой,  
Насли Жўжию уруғи Чифатой.

Борча ишга бўлубон дастрасинг,  
Келиб илгингга неким бор ҳавасинг.

Бори фонию бори ҳеч турур,  
Сени дунё боридин кечтуур.

Билмишам ҳарнеки қилдинг таҳрир,  
Фаҳм қилдим ғаразингни бир-бир.

Бу демактин, бу биликтин не суд,  
Талабеким қерак улдур нобуд.

Тенгри қилғайму экин турфа сабаб,  
Ҳосил ўлғайму экин ушбу талаб?

Тенгри тавфиқи магар ёр ўлғай,  
То киши ҳақни талағор ўлғай.

Тенгри тавфиқи дею тек турайин,  
Не қилай, чорани кимдин сўрайин?

Тут қулоқким, будурур таҳқики,  
Тенгрининг бўлмағунча тавфиқи.

Мумкин эрмас бўла олмоқ ҳеч иш,  
Нега қерак санга мунча пешиш!

Кирдигоро, манги тавфиқе бер,  
Юрумакка раҳи таҳқике бер.

Умр гафлат била ўткармишмен,  
Нафс буйруғи била бормишмен.

Нафс ёғисини мағлуб этгил,  
Ишларимни борини хүб этгил.

Бори ҳаздин мени осон ўткар,  
Ишларимни менинг осон буткар.

Гүшу ҳушумни сўзунг сори қил,  
Жону кўнглумни ўзунг сори қил,

Фамларинг бирла овут кўнглумни,  
Маърифат бирла ёрут кўнглумни.

Кўйма Бобурни бу ҳолат бирла,  
Они ўлтурмә батолат бирла.

Бир кишини анга фамхор этгил,  
Химматин бадракау ёр этгил.

Токи дардиға даво еткургай,  
Тортибон они сенго еткургай.

4

Хотиримни тилар эсанг, кел кўпқил,  
Бу сўзимни эшиттгил, эй ел, кўпқил.

Ул парининг ҳаримиға гузар эт,  
Мени девона ҳолидин хабар эт.

Дегил аввал анга саломимни,  
Яна арз айла бу паёмимни,

Ким санга номалар равон қилдим,  
Холатимни барин баён қилдим.

Сени дедим умид ила, эй ёр,  
Ким олиб кўнглум ўлғасен дилдор.

Йўқким кўнглумга жавр қилғайсен,  
Ёрлигни бу тавр қилғайсен.

Ким эмас эрди ёр оламда,  
Ҳар тараф ёр бор оламда.

Боридин сени ихтиёр эттим,  
Жонни ишқингда бекарор эттим.

Гарчи кўп фурқатингда қон ютдум,  
Лек доим висола кўз туттум.

Билмадимким, фироқ кўргаймен,  
Меҳнату иштиёқ кўргаймен.

Номалар ёздим изтироб била,  
Сарфароз этмадинг жавоб била.

Мунча чоғлиқ ниёз зохир этиб,  
Мунча сўзу гудоз зохир этиб.

Бўлмади, эй нигор, нозингким,  
Не килай элдин эҳтирозингким.

Фаму дарду алам била тўлдум,  
Охирул-амр ноумид бўлдум.

Ноумид ўлуб-ўлтурууб эрдим,  
Мутаҳайир бўлуб турууб эрдим.

Ким яна нома бирла ёд эттинг,  
Қайгуулук хотиримни шод эттинг.

Қўйубон бошға бекарор ўлдум,  
Яна боштин умидвор ўлдум.

Лутфлар айладинг, vale бесуд,  
Эмдиким васл ишидуур нобуд.

Эй жафожўй, мундоғинг бор эмиш,  
Кўнглунг, эй ёр, мунча имшор эмиш.

Не бало, бердинг интизор манга,  
Кўп жафо қилдинг, эй нигор, манга.

Бу кулунг, санга чун керак эрди,  
Бу иноят бурун керак эрди.

Эмдиким ваъдаи вафо қилдинг,  
Мени ўзунгта ошно қилдинг.

Ҳеч билмонки, чинмудур бу сўзинг,  
Яхшилигқа яқинмудуур бу сўзунг?

Ё бу ҳам ишвау фирибмудур?  
Дўстлукта булар хисебмудур?

Ёрлигни агар қилур бўлсанг,  
Ёрлиг таврини билур бўлсанг,

Аҳду қавлинг дуруст маҳкам кил,  
Ваъда чун айладинг, вафо ҳам кил.

Чун бу дам васл иши, йироқдуур,  
Кўнглумиз хастаи фироқдуур.

Хар қачон васл иши ёвуқлашса,  
Фаму хижрон чериги тарқашса,

Ёнмогил айтқан ҳадисингдин,  
Тонмагил айтқан ҳадисингдин.

Шодмон қил мени висол била,  
Ихтилот эт бу хастағол била.

Банда Бобурни муҳтарам қилғил,  
Маҳрам эт васлингға, карам қилғил.

Санга күнглумдагин дедим, эй ёр,  
Эмди сендин жавоб умидим бор.

Хат жавобиға йўлда бўлди кўзум,  
Вассалом, эмди хатм бўлди сўзум.

Эй, сабо, елмакни қўйғил, ҳатм қил,  
Сарвинозим куйи сори азм қил,

Ел киби ет сарвинозим қошиға,  
Ҳам қуюндеқ эврул онинг бошиға.

Бош қўюб ерга ниёзим арз қил,  
Сўрса ҳолим сарвинозим арз қил.

Ойтқил ул ҳусн мулки хонига,  
Демайин хон, балки жонлар жонига

Кўрмайин юзунгни бемор ўлмишам,  
Фойибона ошиқи зор ўлмишам.

Ҳеч билмонким, билурсен, эй нигор,  
Ким неча йилдур чекармен интизор.

Бир доғи ёд этмадинг бу неча йил,  
Хотирим шод этмадинг бу неча йил.

Бахра күрмай висолингдин даме,  
Холи йўқ эрдим хаёлингдин даме.

Фикринг эрди дўстдору ҳамдамим,  
Ёдинг эрди ғамгусору маҳрамим.

Зарра, эй ой, қилмадинг парво манга,  
Не бало кўрсаттинг истиғно манга!

Қилмадинг бир зарра истиғнони кам.  
Бу на истиғнодурур, эй жоно кам.

Сен бу янглиғ масти ҳуснунг жомидин,  
Мен мунингдек ойру васлинг комидин.

Нечаким қилдим вафо, кўрдум жафо,  
Нечаким кўрдум жафо, қилдум вафо.

Ёвушуб эрдимки навмид ўлғамен,  
Ишиқдин бегона жовид ўлғамен.

Ишиқ раҳу расмини унутқамен,  
Зуҳд тавру шевасини тутқамен,

Ким анинг ногоҳ келди қосиде,  
Ёрдин огоҳ келди қосиде.

Васлдин бир мужда берди ул манга,  
Жондин ортуқ мужда эрди ул манга.

Васфини нечук қилай бу мужданинг,  
Чинини қандин билай бу мужданинг.

Бўлса чин бир нома келмасму эди,  
Бир насими лутф елмасму эди?

Қўйғил, эй қосид, булар ёлғондуур,  
Мехру хусн аҳли бу не имкондуур.

Мен кўрубмен хублар жаврини кўп,  
Мен билурмен хублар таврини хуб.

Гар сўзунг чиндур яна билмак керак,  
Ёрдин бир хат олиб келмак керак.

Етгил аввал хизматига ёрнинг,  
Бўйла арз эт ҳазратига ёрнинг:

«Яхши пайғомингни еткурди расул,  
Лутфу икромингни еткурди расул.

Гарчи қилдинг лутф, эй дилбар, манга,  
Келмади лекин булар ёвар манга.

Ҳажр ўтиға неча ёнсун бу кўнгул,  
Андоқ айтгилким, инонсун бу кўнгул.

Гар вафо қилмоқ хаёлинг бордуур,  
Қўй жафониким, кўнгул музтардуур.

Бир иноятнома бирла ёд қил,  
Қил иноят, хотиримни шод қил.

Ё мени қошингға еткур, қил қарам,  
Ё қошимға кел, кўзумга бос қадам.

Ҳар неким кўнглунгта келса, эй пари,  
Ул иноятномада ёзғил бари.

Гар сенинг васлинг умиди бўлмаса,  
Васлингга етмак навиди бўлмаса.

Ўзга бўлмас, ўзни билмаклик манга,  
Балки мушкилдур тирилмаклик манга.

Васл ила фарсуда жисмим зинда кил,  
Лутф ила Бобур боштин банда қил.

Хат жавобига чекармен интизор,  
Бот жавобини йиборгил, эй нигор.

Ҳар не кўнглумда эди дедим тамом,  
Хатм бўлди сўзим, эмди вассалом.

5

Бир кеча хотирим мушавваш эди,  
Кўзда сув, кўнглум ичра оташ эди.

Даҳр ишидин фифон қилур эрдим,  
Хотиримни ямон қилур эрдим.

Ҳар замон даҳрни хитоб қилиб,  
Ўлтуруб, гаҳ қўпуб, шитоб қилиб,

Дер эдим: «Эй вафоси йўқ золим,  
Зулмдин етти ўлгали ҳолим.

Зулмдин ўзга ишни билмайсен,  
Мени мискинга раҳм қилмайсен.

Гар мен ўлтургулукмен, ўлтургил,  
Йўқ эса сўргулук эсам, сўргил.

Хар нечук тавр қил, бу жавр этма,  
Хар нечук жавр қил, бу тавр этма.

Йўқ эди ҳеч ишим сенинг бирла,  
Нейинг бор, эй дахри дун, менинг бирла.

Кунжи узлатта рў қилиб эрдим,  
Фаму меҳнатта хў қилиб эрдим.

Эй хуш улким, жамии ҳамдамдин,  
Дема ҳамдамки, жумла оламдин.

Фориғ эрдим, қаноатим бор эди,  
Қонеъ эрдим, фароғатим бор эди.

Гўшае ихтиёр қилғон эдим,  
Faфлат уйқусидин ойилғон эдим.

Яна юз ишвау фириб била,  
Ҳеч билмонки не ҳисиб била.

Давлат ўтрусиға мени солдинг,  
Faфлат уйқусиға мени солдинг.

Бори аҳбобни қилиб масрур,  
Бори аъзони айладинг макхур.

Ато тахтида фориғ ўлтурдим,  
Бал, отам кўрмаганни мен кўрдум.

Олти ой ичра олти тахт олдим,  
Етти иқлима балки кўз солдим.

Дедим, эмди муродима еттим,  
Билмадимки ғалат хаёл эттим.

Ишрату айш вақти етган чоғ,  
Мехнату ғусса оти йитган чоғ,

Яна маҳруми хонумон қилдинг,  
Яна овораи жаҳон қилдинг.

Дарду ғамни манга аниш эттинг,  
Мехнату ранжни жалис эттинг.

Айш ила ишратимдин ойрилдим.  
Давлату иззатимдин ойрилдим.

Давлату тахту иззу жоҳ қани?  
Ҳамдаму, ҳамнишиналар, оҳ, қани?

Борди ул айшу комронлиғлар,  
Эмди ким кўрса ҳолатим, йиғлар.

Кўрсатиб давлат йитмагинг на эди,  
Ерга урдунг, кўтартмагинг на эди?

Бу нечук зулмдур ниҳояти йўқ,  
Бу на янглиғ ситамки фояти йўқ?

Даҳрга не вафодуру не раҳм,  
Даҳр кўп бевафодуру бераҳм.

Йўқтуур мекри ҳеч кишига онинг,  
Эътимод этма ҳеч ишига онинг.

Гоҳ қуфр аҳлини мусаллат этар,  
Аҳли диннинг ишини мунҳат этар.

Гоҳ бир қулни подшоҳ қилур,  
Шоҳни банда гоҳ-гоҳ қилур.

Гоҳ жоҳилни сарбаланд айлар,  
Гоҳ окилни пойбанд айлар.

Жону кўнглида жуз жаҳолат йўқ,  
Хеч ишида онинг адолат йўқ.

Не вафо қилғанини билса бўлур,  
Не жафосига сабр қилса бўлур.

Не қилай, не кишидин истай дод?  
Кимга дахр илгидин қилай фарёд?

Дахри дундин шикоятим кўптур,  
Дахр злидин хикоятим кўптур.

Ушбу ҳолатта нотавон кўнглум,  
Фуссадин топмогон амон кўнглум.

Ўз қатиқ ҳолатига йиғлар эди,  
Кўз қатиқ ҳолатига йиғлар эди.

Келди бошимга субҳидам охир,  
Меҳрдин урди субҳ дам охир.

Мени уз деди меҳрибонлиғдин,  
Неча сўз деди меҳрибонлиғдин,

Манга сўзларки тонг бу тун қотти,  
Жонима ўқлар эрди тонг отди.

Субҳи содиклиғи чу зохир эди,  
Нафаси субҳнинг муассар эди.

К-эй фалони, бу не разолаттур?  
Не жаҳолаттуру не ҳолаттур?

Неча дунё ғамидин этмаклик,  
Кўп сўз онинг учун эшитмаклик.

Арзимас ғам емакка бу дунё,  
Бал отин ҳам демакка бу дунё.

Тамаъ узгил бу эски дунёдин,  
Хотирингдин чиқар бу дун ёдин.

Давлат учун кўнгулни зор этма,  
Иzzат учун ўзунгни хор этма.

Кўз очиб боккуча сафо йўқ анга,  
Кўз юмууб очкуча бақо йўқ анга.

Даҳрдин кимга бўлса мултамаси,  
Беш эмас орзу била ҳаваси.

Нафснинг касбидур ҳавоу ҳавас,  
Рух олидадур булар ярамас.

Нафс душман дурур яқин билгил,  
Дўстум, бу сўзумни чин билгил.

Душманедур агарчи ўтру эмас,  
Лек бир лаҳза сендин ойру эмас.

Гарчи зоҳирда тўғридектур нафс,  
Жисминг уйида ўғридекдур нафс.

Бурноғилар сўзин назар қилғил,  
Уйнинг ўғрисидин ҳазар қилғил.

Нафс тавсанини ром қил ўзунгга,  
Қодир ўл ҳарна сўз десанг сўзунгга.

Неча нафс илгига забун бўлмок,  
Суҳраи зумраи жунун бўлмок.

Не десанг нафснинг ризоси била,  
Неки қилсанг онинг ҳавоси била,

Фисқ қилмоқдин ўзга фикринг йўқ,  
Фаҳш демакдин ўзга зикринг йўқ.

Ўйла разлу лаванд ўлубсенким,  
Халқ аро решханд ўлубсенким,

Ҳар замон бир лаванд масхарае,  
Маъсият дудидин юзи қарае.

Ўзни ёндоштуруб ўзунг бирла.  
Сўзни чирмаштуруб сўзунг бирла

Они ўзунгга сен билиб ҳамдам,  
Они сўзунгга сен килиб маҳрам,

Қилғасиз ҳалкни туман гийбат,  
Дегасиз отингизни хушсуҳбат.

Ҳар ямон бор ёр қилгайсиз,  
Ҳар ямонлиғки бор қилгайсиз.

Ногаҳон бир жавон гузор айлаб,  
Олида ўзни бекарор айлаб,

Ҳар йигитким кўрунса ҳол қилиб,  
Кейинида юз туман хаёл қилиб,

Бу не умру бу не балолигдур?  
Бу не тавру не юз қаролигдур?

Йўқтуур ҳеч эътимод санга,  
Тенгридин йўқмудур умид санга?

Лодалиғ бирла умрум ўтти нетай?  
Кай сорига бу умр бирла кетай?

Умр ғафлатта ўткариб борасен,  
Эй йигит, воқиф ўл қариб борасен,

Ҳақ таоло нега яратти сени?  
Одамийлар сонига қотти сени,

Ким ўзунг бирла фикр қилғайсен,  
Ғафлат уйкусидин ойилғайсен.

Билгасен жаҳд ила бори сифатин,  
Қилғасен дарк tengri маърифатин.

Рост қилғайсен эътиқодингни,  
Билгасен мабдау маодингни.

Жисмингга заъф эса жоним садақа  
Жонингга икки жаҳоним садақа,

Кўзунгга бу тани бемор фидо,  
Белингга бу бадани зор фидо.

Сенсизин жисм била жонни нетай?  
Дард сендин эса дармонни нетай!

Манга сенсен бу жаҳондин мақсад,  
Не жаҳон, жисм ила жондин мақсад.

Қоматинг янглиғ узун ёш топғил,  
Умру хуснунг киби дилкаш топғил.

Қосидинг келди — сафо келтурди,  
Хабари меҳру вафо келтурди.

Номани манга равон айлабсен,  
Жони йўқ жисмима жон айлабсен.

Кўрубон номани ўздин бордим,  
Ўқубон сўзини, сўздин бордим.

Кўргач — ўқ кўзума суртуб ўптум,  
Ўпгач — ўқ бошима кўюб кўптум.

Барча мазмуни онинг хуб эрди,  
Бори лафзи дағи марғуб эрди.

Ёрда меҳру вафо бор эрмиш,  
Лиллаҳил-ҳамд, вафодар эрмиш.

Туну кун фикр хаёлим бу дуур,  
Оюйил тавриму ҳолим бу дуур.

Ҳажрнинг кулбасидин кетгаймен,  
Васл кошонасиға етгаймен.

Васлингга тенгри мени еткурса,  
Лутф этиб манга сени еткурса,

Етгач — ўқ эврулойин бошингдин,  
Фойиб ўлмай нафасе қошингдин,

Мен демасменки, дудоғини ўпай,  
Гар илик берса, оёғини ўпай.

Бир замон холи эмон фикрингдин,  
Бир нафас ғофил эмон зикрингдин.

Гар десам жисм ила жондин сен-сен,  
Фаразим икки жаҳондин сен-сен.

Ой юзунг йўқда қаро кун бўлсун,  
Еру кўқ остину устун бўлсун.

Ҳар не кўнглумда эди мен дедим,  
Эмди сендин бу дуур умидим,

Мехрнинг расмини унутмағайсен,  
Бевафолик йўлини тутмағайсен,

Бурногидек мени ёд этгайсен,  
Хотири хастани шод этгайсен.

Файри ихлосу дуо бирла салом —  
Не дейин ўзга, сўзум бўлди тамом.

Неча исён била олудалиғинг,  
Неча ҳирмон аро осудалиғинг,

Нече нафсингға бўлурсан тобеъ,  
Нече умрунгни қилурсен зоеъ.

Нияти ғазв илаким юрубсен,  
Үлмагингни ўзунита кўрубсен.

Кимки ўлмак ўзига жазм этар,  
Ушбу ҳолатта билурсенки нетар.

Дур этар барча маноҳидин ўзин,  
Аритур жумла гуноҳидин ўзин.

Хуш килиб ўзни бу кечмакликдин,  
Тавба қилдим чогир ичмакликдин.

Олтуну нуқра суроҳио аёf,  
Мажлис олоти тамомин ул чоғ

Ҳозир айлаб борини синдурдум,  
Тарқ этиб майни кўнгул тиндурдум.

Қаросин ёғининг кўрубтурлар,  
Дангу хайрон бокиб турубтурлар.

Мен этиб тез ул сори юрудум.  
Юриюр деб илгари юрудум.

Ғаразим элни тез қилмоқ эди,  
Ёғи бирла ситеz қилмоқ эди.

Тез этиб элни, торттим ўзни,  
Ҳеч ким ҳам эшифтади сўзни.

Йўқ эди жайбау кижиму ярок.  
Менда бор эди минг ўку садок.

Турдум эрса тамом эл турди,  
Ёғи гўё буларни ўлтурди.

Сенки навкар қилурсен онинг учун,  
Ёрагай бир маҳалда жонинг учун.

Йўқки навкар туриб беги юргай,  
Навкар осудаю беги чуругай.

Навкариким, бу тавр дур не ошик,  
Не ишингки яарни ошқа қатик.

Охир от солдим илгари юрудум.  
Сурубон тоғқа юкори юрудум.

Мени кўруб юруди эл доғи,  
Қолди элдин кейинга қур қари.

Етибон тез тоғқа тармаштук,  
Ўқига боқмайин юруб оштук.

Гахи оттин тушуб, гахи отлик,  
Юрубон илгариға жар атлик.

Ёғи ҳам тоғдин ўқ қўяр эди,  
Зўр кўргач, салиб юру берди.

Токқа чиқтук не қавлаб,  
Кирқ кўлда кийик киби овлаб.

Дариғо нени кийикдек отқуладик,  
Талабон молу қўйини буладук.

Эр атоғлиқни дастгир эттук,  
Ахлу авлодини асир эттук.

## «Мубаййин» рисоласидан

Тарих 928 да мендаги Имом Абу Ҳанифа мазҳабида тенгри тавфиқи била бир фқиҳа назм қилдим: «Мубаййин» ға мавсум китоб назмининг сабабини мундоқ дейилибтур:

Билгайсен эй хужаста пай фарзанд,  
Жигарим била жонима пайванд.

Масалаларки, ул зарур эрди,  
Билмасанг динингга қусур эрди.

Етти кўнглумгаким йигиштирсам,  
Назм тартибида сигиштирсам.

То ани забт қилгайсен осон,  
Ул масойилни билгайсен ясон.

Тонглалик кунда ким ҳисоб ўлғай,  
Манга ажру санга савоб ўлғай.

Ушбу ниятки мен килиб турмен,  
Ул масоилки, мен билибтурмен.

Жамъида саъю ихтимом қилай,  
Сенинг отингта тамом қилай.

Беабақо дунё иши саҳлдуур,  
Дин ишин килғай улки ахлдуур.

Дину дониша ҳар күн афзун бўл,  
Давлату баҳт ила Ҳумоюн бўл.

Комрон бўл жаҳонда давлат кўр,  
Юз туман обрўю иззат кўр.

Чун бу мухтасар сафарда баёзға борди ул  
Муносабат била сафар масойилини битилди:

\* \* \*

Чун киши қасди музайъ қилса,  
Мақсадининг масофатин билса.

Уч туну кунлик ўлса ушбу, вале  
Дер сафар муддати шариъат эли.

Бу марҳалада шаръи мухтори,  
Теванинг бўлди ўрттар рафтари.

Бўлса боғ йўлию пиёда киши.  
Анга лойик керак туур юруши.

Сувда гар кемадур агар гайри,  
Мұтабардур онинг васати сайри.

Гар яғоч бирла истасанг мұқояс,  
Ўн секкиз йилки деди шаръ шкос.

Ҳар яғоч билки бордур уч йил,  
Бурунроқ мил айтилиб эди бил.

Чиқса гар ният сафар этибон,  
Ватанининг саводидин ўтубон.

Ул замон бил мусофири ул кишини,  
Сафарона килур бори ишини.

Бил мусофирига не дурур аҳком,  
Тут қулоқ барчасин қиласай эълом.

Бири буким намоз қусри етар,  
Тўрт ракаъат фарз икки ўтар.

Гар қазо бўлса бу намоз,  
Ул қазони доғи муайян ўтар.

Лек суннатларини де, эй ёр,  
Қилуру қилмасга сен мұйтор.

Билингиз ушбу сўзни эй уламо,  
Йўл юрмаста қилсангиз авло.

Рамазон рўзасига сен мухтор,  
Гар тутар, тутма ихтиёринг бор.

Лек аввалиси рўза тутмоқтур,  
Нафснинг лаззатин унутмоқтур.

Рўза еган киши қазо қилсун,  
Бирга бир рўзасин адo қилсун.

Яна бир ким мусофирики билур,  
Уч туну кун ўгукка масх қилур.

Етса гар мақсадига бу сафар,  
Оти бўлди муқим шаръ дер.

Йўқса ўн беш кеча била кундуз,  
Турмогин, ният этса будур сўз.

Ушбу турмокка лек шахре керак,  
Бўлмаса шахре бўлса кенту кесак.

Ул кишининг муким ўлур номи,  
Кетар ондин мусофир аҳкоми.

Ёзида ният иқомат ила,  
Эл муким ўлмагай бу ният ила.

Магар ўлғай ёзида эл,  
Ҳаймау олачук била юрур эл.

Андаким черик эли вақедур,  
Подшоҳ ниятига тождур.

Гар мусофири бор муким имом,  
Ният керак кутур анда тамом.

Гар мусофири имом бўлса нетар,  
Муқтидо сўнгра икки ракат ўтар...

## КУТОБУЗ — ЗАКОТ

(Закот китоби)

Бил учунчи фарз бўлди закот,  
Анда дер сўзни айтайин санга бот.

Андаким ушбу фарз эди мастур,  
Иститоат бўлуб эди мазкур.

Кимки ул молики нисоб ўлғай,  
Анга бу фарздин хисоб ўлғай.

Иститоат недур, эшит мундок,  
Бордур ул молики нисоб ўлмок.

Ул нимаким, закот ўлур андин,  
Шаръ анга ҳад қилибтуур таъйин.

Ул нималарни сен қилурда хисоб,  
Хаддиға етса шаръ деди нисоб.

## ЗАКОТ ШАРОИТИНИНГ БАЁНИ

Бовужуди бу билгасен, эй ёр,  
Бермакида анинг шароити бор.

Бўлди бир шарт йил тамом ўтари,  
Ушбу йил билки бордур камарий.

Керак асли нисоб сен билгил,  
Йил бошида, оёғида комил.

Йил аро бўлса мол нуқсони,  
Демагил монеъи закот они.

Яна ҳуррият ўлди шарт анда,  
Билки, бермас закотни бандা.

Беги кул молига закот берур,  
Рухсат ар берса, бергу қулға эрур.

Бермаса гар муни беку банда,  
Бегининг зиммасигадур анда,

Яна бир буки, бўлмағай анга қарз,  
То закот ўлғай ул маҳал анга фарз.

Онча чоғлиқ керак бу қарз ўлғон,  
Бўлгой онинг нисобига нуқсон.

Яна бир шарт мулки томдуур,  
Бил нечук молга бу номдуур.

Мен санга дей, эшигил, эй ҳамдам,  
Бүлгөй ул мулк — бүлгөй илгига ҳам.

Бүлса гар мулку бүлмаса илгига,  
Шаръ ахли на дер масойилида.

Бүлса илгига кирмаги душвор,  
Дер бу мулкини ахли шаръ зимор.

Мисл мулкики бүлса йүк бүлғон,  
Ё дафина эса унтуулғон.

Ё бирөв зиммасида қарзинг бор,  
Қарздоринг vale эмас икрор.

Йүк гувоҳингки они олғайсен,  
Ушбу молингни илкға согайсен.

Яна моли вадиату мағсуб,  
Элдадур мулк эмас бу, билгил хуб.

Йүктүрүр ушбу икки шикда закот,  
Хар ики жамъ бүлса бергил бот.

Яна фозил керактуур үл хин,  
Ушбу мол эҳтиёж аслидин.

Масалан, ул кумуш била олтун,  
Харжи йүк бор хазина килмоқ учун.

Яна ул қўйу ўйу теватуур,  
Ким қўйибсен булар чарода юрур.

Ер учун, қүш учун, юк учун әмас,  
Ким юрурлар булар чародай бас.

Йилқи отинг гар бўлса, эй ҳамдам,  
Минмасанг, боргир бўлмаса ҳам,

Шаръ эли ушбуларни «соима» дер,  
Ким чарода юруб, ёзи ўт ер.

Гар ярим йилдин ортуқ ўтласалар,  
Ушбулардин закот бермоқ бор.

Хожатингдин буларни фозил бил,  
Ушбуларнинг закотини бергил.

## ЗАКОТ МОЛЛАРИНИНГ БАЁНИ

Тўрт қисм ўлди барча моли закот,  
Тут қулоқ дей, бариға бир-бир от.

Бири нақдина, бир савойим бил,  
Яна моли тижорат эшиттил.

Яна ердин чиқар закотин бер,  
Билки, шаръ ахли сўз буларда не дер.

## НАҚДИНА БАЁНИ

Билки, нақдина бор тиллоу кумуш,  
Ойтай алар нисобини тут гўш.

Бўлса мисқол бирла олтундин,  
Бил, нисоби йигирмадур мундин.

Юз чу бўлди бу вазн бил, эй ёр,  
Муни олтунда дейдилар дийнор.

Бер закотин мунунг ярим мисқол,  
Ушринг рубъи бўлди, бу ёд ол,

Ортса гар йигирмадин молинг,  
Тўрт бўлғунча ушбуудур ҳолинг.

Сен кумушнинг нисобин, эй сўзи туз.  
Бил, дирам бирла бортурур ики юз.

Етти мисқол бўлди ўн дирами,  
Ушбуудур сўзки айладим қаламий.

Рубъи ушрин ҳисоб агар қилсанг,  
Беш бўлур гар хисобини билсанг.

Бир бўлуш яна қирқ бўлгунча,  
Бергулук бўл бу қирқ тўлғунча,

Қирқ агар бўлса, рубъи ушрин бер,  
Қирқнинг рубъи ушрини бир дер.

Сенда олтун, кумуш хисобидин,  
Кам эса иккиси нисобидин.

Ҳар ики қийматин жамъ қилиб,  
Бер закотини ушбу сўзни билиб.

Ҳар иккисини жамъ қилсанг ҳам.  
Гар нисобидин бўлса кам ул дам.

Бўлса моли тижоратинг анга қот,  
Бер нисобига гар етушса закот.

Гар ҳуло нукрадин, гар олтундин,  
Бўлса бергил закот ушмундин.

## САВОЙИМ БАЁНИ

Бу савойимки мен дедим ёнгла,  
Кўю ўйу тевадурур онгла.

Ушбу уч гар нисобига етушур,  
Бер булардин закот бу дастур.

Кўй агар сенда бўлса ҳисоб,  
Қирққача гар етушса бўлди нисоб.

Қирқ қўйдин закот бир қўй дер,  
Юз йигирма бир ўлгунча муни бер.

Юз йигирма бир ўлса иккени бер,  
Икки юз ўлса уч бер, дер.

Тўрт юз бўлғунча будур беришинг,  
Тўрт юз бўлса билки недур ишинг.

Ўзга ҳар юзга бергулук бирдур,  
Мингдан ўн бўлғуси бу зохирдур.

Эчкунинг ҳукми доғи қўйдек бил,  
Кўйдек онинг закотин бергил.

Билки, ўйнинг нисоби ўттуздур,  
Етса ўттузға анда бу сўздур.

Бир яшар ўй мунинг закотин бил,  
Қирқ бўлғунча ушбу бир бергил.

Бер бир ўй кирк бўлса ўйунга сон,  
Бўлгой уч ёшига оёқ қўйғон.

Олтмишга ўйинг етушса не дер,  
Икки ўй яшар закотин бер.

Яна хар қирк бўлса, ё ўттуз,  
Билки ушбу дегон кибидур сўз.

Теванинг бешдуурүп нисоби, дер,  
Беш теванинг закоти бир қўй бер.

Ўндин икки-ю, учдур ўн бешдин,  
Тўртни бер йигирмадин ул ҳин.

Бир тева бер йигирма беш эса бок,  
Ики ёшига кўйғон ўлгой оёқ.

Тева гар ўттуз олти бўлса не дер,  
Бир тева уч ёшига кирган, бер.

Бер, чу қирк олти бўлса тевага сон,  
Бир тева тўртта оёқ қўйғон.

Олтмиш бирда бир тева бергил,  
Бешга кирган ўлгой ул тева бил.

Етмиш олтида икки бер, андок  
Кўйғон ўлгойлар уч ёшига оёқ.

Яна тўқсон бир ўлса тевага сон.  
Икки бер, тўрт ёшига киргон.

Бу тевалар керакки бўлса тиши,  
Будуурүп мунда шаръ эли дейиши.

Ушбуудур юз йигирмағача бериш,  
Яна андин кейин недур иш.

Бошла боштин ҳисоб сүнг мундин,  
Бешдин бир қўй, икки бер ўндин.

Ушбу деғон киби ҳисоб килиб,  
Бер закотин бу масъалани билиб.

От закотини айтайин, ёд ол,  
Бергил олтундин анга бир мисқол.

Йўқ эса, отларингни қиймат қил,  
Қирқдин бир закотини бергил.

Бўлса моли закот ҳар кимдин,  
Мутавассит берур савойимдин.

Йўқса аъло бериб зиёдасин ол,  
Поя берсанг, камини бер дарҳол.

Қийматини берай десанг ҳам бер,  
Шаръ мунда сени мухайяр дер.

Етмағон бўлса сойима ёшиға,  
Йўқ закот ул маҳал алар бошиға

Гар булар бирла бор улуғ ул дам,  
Санамоққа керак кичиклар ҳам.

Бир эса қирқда улуғ масало,  
Бер улуғнию, қил закот адо.

## ТИЖОРАТ АМВОЛИНИНГ БАЁНИ

Бор учунчи тиженрат амволи,  
Тут қулоқ санга шарҳ этай ҳоли.

Ҳар не андин ғараз тиженратдур,  
Жавҳару хоҳ раҳту хоҳ отдур.

Бер закотини мулк ўлур фурсат,  
Гар тиженратга айласанг ният.

Қийматини буларнинг айла хисоб  
Олтуну ё кумушча бўлса нисоб.

Бергил олтун, кумуш ҳисоби била,  
Тенгдуур ушбулар нисоби била.

Кумуш, олтунда вазн айт жавоб,  
Мунда мазруба бирла айла хисоб.

Мустафод ўлса эл аросида мол,  
Билки, тожирға анда недур ҳол.

Қўшсун ўз жинсини ул афзунға,  
Тевага тева, олтун олтунға.

Йил аёғида суду моя саноб,  
Икисига десун закот жавоб.

Суд учун сойима гар олдинг, бил,  
Сен тиженрат закотини бергил.

Нимани суд учун олур эрсанг,  
Олиб они ижораға берсанг.

Ёхуд ўзунға ҳар нима олдинг,  
Суд қилса, сотарға кўз солдинг.

Е кироя учун гар олдинг улоғ,  
Е тижоратга мазраа, ё боғ.

Ушбуларким дедим бирин-бирин от,  
Билки, вожиб эмас буларда закот.

Үтган ўлса закот молига йил,  
Бермаган бўлсанг, ар закотини, бил.

Гар ҳалок ўлса ушбу вақт нисоб,  
Бил недур ушбу масъалаға жавоб.

Гар тамомий ҳалок бўлса, закот,  
Соқит ўлгой тамом ул авқот.

Баъзи андин агар ҳалок бўлур,  
Соқит ул баъзининг закотини кўр.

Кофири зиммий бўлса гар тожир,  
Бисту як молидин олур ошири.

Кофири ҳарбий ўлса гар тужжор,  
Мен сенга дейки, анда не сўз бор.

Ҳар нима тожири мусулмондин,  
Куфр эли олса, сен ҳам ол ондин.

Гар тамом олса молини куффор,  
Ул тарийқ олмасун мусулмонлор.

Онга ончи қўйингки чун кетгай,  
Маъманига озук килиб етгай.

Гар алар олғони эмас зоҳир,  
Ушни олсун ул замон ошири.

## ЗАКОТ ФАРОЙИЗИННИНГ БАЁНИ

Бил, адосида бўлди ният фарз,  
Ният авқотини қиласай санга арз.

Бири молини ойируп чоғдур,  
Масрифиға яна берур чоғдур.

Масрифиға берур маҳалда бу мол,  
Қилмасанг ният анда будур хол.

Қилмағон бўлса харж олғонлар,  
Бор раво, ният ўлғоч, этсанг агар.

Яна иккинчи фарз будур бил,  
Масрифиға бу мол еткургил.

## ЗАКОТ МАСОРИФИНИНГ БАЁНИ

Масрифин тенгри деб дурур саккиз,  
Борини айтайн эшиттайсиз,

Бир фақиру икинчи мискин бил,  
Яна учунчи бордурур омил.

Яна бордур муаллифаи кулуб,  
Бор бешинчи мукотаб эшит хуб.

Бил, бор олтинчи қарзлиқ муҳтоҷ,  
Яна гозийлар ўлдию ҳужжож.

Саккизинчи гариблардур бил,  
Борининг шархин айтай, эшиттил.

Дер факир они шарь эли, ёд ол,  
Камроқ ўлғай нисобидин анга мол.

Касб қилмоққа қодир ўлғай ҳам,  
Харждин лек дахли бўлғай кам.

Деди шарь ул кишига мискин от,  
Бўлмағой анга касбға қудрат.

Бўлмағай анга жинс дунёлик,  
Бўлмағай ҳеч нимарсаға молик.

Билки, бор ул кишига омил от,  
Ким йигар ул хирожу ушру закот.

Бу замон чун муаллифа йўқтур,  
Қилмадим хукмини анинг мазкур.

Қайсини шарь дер мукотаб бил,  
Мен санга шарҳ этай эшиттил.

Гар қарор этса хожау банда,  
Бир баҳо муддати муайянда.

Гар адо айласа бу муддатда,  
Бўлгай озод ул бу фурсатда.

Ушбулардин бириси бир мадъюн,  
Мустаҳиқ дема, лек ҳар мадъюн.

Қарздин ортуғни хисоб этгил,  
Гар нисобига етмас ул фозил.

Бу сифат қарзлиқки дедим от,  
Бил бу мадъюнни мустаҳиқки закот.

Яна хужжот бирла гозийлар,  
Бер закот, ўлсалар факир агар.

Бил, ғариб, улдууркى турбатда,  
Кун кечиргай азобу шиддатда.

Ватанида нечаки бўлса тани,  
Мустаҳики закот билгилани.

## ЗАКОТ БЕРМОҚ ДУРУСТ ЭРМАС КИШИЛАРНИНГ БАЁНИ

Жоиз эрмас неча кишига закот,  
Айтайн барчасига бир-бир от.

Бири асл ўлдию яна бир фарь,  
Тут кулок ушбуларда не дер шаръ.

Шаръ дер аслини отау она,  
Ҳар неча юқорига борса яна.

Отанинг отасин, она онасин,  
Қил киёс ушбуларга сен бобосин.

Гар насиб борса неча юқорига,  
Жоиз эрмас закот улар борига.

Қайсидур шаръ ичра фарь деяринг,  
Үгулу киздуур, набираларинг,

Бу насаб борса қуйига ҳарчанд,  
Жоиз эрмастурур чу бор фарзанд.

Эрга хотуну, эри хотунга-  
Бермасун бу ангау ул мунга.

Кимки бергай закот ҳақ йўлиға,  
Берса жоиз эмастур ўз қулиға.

Ҳошимийю, ганийю бандалари,  
Олмасунлар закот ушбу бари.

Куфр элига закот эмас жоиз,  
Ушбуларга закот берманг сиз.

Кишини мустаҳик гумон қилдинг,  
Бердинг анга закоту сўнг билдинг.

Масриф эрмас эконdur ул олғон,  
Гар ёнгилдингки, ул деди ёлғон.

Гар бу олғон қулинг эмастур хўб,  
Бу закотинг сенинг эрур маҳсуб.

Шак билан гар закот адо қилдинг,  
Масриф эмас эконни сўнг билдинг.

Билки, маҳсуб эмастурур бу бериш,  
Санга ушбу маҳал иодадур иш.

Қилма бергонни лек истирдод,  
Масъала ушбу бўлди, тутғил ёд.

Бу закотики, мен дедим бу шик,  
Шарттур гайри мулки килмоқлик.

Гар бу мол бўлса ҳажжи умрага сарф,  
Эл сув ичмокка ёхуд олсанг зарф,

Ё килинса бинойи хайр обод,  
Ё олиб банда, айласанг озод.

Қобили мулк эмас булар, сен бил,  
Бер закотингни, мулк гайр этгил,

Бир кишига нисоб бўлгунча,  
Бўлди макруҳ берсанг ар мунча.

Сен закотингни нақл қилма, ганий,  
Бер ўшал шаҳр масрифиға ани.

Мустаҳбдур закот бер мунча,  
Бир кун элға моаш бўлгунча.

## УШР ВА ХИРОЖНИНГ БАЁНИ

Эмди ердин чиқар закотин эшит,  
Экилур еру сувнинг отин эшит.

Еру сувдин экин ривожидур,  
Ҳар бири ушрию хирожийдур,

Еру сув ҳар иккиси ушрий эса,  
Тиккай, эккай киши бу ерда эса.

Дахл учун харнеким экилгусидур,  
Ё дарахтиким, ул тикилгусидур.

Масалан: меваи тару гул, дона,  
Ҳар не бўлса булар киби ёна.

Турсуну хоҳ турмасун самара,  
Масъала бил недур шариат аро.

Ё ийғоч бирла қилсанг ўтни курук,  
Дей, недур ушбуларда этқулук,

Бер буларнинг закотини даҳ як,  
Масъала ушбу бўлди йўқтур шак.

Асалу мева тоғдин олсанг, бил,  
Ушр ушбу икисидин бергил.

Ушбу дегондек ўлса сув била ер,  
Бўлса ҳар кимда ушрини бер, дер.

Мунда билгил нисобу йил ўтмак  
Шарт эмас, ушр бермагинг керак.

Қуруқ эрмас қамишу ўту йиғоч,  
Билгасен йўқтурур буларда хирож.

Ҳар не дўлоб ила ичар сувни,  
Нисф даҳ як жавоб бер муни.

Бўлса мағқуд ушр шарти эшиш,  
Ул чоғ ул ерни сен хирожий эт.

Билки бордур хирож икки қисм,  
Бирисига муқосамадур исм.

Ойтайн ушбу қисм эшиштайсен,  
Ҳар қачонким муйян этгайсен.

Мол экиндур бу навъким дейилур,  
Ҳар кишиким тааммул этса билур.

Дах се, ёхуд се тўда ғояти нисф,  
Билки, бордур мунинг ниҳояти нисф.

Шаръ бу қисмнинг муқосама дер,  
Ҳар нечуқким муйян этсанг, бер.

Берса маҳсулни мукаррар ер,  
Сен хирожингни ҳам мукаррар бер.

Эмди иккинчисин дейин санга бот,  
Бил, муваззаф турур бу қисмиға от.

Мунда бордур жарибға таъйин,  
Хар нечукким мұайян этса амин,

Шаст дар шаст газ жарибни бил,  
Сен масоҳат гази била тенг қил.

Бу зироатға, ё экин ерига,  
Офате гар етушса ҳар бирига.

Ерда экин бу навъ бўлғонда,  
Сокит ўлғай хирож ул онда.

Бўлса гар дафъ килғудек офат,  
Сокит ўлмас хирож ул фурсат.

Қодир ўлса ўзию солиҳ ер,  
Экмаса, шаръ ахли мунда не дер?

Вожиб ўлғай хирож ул кишига.  
Демасун узр экмаган ишига.

Ожиз ўлғон ерин имом олсун,  
Яна, қодир мазорие солсун.

Ким адo қилмайин хирож еса,  
Молидин йўқ ҳалод мундоқ эса.

Бу хирожингни ким олурсен, бил,  
Рафъ маҳсулидин кейин олғил.

## Ҳазрати Ҳожа Убайдуллоҳ Аҳрор

### «Рисолаи Валидийя» БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИЙМ

Ҳақ таъолоға дейин ҳамду сипос,  
Кунҳига етмас анинг ваҳму қиёс.  
Холику коҳиру субҳону азийм,  
Розиқу қодиру раҳмону раҳиим.  
Авваледурки, бидоят анга йўқ,  
Охиредурки, ниҳоят анга йўқ.  
Йўқтурур ҳеч шарике анинг ишига,  
Ўҳшамас ҳеч нимага, ҳеч кишига.  
Эҳтиёжи кишига йўқтур анинг,  
Ёру ёвар ишига йўқтур анинг.  
Ортмайдур, ҳам бўлмайдур кам,  
Бор эди, бордуруру бўлгуси ҳам.  
Тил анинг ҳамдида қосирдур бил,  
Бил анинг ҳамдида қосирдур тил.

### ҲАЗРАТИ РАСУЛНИНГ НАЪТИ, САЛЛАЛЛОҲИ АЛАЙҲИ ВА САЛЛАМ

Ё ҳабиби арабий қурайший,  
Фаму дардинг манга шодийю хуший.  
Чархнинг гардиши майлинг бирла,  
Бори ҳалқ бўлди туфайлинг бирла.  
Анбиё ҳайлиға сарвар сенсен,  
Жумлайи ҳалқка раҳбар сенсен.  
Мен басе коҳилу йўл асрү йирок,

Умр кўп қисқаю йўл узунрок.  
Мени гумроҳқа кўрсат бир йўл,  
Мени максадка еткургай ул.  
Қўйма Бобурни бу хирмон бирла.  
Чора қил дардиға дармон бирла.

## РИСОЛА НАЗМИНИНГ САБАБИ

Ҳазрати Ҳожа Убайдуллоҳдин  
Эшит ул сирри Худо огаҳдин.  
Хожалар хожаси ул Ҳожа Убайд,  
Ходиму чокари Шиблийю Жунайд.  
Ҳолату мартабаси зоҳирдур,  
Васфу таърифида тил қосирдур,  
Отаси қилған учун таклифе,  
Қилди онинг отига таълифе.  
Толиб эл тилига мазкур дурур,  
«Волидийя» била машхур дурур.  
Ҳар сўз андаки ман анга етсам,  
Етти кўнглумга ани назм этсам,  
Токи бўлғай менга ҳушёrlиги,  
Уйқулук кўнглума бедорлиғи.  
Яна бу назм ўкуса ҳар толиб,  
Кўнгулнинг рагбати бўлғай ғолиб.  
Рагбат айлаб анга файзе етса,  
Тийралик кўнглидин аниг кетса.  
Файзидин манга етишкай асаре,  
Бехабар кўнглума бўлғай хабаре.  
Яна ўқуғучиларға ул он.  
Забт қилмоққа эди назм осон.  
Бу деганлар манга бўлди тақриб,  
Муни назм эттиму бердим тартиб.  
Бокмагил сўзлагучининг ўзига,  
Ўзини кўй, назр эткил сўзига.  
Сўз менинг эрмас аларнингдур бил,  
Билгасен мени мутаржим ҳосил.

## РИСОЛА ШУРУЬИ

Хожайи маҳрами асрори илоҳ  
Деди аввал муникум, қолаллоҳ;

## ВА МО ХАЛАҚТУЛ ЖИННА ВАЛ ИНСА ИЛЛО ЛИЙАЪБУДУНА<sup>1</sup>

Зоҳиру ботининг аъмолига бил,  
Бу ибодат мутановиддур қил.  
Бил бу суфийянинг ақволидур,  
Маърифат ботинининг аъмолидур.  
Муттафиқдур бори таҳқиқ эли,  
Мунга нотиқдурур ул хайл тили,  
Маърифат бетабаъийят бўлмас,  
Қойиди раҳ табаъийаттуру бас.  
Бил набийга табаъийятат қилмоқ  
Қайси ишларда керак, сўзума бок,  
Қавлийу феълийу ҳолидурур ул,  
Сўз будур, иш будуру будур йўл.  
Қавли тилга мутаъллиқ билгил,  
Феъли зоҳирға таъаллукдур бил.  
Бўлди ботинга таъаллук ҳоли,  
Хожанинг бил будурур акволи.  
Билки қавлида недур пайравлиқ:  
Дема ҳар сўзки, эрур нолойик.  
Бўлса гар шаръ хилофи ҳар қавл,  
Демагил они-ю қилғил, «ло ҳавл»  
Фийбату ёлғон музий сўздин,  
Эҳтиroz эт ҳироқ эткил ўздин.  
Ҳар ёмон қавлни ўздин дур эт,  
Тилинга бир нимани мазкур эт.  
Бўлғай аҳволу каломинг бу сифат  
Кўнглунга боиси нуронийят.  
Мисли Қуръону аходису дуо,

Амри маъруфки, буюрди Худо.  
Наҳӣ қил ҳарнеки мункар бўлса,  
Ҳар не янглиғки муйассар бўлса,  
Билки ўқурда дуову Қуръон  
Жидду жаҳд айлагасенким ул он.  
Ҳар не кўнглунгда эса андин бил,  
Бўлғай ул лаҳза муъаббир санга тил.  
Агар уммий эсанг ул дам қорий,  
Билгасен муни қаломий борий-  
Ким, сўзи эрканини чун биласен,  
Билки, ҳак бирла такаллум қиласен.  
Табаъийят недууруп феълда? бил :  
Зоҳиринг шаръ ила ораста қил.  
Тарқ қилма адабу суннатлар,  
Ҳар не микдорки, тарқ этсанг агар.  
Онча нуқсон санга бўлғай воқиъ,  
Қилмагайсен амалингни зойиъ.  
Яна мўъмин ишида ёслиф эт,  
Элу тил бирла мададкорлиф эт.  
Хоса ул кишига бермак ёрий  
Ки, таважжуҳ анга бор ҳак сари.  
Негаким бу кишиларни қодир  
Айлади севмаги учун зоҳир.  
Ҳак таъоло севар оники, мудом  
Киши Ҳак жонибига субҳ ила шом  
Лаҳза-лаҳза мутаважжих билғай,  
Зиҳе улким мутанаббих бўлғай.  
Чун анинг кўнгли эрур кўзуси,  
Бўлмаса кўзгу не суд ўтруси.  
Башарайят жиҳатидин назари-  
Гаҳ тушар аклу гаҳе шурб сари.  
Назари ончаки бу соридур, бил,  
Кўнгли кўзгуси губорийдур бил.  
Кўнглида бўлса не микдор губор,  
Ҳак шуҳудидин ўшанча бу йирав,  
Тенгри тавфикс қилиб кимки агар

Ишларин қилса кифойат яксар,  
Бурнағи ҳолига күнглига ружуъ,  
Бўлғусидур, бу агар топса вукуъ.  
Бас анинг кўнглини бу ҳақ тарафи,  
Килмиш ўлғай етар ушбу шарафи.  
Исми кофийға бу бўлди мазҳар,  
Будуур шартки ул шукр айлар.  
Негаким шукри бўлур мунда далил  
Ўзни кўрмасга орада, билгил.  
Билки бир ҳалқи илоҳийға башар  
Мутахаллик эса дар пайғамбар.  
Кўнглини жамъ этар ўттин бу киши,  
Бўлмағай онинг ила дўзах иши.  
Холи пайравлигини кўнглунга ол,  
Ботинига мутааллик эди ҳол.  
Ботинига кўп анинг мартаба бор,  
Мислу нафсу дилу сир гайри бўлар.  
Ҳар бирида анга Ҳақ жалла жалол,  
Нисбате бирла ато қилди камол.  
Ҳар не ишда табаъийят қилса,  
Керак ул ишни мутобиъ билса.  
Табаъийят анга бўлмас ҳосил  
Билмагунчаки, не иштадур, бил.  
Маънавий мартабасини бакамол  
Киши билмас, муни сен кўнглунга ол.  
Зоҳириға табаъийят не қадар  
Ҳар киши қилса, будур анга самар.  
Бу камолотидин ул ул миқдор  
Баҳравар бўлғуси, билгил эй ёр,  
Табаъийят недуур нафсиға бил:  
Нафс ҳаззизда хилофин тутқил.  
Ҳар неким, шаръ хилофидурр ул,  
Тийғил андин-ки эмастур ул йўл.  
Ҳар сўз айтсангу ҳар иш қилсанг,  
Чун ҳамеша муни варзиш қилсанг,  
Нисбате нафси набий бирла ул он

Нафсинга бўлғуси бешакку гумон.  
Сифати нафсидин ушбу фурсат,  
Жазб этар нафс бақадри нисбат.  
Анга ўхшурки фатила тутуни  
Жазб этар ўтни кўрубсенму муни?  
Сифатидин нечаким жазб этар,  
Онча ҷоғлиқ бу тараққийға этар.  
Қил қиёс ушмунга сен ўзгаларин,  
Қадри нисбат била баҳра топарин.  
Табаъиййат чу етишса бакамол,  
Дўст тутқай они ҳайи мутаъюл.  
Ўзини маҳрами асрор эткай,  
Ул замон истаганига еткай.  
Филҳақиқат бу севуклүғ ойид  
Ул ҳабибиғадурур, эй обид.  
Ҳосил ўлди анга чун васфи набий,  
Билки улдур бу маҳаббат сабаби.  
Билки, бордур бу деганлар бори  
Маҳз фазлу карами жабборий.  
Балқи ҳар рутбада яхши боққил,  
Ўздин ўзгани севмайдур бил.  
Кўрклуг кўзгусини гар севса,  
Назари лутф бирла гар эвса,  
Билгасенким бу темур ҳубби эмас,  
Филҳақиқат ўзини севдийу бас.  
Сифату зот била Ҳазрати Ҳақ  
Қилди кўзгуда тажаллий андақ.  
Қайси кўзгуки, эди бегашу ғил,  
Бу тажаллий эди анда акмал.  
Чун Муҳаммадта, алайҳиссалавот,  
Равшану акмал эди бу миръот.  
Нуриддин анда тажаллий эди кўп,  
Келди бу хильъат аниңг бўйига хўб.  
Умматига даги пайравлиғидин  
Еткуси баҳра борийдин ул ҳин.  
Рутбаеға, муни билгил бешак,

Бўлмагай батабаъийат етмак.  
Табаъийат анга бар ҳасби камол  
Қайдадур мен санга айтай ёд ол.  
Керак андоқки кўнгулда мутлақ  
Қолмагай ҳеч таъаллук жуз Ҳак.  
Гар маҳаббат санга бўлмас бу сифат,  
Бор бу ҳуб мунқатиъ ўлмокқа жихат.  
Гарчи ҳуб мавҳабатедур бешак,  
Санга лекин муни билмак керак.  
Бор зуҳуриға шаройит ҳосил  
Аслу сармойа бўшатмоқлик дил.  
Бор тариқа мунга мен айтай, бил.  
Авал ул ёрнинг отини дегил!  
Кимнинг оти эканин андеша  
Қишу қилғил бу сифатни пеша.  
Бўлма бир лаҳза бу иштин гофил  
Бўлур осон бора-бора мушкил.  
Бўлғай ул навъ отини дерида  
Қолғай ул нафс ҳадиси ерида.  
Мундок ўлғач муни тарқ айламагил,  
Ҳосил ўлғай санга то лаззати дил.  
То кўнгулдин бори лаззату ҳавас  
Мунқатиъ бўлғайу бу қолғайу бас.  
Ҳамагийи дил анинг машгули,  
Бу маҳал бўлғайу ул мақбули.  
Бўлур андоқки такаллуф била дил  
Ҳеч нима ҳуббига бўлмас мойил.  
Қилса бу мартабани Ҳак ҳосил,  
Бу муножоту такаллум ери бил.  
Кўнгул андаву ўз анинг сариға,  
Сўз анинг бирла, кўз анинг сариға.  
Анга бу рутбада беғийбат бил,  
Бўлғай ул вақт ҳузуре ҳосил.  
Кўнгли кўзи аро нуре бергай,  
Кўзу кўнглига суруре бергай.  
Ҳақдин андоқ қулоқу тил еткай,

Андин эшиткай, анга арз эткай.  
Зохирий шүгли ишиңгдин бу маҳал,  
Топмагай маънавий иш санга халал.  
Зохирий халққа, ботин ҳаққа,  
Болиги солик ота андокка.  
Ошно ич сари, тош бегона,  
Бу равишча равиш ўлмас йана.  
Дунйода ҳар кишига тенгрига дил  
Ушбу янглиг мутааллик эса, бил  
Рухи асли сари бўлғач рожиъ,  
Иттисоле топар ул бемониъ.  
Гарчи жон тан аро эрканда кўнгул,  
Тенгри лутфи била топқай бу вусул,  
Лек бўлғай башарияттин, бил,  
Кўнглига юбқа хижобе ҳосил.  
Мунқатиъ бўлса бадандин чун жон,  
Башарият ҳужуби қолмас ул он.  
Иттисолеки, эрур бемониъ,  
Бу маҳал руҳқа бўлғай воқиъ.  
Масалан, бир кишини бирга агар  
Ошиқу шефта айлай десалар,  
Бу йўсунлук дей, тариқини, эшит:  
Бор фалон шаҳрда бир хўб йигит.  
Хатти сунбул, қади сарву юзи гул,  
Кўзи маҳмур, ўзи маству сўзи мул.  
Хусн ила ҳалқ аро афсонадуур,  
Кимки, кўрса ани, девонадуур.  
Ишқида бордур анинг лаззатлар,  
Ошиқ ўлған киши лаззатни топар.  
Кимки, эшитса бу янглиг сўзни,  
Топкусидур анга мойил ўзни.  
Лаззате бир нимадин топса агар,  
Бўлди мажбур ани севмакка башар.  
Лек билмас бу суюклук ҳосил  
Не йўсунлук анга бўлғай, муни бил!  
Билки бу ишта тариқа будур,

Кимки, йўл билмаса, кўнгли судур.  
Отини қалбинга кўп мазкур эт,  
Ёр гайрини кўнгулдин дур эт.  
Мундок этсанг санга майле ҳосил  
Бўлуру сен муни тарк айламагил.  
Бардавом ўлса, санга майл ортар,  
Майлдин ҳосил ўлур лаззатлар.  
Неча лаззат эса, майл онча бўлур,  
Майл лаззатни топқанча бўлур.  
Кўймай элдин муни қилсанг такор,  
Ихтиёре санга қолмас, эй ёр.  
Хоҳу ноҳоҳ тутарсен они дўст,  
Бу кашиш бирла бу қўшиш қани дўст.  
Мунда етсанг будур ул эл дегани,  
Дўст тутқай ҳамагийи дил ани.  
Қолмас андишайи файре ул дам,  
Унутулғай санга маҳбуб они ҳам.  
Келтуур ушбу маҳал истило  
Санга султонни маҳаббат, ёро.  
Тарафайн эди маҳбубу муҳибб,  
Ўзи рангида барин зоҳир этиб.  
Ваҳдати сирфни зоҳир қилғай,  
Иккилик оти бу дам айрилғай.  
Санга маълум чу бўлди бу йўл,  
Оти машғуллуғи эрмиш ул.  
Вирду азкор ичида, эй огоҳ,  
Афзали ло илоҳа илло-л-лоҳ.  
Мунда мисраъ бу суврат бўлди,  
Вазн тағири зарурат бўлди.  
Билгасен бўлди мураккаб бу зикр,  
Нафийу исботтин эткил сен фикр.  
Кўнглунга бил бўладур пардасифат.  
Интиқоши, сувари кавнийят.  
Мунтакиши бўлса кўнгул миръоти,  
Бўлди ҳақ нафийиу файф исботи.  
Жазб топмас киши бе рафъи хижоб,

Чехра күрмас киши бе дафъи никоб.  
Парда рафъига недур, билгил, йўл?  
Файр нафийу Ҳак исботидур ул.  
Будур андокки килибмен маълум,  
Зикри мазкурга улдур мафхум.  
Мубтадо чогида билки нетар,  
Амалини боридин кўтаҳ этар.  
  
Дами охирки, чиқар, сендин бил,  
Ҳар нафасни дами охир билгил.  
Молу нақдинаву бори элу кун,  
Зану фарзанд била шаҳру мудун.  
Хотирингдин бариси маҳв бўлур,  
Хотир ул дам барисидин қутулур.  
Ҳар нафасни дами охир билибон,  
Анда бу навъ таъаллук қилибон.  
Зикри мазкурга бўлғил машғул,  
Бу йўсунлукки дегумдур санга йўл.  
Нафийда ҳар не-ки бордур жуз Ҳак,  
Йироқ эткил кўнгулунгдин мутлак.  
Нафийдин сўнграки бор иллоллоҳ,  
Мунда етканда эшит будур роҳ;  
Билки, маҳбуб била маъбуд улдур,  
Бори эл сожиду масжуд улдур.  
Ҳар қачонким, сен агар десанг зикр,  
Муни кўнглунг аро қилгайсен фикр.  
Йўқтуур хеч илоҳ илло Ҳак,  
Муни тарк айламагайсен мутлак.  
Мунга машгуллук эткил бори вақт,  
Ҳайф ғафлатта ўтар аксар вақт.  
Фофил ўлғанда керак бўлса бу сик,  
Қийматий дурни йитурган янглик.  
Дур йитурганки, бўлур анда не ҳол,  
Бу кишига керак андоқи аҳвол.  
Кимга бу ҳолки бўлса бе қийл,  
Мутаассирлигиңа бўлди далил.  
Ҳар қачон муни мудом эткайсен,

Йана бир мартабаға еткайсен.  
Тарқ қилсанг сен агар, лек күнгүл  
Бурноғи ҳол ила бўлғай машғул.  
Сен бу чоғлиқ била бас қилмағасен,  
Тарқ қилмәғни ҳавас қилмагасен.  
Анга етарки бўлур, эй толиб,  
Тенгри ёди, бори ишга ғолиб.  
Тарқ қилмай муни қилсанг бадавом,  
Ҳаммагийи дилинг ул вакт тамом  
Ҳақ таъоло била машғул ўлғай,  
Кўнгле кобил, ўзи мақбул бўлғай.  
Бу бўлур андаки ҳубби мавло,  
Топса кўнглунга сенинг истило,  
Файдин кўнглунг уйни холий этар,  
Бу уйунгдин сенинг ағёр кетар.  
Кўнглунга ҳеч таъаллук қолмас,  
Файри ихлос ила қуллук қолмас.  
Бу замон бўлғуси Ҳақ бирла дуруст  
Ул таъаллукки бурунроқ эди суст.  
Бўлғуси анинг ила барча сўзунг,  
Ани соғунғуси не кўрса кўзунг.  
Ҳақ кўнгулларни йаратти андок,  
Бўлмағай файр ила таъаллук мутлак.  
Файдин мунқатиъ ўлғач бу кўнгул,  
Тенгри бирла мутаъаллик, бўлур ул.  
Бу замон ушбу таъаллук ҳосил,  
Хоҳу ноҳоҳ бўлур кўнглунга бил.  
Тенгри мундок бор этибтур билгил,  
Санга дойим бу йўсунлукдур дил.  
Мутакаллимдуру эшиткучидур,  
Кўргучидур, борий иш эткучидур.  
Айтмоқ бирла зшитмак, кўрмак  
Файдин мунқатиъ ўлғач бешак.  
Деру эшитуру кўрар ҳосил  
Ангаву ондину они билгил.  
Билки, бу мартабада ул ҳангом

Бор муножотта Ҳақ бирла мудом.  
Билки бу мартабада, эй сойил,  
Зикр бўлғай сифати зотийи дил.  
Билгасен зикри ҳақики ул ҳин,  
Бил муназзаҳ ани ҳарфу ундин.  
То гуҳари дил била бир бўлғусидур,  
Хубои бирла кўнглунг тўлғусидур.  
Ҳамагийи дил они дўст тутар,  
Билгасен бу сўз аро фарқе бор.  
Дўст тутмоғлиқ ила, эй доно,  
Дўстнинг ёдени тутмоғлиқда.  
Улки, тўтқай ҳамагийи дил дўст,  
Мунтажи фарти маҳаббат бил дўст.  
Сен қулоқ тутки мунга ишқдур от,  
Ошиқ улдуруки, анга бор бу сифот.  
Мундин ул ерга тараққий қилур ул,  
Ақл ул ерга, эшит, топмас йўл.  
...ҳақиқий муни билгил мавсум,  
Эйла мазкурға ҳастийи маълум.  
Билки бор ҳастийи зокир мавхум,  
Бўлғуси мунда етишкач маъдум.  
Билки бу ердадурур бу мушкил,  
Ҳини мазкур бўлур зокир тил,  
Зокирийат била мазкурийат  
Бил мубаддал бўлур ушбу фурсат.  
У ўрса ўз ҳастлигин чун нобуд,  
Ўзгалар ҳасталиғида не вужуд.  
Бу замон ҳоликун илло ғажҳах,  
Ошкор ўлди бу сирр, бўл огах.  
«Ли-ман-ул-мулк» жамоли ул ҳол,  
Чеҳрадин пардан олгай бу жамол.  
Бўлди маълумки табъийаттин,  
Бу маротибга етарсен ул ҳин.  
Бас агар сен тиласенг ул фурсат,  
Даст бергай бу саодат санга бот.  
Ўзни сен рост итоъат била қил,

Хамнишинлик бу жамоат била кил.  
Шарь ила зоҳири орастадур,  
Файрдин ботини пийростадур.  
Бу киши соҳиби ҳолот ўлғай,  
Мазҳари ушбу камолот ўлғай.  
Тенгри кўнгулни яратти андок,  
Бу сифатни анга қотти андок.  
Хамнишин ҳар ким ила бўлса кўнгул,  
Суҳбатидин мутаассир бўлур ул.  
Ушбулар мундаки марқумдуур,  
Завқ ила борчага матьлумдуур.  
Кимки, мотамзада бирла турса,  
Ё нишот аҳли била ўлтурса,  
Фаму шоди анга қилғай таъсир,  
Топкусидур анга ҳолат тағиyr.  
Қобилийят бу камолот ила Ҳак  
Йаратибтур кўнглунгда мундак.  
Бу қабул ўлмаса эрди ул ҳол  
Мумкин эрмас эди бу касби камол.  
Кимки, бу тойифа бирла бадавом  
Хамнишинлик қилур ул, ул ҳангом,  
Билгасенким, мутаассир ул хин  
Бўлгуси ботини ул ботиндин.  
Ҳаққа майле санга бўлғай ҳосил,  
Майли жаҳ мунқатиъ ўлғай санга дил.  
Инкитоъингча яна майл ортар.  
Майли жаҳ мунқатиъ ўлмоғлик бор.  
Неча ул кўп яна бири дағи кўп,  
Неча ул хўб яна бири дағи хўб.  
То киши еткусидур бир ерга —  
Ким, ани ожиз эрур тил дерга.  
Будуур ҳол мунга етканда,  
Қолмагай ҳеч таъаллук анда.  
Бори ўзлуғи била будур иши,  
Ҳаққа бўлғай мутаважжих бу киши.  
Киши бўлғай анга бир суҳбатта,

Балки бир лаҳзада оз фурсатта.  
Боридин мунқатиъ ўлғай ботин,  
Жамъ қылғай күнгулини боридин.  
Мунга етканда бу кишининг иши,  
Ҳаққа бўлғай мутаважжих бу киши.  
Ушбу жазбаки бўлур халқка бот,  
Лек мушкил дедилар анга сабот.  
Негаким Ҳазрати Ҳақ лутфидин  
Файдин бўлса мужаррад ботин,  
Бўлгусидур анга Ҳақ бирла вусул,  
Тенгри инсонда яратти бу қабул.  
Одамий кўнгли таъаллуксиз эмас,  
Файр чун қолмаса, ул қолғаю бас.  
Лек ҳар кишигаким истеъод  
Гар заъиф эрса, муни тутсун ёд:  
Васлдин анга шуъуре бўлмас,  
Файздин анга ҳузуре бўлмас.  
Гар қавий бўлса кишига бу сифат,  
Бўлгуси анга шуъур ул фурсат.  
Гар сабот истар эсанг ул фурсат  
Илтизом ила давоми сухбат  
Сақлағайсен бу эл оллида адаб,  
Бил аларни бу шуъурингга сабаб,  
Зоҳиру ботин адаб маръий тут,  
Беадаблик равишу роҳин унут.  
Бир адабни киши гар тарк қилур,  
Ушбу эл кўнглидин ул тушгуси-дур  
Ким, йироқ тушса бу эл кўнглидин,  
Бурноғи ҳол анга қолмас ул ҳин.  
Негаким файиз анинг кўнглига ҳол  
Ул кўнгуллардин эди, кўнглунга ол.  
Кўнглининг робитасин восита бил,  
Файз етмакка жихат робита бил.  
Робита қолмаса ул ҳол кетар,  
Сўз эшитур эсанг, ушмунча етар.  
Бейнойоти Ҳаққу хосеи Ҳақ,  
Гар малакдур қорадур анга варак.

## РИСОЛА ХОТИМАСИ

Ли-л-ло ххамд сүз айтилди тамом,  
Ихтитомига етишта бу калом.  
Қобил элга сүзини мақбул эт,  
Омил элга ўзини маъмул эт.  
Бил тугатганда бу сүз бекам-у беш,  
Йил тўкуз юз эди, ўттуз беш.

## КИСКАЧА ЛУГАТ ВА ИЗОХЛАР

«A»

Абр — булат, абри баҳор — баҳор булути.

Абраш — кизил ола ёки кора ола тус; шу хилдаги от.

Адам — йўқ, йўқлик, адам шоми — йўқлик қоронғилиги.

Адув — душман, ёв.

Аёғ — кося, пиёла, май ичадиган идиш, қадаҳ.

Алам — аломат, белги, нишона, байроқ, туғ, аланга ёлқини.

Андом — бадан, бўй, гавда, жасад.

Ангиз — уйғотувчи, қўзғатувчи, бошлиш; қасд, қўзғатиш, тезлаш.

Ангабин — асал, бол.

Анис — улфат, дўст, яқин ўртоқ, ошна, ҳамдард, ҳамдам, ёқимли.

Арғувон — баҳорда очиладиган кизил гулли дарахт.

Асрор — сирлар, яширин нарсалар; соҳиби асрор — сирдош.

Асру — жуда кўп, ортиқ, бениҳоя талай, фоят.

Атфол — ёш болалар, гўдаклар; бирлиги тифл — бола.

Афгор — яраланган, жароҳатланган, мажрух, қалби ўртанган, хаста.

Афзун — ортиқ, зиёда, кўп.

Афсар — тож; жиға; бирор нарсанинг уни.

Афсурда — руҳсизланган, сўлиған, сўлғин.

Аширибо — ичиладиган нарса, ичимлик.

Ахгар — кизарид ёниб турган лаҳча чўғ, олов.

Аъдо — душманлар.

Аҳбоб — дўстлар, ёрлар, севимлилар.

Аҳсанта — қойил, таҳсин, оғарин, балли.

## «Б»

Бор — мавжуд; марта, карра; қабул, ижозат, рухсат, изн, юк.  
 Бодрақ — йўл бошловчи, карвон бошлиғи.  
 Ботил — бузилган, бузук, бекор қилинган, беҳуда, асоссиз; тубсиз; ботил хаёл — бузук фикрли.  
 Бесарупо — бош-оёқсиз; телба, бевош, бечора, довдираган.

## «В»

Вадиа, вадат, вадиъ — бирорга омонат қўйилган нарса; кўпл. вадоэъ.  
 Вола — берилган, мафтун, ҳайратда қолган.  
 Вораста — кутулган, озод, бўш.

## «Г»

Ганж — олтин, кумуш, жавоҳирот каби қимматбаҳо ашёлар тўплами;  
 хазина тўпланган бойлик. Қорун ганжи — Қорун бойлиги, маж: ганжи хусн-хусн бойлиги, гўзаллиги.  
 Гардун — фалак, осмон, кўк.  
 Гашт — айланиш, кезиш, сайр этиш.  
 Гису — ўрилган соч.  
 Гиря — йиги, кўз ёши тўкиш, куйнинг номи.  
 Гирифтор — йўлиққан, учраган, асир бўлган, банд бўлган.  
 Гурда — буйрак.

## «Д»

Дай — қиши мавсуми.  
 Дайр — бутхона; маж: майхона, аҳли дайр — майхона аҳли; дайри фано-сўфийликда маж: фано бўлганлар, ўзликдан кечганлар дунёси, дайри пири — майхона пири, бошлиғи, пешвоси; дайри бевафобевафо дунё маъноларини англатади.  
 Дарбон — дарвозабон, эшик соқчиси.  
 Дилафгор — дили хаста, дили вайрон, ғамгин; ортиқ хафагарчилик чеккан.  
 Дилкушо — кўнгил очувчи, кўнгилни шод этувчи, ёқимли.  
 Дом — тузок.

## «Ё»

Ёва — ёрдамчи, мададкор.

Ёғлиғ — рўмол, рўмолча.

## «Ж»

Жалла — жалол — Аллоҳнинг улуғлиги ҳакида

Жаложил — қўнғирокча, шилдирок, занг.

Жалолат — улуғлик, улуғворлик, викорлик.

Жалис — бирга ўлтирувчи, ҳамсуҳбат, мажлисдош, ҳамнишин.

Жарида — дафтар; якка, танҳо.

Жоми Жам — афсонавий подшоҳ Жамшиднинг ичган билан тугамайдиган май қадаҳи.

Жовид — абадий, доимий, мангур, мудом.

Жуз — бошқа, ўзга, бўлак.

Журм — гуноҳ, жиноят.

## «З»

Забун — ожиз, нотавон, бечора, кучсиз.

Закан — бақбака; чоҳи закан — бақбака чуқурчаси.

Захм — яра, жароҳат; маж: кўнгил ғашлиги.

Зарофат — сезигирлик, шўхлик, нозикфаҳмлик, зарифлик, қочирим сўз, ҳазилнамо сўз.

Завол — йўқ бўлиш; сўниш, ботиш, пасайиш.

Заъф — кучсизлик, ҳолсизлик, касаллик.

Зоил, зойил — йўқ бўлувчи, йўқоладиган, учадиган.

Зоҳид — дунёвий ишлардан ўзини четта олиб, тоат-ибодат билан машғул бўлган шайх, рухоний.

Зоҳир — равшан, порлок; кўриниб турган, очик-ошкор, юзадаги; зоҳир айламак кўрсатмоқ, юзага чиқармоқ, пайдо қилмоқ.

Зуфунун — фанлар, хунарлар эгаси, кўп фанларни билувчи олим, доно киши.

## «И»

Ижод — ўжарлик, кийиқлик, бўйин товлаш, саркашлик, яратиш.

Ижтинос — узоқлашиш сақланиш, тортиниш, чекиниш, қочиш.

Имтиод — чўзилиш, узилиш.

Инон — жилов, тизгин; олд, хузур.

Иноят — меҳрибончилик, марҳамат, ёрдам, илтифот бағишлиш.

Инқиёд — бўйсуниш, берилиш.

Ирсол — юбориш, етказиш.

Иртиқоб — бирор ноўрин ишни қилишга киришиш.

Иршод — тўғри йўл кўрсатиш.

Иститоат — бошқаларга мухтож эмаслик, эҳтиёжсизлик, гўзал қилик, тортиниш; такаббурлик қилмоқ.

Итоб — қаҳр, ғазаб, қийноқ.

Ихтилот — аралашиш, қотишиш, борди-келди қилиш.

Иқомат — бирор жойда туриш, жойланиб қолиш, туриб қолиш.

## «К»

Каж — эгри, қингир; кажрав — эгри, қингир юриш, айланиш.

Кавкаб — юлдуз, кўпл. кавокиб. маж: Кавкаби ашқ — кўз ёшлари.

Канор — канора-қирғоқ, анҳор, дарёнинг қирғоги, чети.

Карам — яхшилик, олижаноблик, эҳсон, сахийлик, марҳамат.

Касрат — кўплик, кўпчилик, кенглик.

Келдим ёйина — суюниб келдим, ишониб келдим.

Комрон — ўз мақсадига эришган, баҳтли; ҳоким, ҳукмронлик қилувчи.

## «Л»

Лаванд — бўш, ялқов, дангаса, бекорчи.

Лайм — очкўз, хасис, нокас, шайтоний сифатлар.

Лаъл — қизил рангли тош; маж: қип-қизил лаб, маҳбубанинг қизил лаби.

Латофат — латифлик, нозиклик, гўзаллик, мулойимлик.

Ложарам — чорасиз, ноилож, шубҳасиз, албатта, шунинг учун.

Лоуболи — беларво, беғам, лоқайд, белархиз; шеъриятда эркин, хур фикрли маъноларини англатади.

Мабдаъ — келиб чиқиши жойи, бошланиши жойи; бирор иш ва ахволнинг боши.

Мазаллат — хўрлик, хорлик, тубанлик, пастлик.

Макнун — яширилган, махфий; яхши сақланган; дурри макнун — яширилган дур, беркитилган, яхши сақланган дур.

Мардуд — ҳайдалган, қувилган, рад этилган, номақбул.

Маркаб — улов, миниладиган ҳайвон, от, туя, эшак каби.

Масиҳ — Масиҳо — Исо пайғамбарнинг лақаби. Диний афсоналарда Исонинг ўз нафаси билан ўлгандарни тирилтириш, жон бағишлиаш қобилиятига эга бўлган, дейилади. Адабиёт, шеъриятда севгилини ва унинг лабини жонбахшлик юзасидан Масиҳ, Масиҳога, Исога ўхшатилади ва Масиҳо нафас, Масиҳ анфос деган тавсифлар берилади, Маснуъ — қилинган, яратилган, санъатли, безакли, ҳунар билан юзага келтирилган; санъаткорлик билан тузилган шеър.

Масриф — сарф, ҳаражат, чиқим.

Маҳжур — айрилиб қолган, ҳижронда қолган, узоқлашган.

Маркум — рақам қилинган; ёзилган, битилган.

Мақар — қарор топиш ўрни, тўхталашибиган жойи, манзил, макон, қароргоҳ.

Мақдур — илгаридан белгилаб қўйилган, тақдир; имконият кўтарган, имкон бўлган қадар, кўлдан келганча.

Мақтул — катл этилган, ўлдирилган.

Мақхур — ғазабга дучор бўлган.

Маҳбуб — севгили, маъшуқ ва маъшуқа, ёр, дўст тутилган шахс.

Маъво-бошпана, туарар жой, макон.

Маъдум — мавжуд эмас, йўқ, йўқ бўлган.

Маъжун — бир қанча дориворларни янчиб, асалга қоришириб ясалган, кайф берувчи қуюқдори; аралашма, қоришма.

Маъсият — гуноҳ.

Муанбар — анбар суртилган, анбар ҳиди берилган, хушбўй; маж: хуш исли қоп-қора нарса муанбар хат — қора чизик; маж — лаб мўйи.

Мубаддал — алмашинган, ўзгартирилган.

Муваззаф — вазифа белгиланган, маош олувчи.

Мудбир — иши орқага кетган, бахтсиз.

Мужгон — киприклар.  
Мужда — хушхабар, суюкли хабар.  
Музтар — хайратда, ҳижолатда, изтиробда қолган.  
Мул — май, шароб.  
Мұттақид — әзътиқод қилувчи, ишонувчи, ихлосли  
Мұттод — одатланған, ўрганған.  
Муолажа — касалға дори-дармонаң қилиш, даволаш.  
Муртағиъ — юксалған, күтариған; юксак, баланд, юкори.  
Мушарраф — шарафланған, шараф ва иззат топған.  
Мушкфом — қора тусли ва хуш исли хид сочувчи.  
Мехроб — тепаси ярим доира қилиб ишланған токча, таҳмон; масжид-ларда имомлар туриб ваъз айтиб, намоз ўқийдиган маҳсус жой;  
Маж — қошнинг кайрилма шакли.  
Мидод — сиёҳ; қоралик, курум, дуд.  
Молмол — тўла, лиммо-лим.  
Мултамас — илтимос, сўров, сўралған.  
Мунаққаш — нақшланған, безатилған.  
Мунфаил — ҳижолатли, уялған; таъсириланған, мунфаил бўлмоқ-уялмоқ ҳижолат бўлмок.  
Мунқалиб — ўзгарувчи, ўзгарған.  
Мунхат — паст, қуйи.  
Мурид — талаб этувчи, истовчи, пирга қўл бериб эргашувчи.  
Муршид — тўғри йўл кўрсатувчи, тўғри йўлга солувчи; сўфийликда — пир, эшон.  
Мусаввар — сувратланған, зеҳнда тасвириланған.  
Мусалсал — бир-бирига занжирга ўхшаб уланған, кети узилмас даражада сирланған, занжир шаклидаги.  
Мусаххар — забт қилинған, ўзига қаратилған, фатҳ этилған, бўй-сундирилған.  
Мусоҳиб — ҳамсуҳбат, дўст, улфат.  
Муслиҳ — яхшиловчи, тузатувчи, ислоҳ этувчи.  
Мусаллат — ғолиб бўлған, назоратчи.  
Мустадом — давомли, доимий, узлуксиз, ҳамиша.  
Мустайд — истеъдодли, қобил.  
Мустағний — эҳтиётсиз, тортинувчи.  
Мутаважжиҳ — юз тутган, йўналған.

Мутаҳайирир — ҳайратда қолган, тонг қолган, ҳайрон.

Мутриб — чолғувчи, созанда, ашулачи, маж: Зухра планетаси.

Мутий — итоат этувчи, бўйсинувчи.

Муфсид — заарли, бузувчи, фасодчи.

Мухмал — маъносиз, бир нарсага далолат этмайдиган, арзимас кийим.

Мухтасар — қисқартирилган, қисқача, ихчам; қисқаси.

Мухаяр — ихтиёри, бир ишни қилиш-қилмаслик, ихтиёри ўзида бўлган.

Мұғтанам — ғанимат, санаған, ўлжа ҳисобланган; мұғтанам билмоқ — ғанимат билмоқ.

Мұхіб — севувчи, дўст тутувчи.

Мұхлиқ — ҳалок этувчи, йўқ қилувчи.

Мұқайяд — боғланган, уланган, банд этилган. Мұқайяд бўлмоқ — боғланмоқ, банд бўлмоқ.

Мұқбил — иқболли, баҳтли.

Мұқийм — турғун.

Мұқтадо — бўйсунилган, эргашилган имом.

## «Н»

Навха — товуш чиқариб йиглаш, улиш, мунгли йифи, нола.

Навозиш — яхшилик қилиш, сийлаш, марҳамат, меҳрибонлик, эркалаш.

Насрин — оқ очиладиган бир хил гул.

Нафй — рад этиш, қайтариш, кетказиш, бадарга.

Нашш — мурда солинган тобут.

Нашъя — кайф, ҳузур-ҳаловат.

Ниёз — ёлвориш, ўтиниш, умид; эҳтиёж, мухтоҗлик.

Нисор — сочиш, сочки; дурнисор-дур сочиш; зарнисор-зар сочиш.

Нишот — суюниш, шодланиш, хурсандчилик; нишот топмоқ-севинмоқ, хурсанд бўлмоқ, шодланмоқ.

Нор — ўт, олов; маж: дўзах.

Нокис — нуксонли, камчилиги бор.

Нукта — нозик маъноли сўз, маъноси чуқур ва чиройли сўз; нуктадон — нозик маъноли, чуқур мазмунли ва чиройли сўзловчи.

Нусрат — зафар, ғалаба; ёрдам, мадад.

Нукл — май ичганда ейиладиган ширинлик, мева ва бошка хил емак.

Нўш — тотли, ширин таъм, чучук; нўшилаб-лаб ширинлиги; сўз бирик-

масида келиб, ичувчи маъносини билдиради; боданўш — май ичувчи. Ноблиғ — балоғатга етмаганлик.

Нол — қамиш қалам ичидаги ингичка томир: қилтирик; қамиш най. Номудор — кўринишили, кўриниб турган, кўринарли.

Носиҳ — насиҳатгўй, ўтит берувчи.

## «О»

Обид — ибодат қилувчи.

Ойин — расм, одат, қилиқ, равиш, тарз, тартиб, усул, маросим; ўхшаш, монанд.

Осиб — зиён, заар, мусибат, кулфатлар.

Осиф — фойда, баҳра.

Осуда — тинч, тинчланган.

## «П»

Пайваста — ҳамиша, доим.

Пайк — хабарчи, элчи.

Паймо — сўз бирикмасида ўлчовчи, тортувчи, юрувчи, кезувчи; маж: бодапаймо-май тортувчи, сокий.

Паймон — аҳд, ваъда.

Паймона — май пиёласи, қадаҳ, маж; тўла паймона — умри тугаган.

Пайрав — эргашувчи, издан, кетидан, йўлидан борувчи.

Парчам — байроқ учига боғланадиган кора ипак-латта ёки мол думи; түғ; маж: аёлларнинг ўрилган сочи; зулф, кокил.

Пайғом — хабар, дарак.

Порсо — сакланувчи, ёмон ишлардан ўзини сакловчи; порсолиғ-парҳезкорлик, ёмон иш ва ёмон йўллардан сакланувчаник, тақводорлик.

## «Р»

Равзан — туйнук, тешик, дарча.

Разолат — пасткашлиқ, тубанлик, паст табиатлик, разилик, айб иш.

Ранж — мاشаққат, қийналиш, оғриқ, касаллик.

Ранжуано — азоб-укубат, меҳнат, машаққат.

Раъд — момақалдироқ, чакмок чакиши; ўт-олов отадиган қурол.

Рафъ — күтариш, юксалтириш; йўқ қилиш; рафъи ҳижоб айламак — уятни ўртадан кўтармак; парда кўтармак; очиб ташламок. Рафъ ўлмоқ — кўтарилемок, йўқ бўлмок.

Рахт — уй асбоб-анжоми; кийим-кечак; йўл-сафар юки.

Ракиб — кузатиб юрувчи; маъшуқани севувчи одам; душман.

Ришта — ип, каноп; риштаи ашк — узлуксиз кўз ёши.

Рифъат — юксаклик, баланд мартабалик.

Рокиб — рағбатланган, яқин, ҳоҳишли, мойил.

Рухсор, рухсора — юз, чехра; рухсори ол — қизил юзли; чиройли юзли.

Рух — юз, бет, чехра; афсонавий йирик бир қуш; гулрух — гул юзли гўзал, лола рух — лола юзли, қизил юзли.

## «С»

Сайд — ов, шикор, ов қилиш, сайёд — овчи.

Салоҳ — яхшилик, тузуклик, бир ишнинг истаган даражада яхши бўлиши; одоблик, осойиш; салоҳандиши — яхши фикрли, тўғри ўйловчи.

Саманд — тезюарар ва чиройли, сарик тусли саман от.

Сарбасар — бутунлай, бошдан-оёқ.

Саркаш — бош бермас, ўжар, йўлга юрмас, итоатсиз.

Саромад — олдинги, илғор, юксак, юкори.

Сарфароз бўлмоқ — кимсанинг марҳаматига мушарраф бўлмоқ.

Сарфароз этмак — юксалтиремок, шодлантиремок.

Сакар — дўзах, тамуғ, жаҳаннам.

Сихи — рост; баланд. Сарви сихи — тик ва баланд сарв; чиройли, ёш сарв дарахти, маҳбубанинг келишган қомати.

Суд — фойда, баҳра, наф.

Сужуд — саждалар, бирл. сажда; саждагоҳ — масжид меҳроби.

Сумансо — суман ёсминга ўҳшаган, гўзал.

Сунъ-ясаш, яратиш, қудрат; иш хунари.

Суруд — ашула, қўшиқ куйлаш, мусиқа.

Табор — қариндош, авлод, насл, нараб, уруг-авлод.

Табарро — четлашиш, юз ўгириш, ўзини олиб кочиш.

Таборак — Куръони карим сураларидан бири.

Табоҳ — ҳароб, бузук, вайрон.

Табъ — мижоз, табиат, кўнгил.

Тавр — сурати ҳол, тарз, равиш, йўсин, навъ; одат, қилик, адо, усул, тартиби.

Тавсан — шўх, ўйноки от; тавсанни тахайюл — хаёл оти.

Тавфиқ — мувофиқланиш, мувофиқлик, уйғунлик; ёрдам, мадад.

Тахрик — ҳаракатта келтириш, қимирлатиш, кўзғатиш.

Таксир — камчилик кўрсатиш.

Таҳрир — ёзиш, асар ёзиш, нуқсонлардан ҳоли қилиш, тузатиш.

Таҳқик — бирор нарсанинг ҳақиқатини излаш, текшириб кўриш, ҳақиқат қилиш.

Таъжил — ошиқиш, шошилиш.

Таълиф — созлаш, келишимли қилиш; тузиш, асар ёзиш.

Тазаллум — зулмдан шикоят қилиш, зорланиш, дод-фифон.

Тазарруъ — ялиниш, ёлвориш, илтижо.

Таяммум — чуқур ўйлаш.

Тавакқуф — тўхташ; тек туриш.

Таваҳҳум — ваҳимага тушиш, кўрқиш.

Такаллуф — ўзини кулфатга солиш, ўзини кийнаш, кийналиш ва кулфатланиш, билан бир ишни бажариш; ҳашамат, безак.

Танаффур — жирканиш, нафрatlаниш.

Тараҳҳум — раҳм қилиш, ғамхўрлик, марҳамат.

Тафоҳур — фахрланиш.

Тааққул — ақлга келтириш, ақл киргизиш.

Тағофул — бепарволик, тентаклик; ўзини билиб билмасликка солиш эътиборсиз бўлиш.

Тахассур — хасрат чекиш, афсусланиш.

Тийра — қоронғу; кора, булғонч; ғам-рұссали.

Тубий, тубо — жаннат дарахти, маж: келишган қомат.

Туфайл — ўзи чақирилмаган бўлса ҳам, чақирилган кишилар каторида уларга эргашиб, тўй-маъракаларга борувчи; сабаб, баҳона, восита.

## «Ү»

Узор — юз, бет, чехра; узор очмоқ — чирой очмоқ.

Улус — эл, халқ.

Усрук — маст, хуморли, кайфли.

## «Φ»

Фарсада — түзғиган, эскирган, титилган, ҳоргин, ҳолсизланган, эзил-  
ган.

Фархунда — қутлуг, саодатли, баҳтли, қувончли.

Фироқ — айрилик, ошқ-маъшуқлар орасидаги жудолик, айрилиш.

Фориғ — тинч, хотиржам; кутилган, озод, бўш; bemalol. Фориғ бўл-  
мок — кутулмок, халос бўлмок; тўхталмок.

Фориғбол — хотиржам, кўнгли тинчиган; бўшалган.

## «Ҳ»

Хавос — хосиятлар, хослар, подшоҳ яқинлари, улуғ зотлар, хос киши-  
лар.

Хадаф — нишон, нишон жойи; маж: йўналиш нуқтаси.

Харос — қўрқув.

Хат — чизик, из; ёзув, хат; янги чиққан мўйлаб.

Хирад — акл, фикр, зеҳн; хуш; нури хирад — акл нури, акл равшан-  
лиги; хирад иршоди — донолик йўлланмаси.

Хурдруй — ўзича ўсган, ёввойи.

Хирмон — маҳрумлик, бенасиблик, етиша олмай колиш; умидсизлик.

Хорхор — орзу; ғам, қайғу; тинчсизлик, кўнгил ҳаяжони; ғам хорхори-  
ғам чекишдан етган ҳаяжон, ташвиш.

Хаст — хохиш, истак, тилак; сўров, талаб.

Хунфишон — қон сочувчи, ўлдирувчи.

Хурдадон — майда ва нозик нарсаларни билувчи, нозик фаҳм.

Хуршид — қуёш, офтоб.

## «Ч»

Чавгон — «Гүй-чавгон» — ўйинида от устида туриб гүй-тўпни тутиб, тўхтатиб олинадиган, уриб ўйналадиган, учи эгри узун таёк.  
Чоғир — май, шароб, ичкилик.

## «Ш»

Шамшод — сарвга ўхшаш чиройли дараҳт. Мумтоз адабиётда севгилининг хуш қоматини шамшодга ўхшатиш одат бўлган.  
Шариф — шарофатли, шарафли, қадрли; сара мақбул.  
Шаҳват — жинсий алоқага рағбат.  
Шеван — нола, фифон, зори, мунг; шеван кўргузмак — нола, зори килмоқ, йиғламок.  
Шикиб — сабр, чидам, тўзим; бешикиб — сабрсиз, тоқатсиз, саросимили.  
Шито — қиши.  
Шуст — ювиш, юваниш, ювиб тозалаш.

## «Э»

Эъжоз — мўъжиза кўрсатиш, бошқаларни ожиз, ҳайратда қолдириш.  
Эътимод — ишонч, таянч, суяңч.

## «Ю»

Юхийл — изом — суякларни тирилтиради.

## «Ў»

Ўтру — қарши, муқобил, рўпара.  
Ўқасен — мақтайсен.

## «Қ»

Қавий — күчли, қувватли.

Қавм — кишилар гурухи, тұдаси.

Қарн — күпл, қурун — ҳайвон шохи; аср Алишер Навоий 30 йилни бир қарн ҳисобида ишлатади; узок муддат.

Қаттол — ўлдирувчи.

Қатъо — қатъиян, ҳеч қачон, асло.

Қосид — хабарчи, хат ташувчи, әлчи, қасд қилувчи, интилевчи.

## «Ғ»

Ғамза — күз ишораси, күз билан имо-ишора қилиш.

Ғамзада — ғамгин, қайгули.

Ғазола — урғочи кийик, урғочи оху.

## «Ҳ»

Ҳабиб — дўст.

Ҳаводор — ошиқ, севувчи, ҳавасли тарафдор.

Ҳажр — айрилик, жудолик, етиша олмаслик.

Ҳаз — ҳаловат, лаззат.

Ҳасаб — насл-насад йўли билан эмас, шахсан қозонилган номдорлик, донг, шухрат, обрў, шараф.

Ҳасид — ҳасадчи, кўролмовчи.

Ҳассон — Ўрта асрнинг таникли араб шоири.

Ҳиммат — бирор ишга қаттиқ уриниш, ғайрат билан киришиш; саҳоват, олижаноблик.

Ҳифз — саклаш, сакланиш, қўриқлаш; эсда тутиш.

Күнде — обрачение к божеству от устока чайных листьев — пакх  
и чайные напитки, залитые чайным яблочком — каджан — наезд  
также от пакх чайной прохлады для разогрева кишках — ичех дарх — наезд  
тибетом залитого чайного напитка из чайных листьев чай — танджан —  
кундукан — каджан — пакх  
и чайные напитки из чайных листьев — багдай  
и чайные напитки залитые чайной прохладой — дарх  
и чайные напитки из чайных листьев — пакх

**МУНДАРИЖА**

Сўзбоши. Захириддин Мухаммад Умаршайх мирзо ўғли Бобур . . . . .	6
Ғазаллар . . . . .	13
Маснуъ шеърлар . . . . .	74
Рубоийлар . . . . .	75
Туюклар . . . . .	117
Қитъалар . . . . .	120
Муаммолар . . . . .	124
Фардлар . . . . .	125
Маснавийлар . . . . .	130
«Мубаййин» рисоласидан . . . . .	154
Рисолаи «Волидийя» . . . . .	174

# ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР

## НАЗМ ДУРДОНАЛАРИ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг  
Бош таҳририяти  
Тошкент— 1995

Муҳаррир А. Аҳмедов  
Бадиий безаклар А. Маҳкамонники  
Бадиий муҳаррир А. Аъзамов  
Техник муҳаррир Е. Лукъянова  
Мусаҳҳихлар З. Солиҳова, Ў. Мадаминова

Теришга берилди 12.03.94 й. Босишига рухсат этилди 17.06.94.

Гарнитура Тип Таймс. Бичими  $70 \times 108^1/32$ . Офсет босма.

Шартли босма листи 9,1. Нашриёт хисоб листи 11,85.

Тиражи 50000 нусха. Буюртма 2735. Баҳоси шартнома асосида.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси,  
700083, Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кӯчаси, 41-үй

«Шарқ» нашириёт — матбаа концерни  
Бош таҳририяти томонидан яқин орада  
чоп этиладиган китоблар

**НЕЙМАТ АМИНОВ.** «Қитиғи ўлмаган қиз».  
Хажвий ҳикоялар.

Таникли ҳажвнавис адабнинг сўнгти тўрт-беш йил давомида ёзилган ҳикояларини ва адабнинг бевосита иштирокида кечган латифаомуз хотираларини акс эттирувчи китобни халқимиз интиқлик билан кутаётганини биламиз. Ўз ижодининг қойим чорида юксак дид билан ёзилган ҳажвияларини адаб ҳажвсеварларга муносиб тухфа сифатида тақдим этаётир.

## **АЛИНАЗАР ЭГАМНАЗАРОВ. «Сиз билган Дукчи эшон».**

ЭБОЛО МАДДА МУҲАММАДИ ШИҲОНДУХУТ МИДА

Мазкур хужжатли қисса Чор Россиясининг Туркистондаги мустамлака истибодига қарши қисқа, лекин кенг қамровли исёнга раҳбарлик қилган Муҳаммадали халифа, яъни Дукчи эшон ҳақида ҳикоя қиласди.

Халқимизни қизиқтириши тайин бўлган бу китобда Эшоннинг баъзи ҳикматлари ҳам илова қилинган.

ПАЙ ДЕД-ТӨЙТ ИТИФА ЗИНИДИК СИНВАЖАХ ПОЖИНГИ  
—ШИ АЛЯКОНД ЗИНИДИК СИ ЗИНИДАЛОҲИ НАҲИЯД ЕДИМОНД  
—СУДДИЧА ЗАЗ НИНИДАЛОҲИ БУМОБИҒИЛ НЕЧАҲ ВАҲОҲИСУ  
—ИД НИСИНЕББАТЧА НЕГОД ЗИКАРТИН ЗИНИДАХ НИДОТИСА ЖА  
—НЛАНД ДИК ИҶОҲ ОДИТОР МИНОД ЗИНИДОЖИ «СИЗИМ  
ДИСОНУМ ГУҶАРДУДАВОЗАЖЕХ БИДА НИНАДАНИКЕХ НАШМЕС  
—ХИТЭДАЕ МИДДИТ ОДИТБИҒИС ЕФДУТ

Тегиноте берилган ҲАДДИС А. Йоғоний расидатинида 10.00.04.

Горнотурк ҳам Таймыр, Бычево 70° 108° Ур. Оренбург дист.

Шартни бўлсат линия №1. Манзуби ўзим 51.85

Заводка 50000 пуска. Фурорида 27.45. Калинси нафаронида шартида

«Шарқ» ширкат-матбаса концепциинин босмасданаси, 760983, Тошкент шаҳри, «Букк Тўрот» кўтаси, 41-ум

**ТОҒАЙ МУРОД.** «*От кишинаган оқшом*». Қиссалар.

Мазкур тўплам, мана йигирма йилдирки ўзбек насрода ижод қилаётган истеъдодли адаб Тоғай Муроднинг «Юлдузлар мангу ёнади», «От кишинаган оқшом», «Ойдинда юрган одамлар» ва «Момо ер қўшиғи» сингари қиссаларини ўз ичига олган бўлиб, ёзувчининг қиссачиликдаги ижодий камолотини тўлиқ акс эттирган.

ХУРШИД ДҮСТМУҲАММАД. «Жажман».  
Қиссалар ва ҳикоялар.

Үқувчиларнинг диққатига ҳавола қилинаётган мазкур тўплам ёзувчининг уч қиссаси ва бир неча ҳикояларидан тузилган. Саргузашт унсурлари кучли мазкур қиссалар ва ҳикоялар теран руҳий таҳдил ва фалсафий талкини билан ўқувчини жалб этиши муқаррар.



